

И. А. ДАМИНОВ, Б.С. ТУРАБАЕВ

Азюдо

(Ҳакамлик қоидалари)



Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда, ўқув қўлланма материаллари тақдим этилган. Асосий диққат эътибор дзюдо қоидаларига, мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, олимпия захиралари коллежлари, спорт коллежлари, БЎСМ ларида дзюдо мусобақаларини ташкил этиш, ўтказиш ва ҳакамлик қилиш

қоидаларини ўргатишга қаратилган.

Мазкур қоидалар 2003 йил 8 сентябрда, Осака шаҳрида ўтказилган (Япония) Халқаро дзюдо федерацияси конгрессида қабул қилинган.

2006 -2009 - 2010 йилларда қабул қилинган халқаро қоидалар, 2013-2016 йилларга мўлжалланган ҳакамлик қоидаларининг тажриба-синов шакллари ҳамда Халқаро дзюдо федерацияси, Европа ва Осиё дзюдо иттифоқларининг янги ўзгартиришлари, тузатишлари ва изоҳлари асосида тузилди.

Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.

И.А. КАРИМОВ

КИРИШ

Дзюдонинг мақсад ва вазифалари. "Дзюдо" – (юмшоқ йўл) бу тан ва руҳдан энг самарали фойдаланиш усулларига олиб борувчи йўл маъносини беради. Дзюдонинг моҳияти баданни чиниқтириш, иродани тарбиялаш, астойдил қилинган машғулотлар орқали ҳужум қилиш ва ҳимояланиш санъатини эгаллашдадир.

Жисмоний тарбия воситаси сифатида дзюдо куч, саломатлик ва ўз имкониятларини тўла намоён эта олиш маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган.

Инсоннинг энг ажойиб ғоялари ва ўзига ҳос фикрлари ҳам, агар унинг саломатлиги ёки ўз қобилятини намоён этиш истаги бўлмаса, ҳеч қандай самара бермайди. Дзюдо иргитишлар, ётган ҳолда кураш ва усуллар намоёиши - катадан иборат. Дзюдонинг ушбу вазифаларини амалга оширишда гавданинг барча органлари ва қисмлари иштирок этади. Оқилона олиб борилган машғулотларда инсон организмнинг функционал фаолияти керакли даражада сакланади, бу эса соғлиқни мустаҳкамлайди ва самарали меҳнат қилиш учун шароитлар яратади. Машғулотлар орқали саломатликни мустаҳкамлаш дзюдонинг энг муҳим вазифаларидан бири.

Дзюдода ҳужумдан ташқари ҳимоя ҳам, жумладан ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳам мавжуд. Шу сабабли, олдиндан ўзини тасодифларга тайёрлаш ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш усуллари ҳар куни қайта-қайта машқ қилиб туриш зарур. Дзюдо ғалаба қозониш санъатининг бир текисдаги илмий тизимини ўзида намоён қилади.

Дзюдо асрий анъаналарини сақлаб самурай ор-номуси кодексининг вориси бўлиб қолади. У (дзюдо) биргина жисмоний кучни эмас, балки ақлни, олийжанобликни ҳам тарбиялайди. Дзюдо - бу ўз-ўзини камолотга етказиш санъати ҳисобланади. Агар у тажрибали ёки эндиgina бошлаган дзюдочи бўлса ҳам аввалом бор довюрак ва одамларга нисбатан ҳурматда бўлиши зарур.

Дзюдо курашининг асосчиси Дзигоро Кано ўз санъатини шахсни ҳар томонлама шакллантирувчи восита сифатида ўрганади. У дзюдо қуролсиз ҳимоя эмас балки, кундалик ҳаётнинг фалсафаси деб билади:

Хушмуомалалик,
Жасурлик,
Самимийлик,
Софдиллик,
Камтарлик,
Ўзини назорат қилиш,
Дўстликдаги содиқлик,

Атрофдагиларга ҳурмат,
Мактабга киришдаги ўқувчининг қасамёди..

- Мен сабабсиз ўқишни ташламайман.
- Мен дзюдога ва мактабга иснод келтирмайман.
- Устозимнинг рухсатисиз мен ўрганган сирларни ҳеч кимга очмайман.
- Ўқувчи сифатида мен мактабим ва дзюдо қонунларини ҳурмат қилиб, ўқитувчи бўлсам уларга риоя қиламан.

Дзигаро Кано ўз маърузаларида кундалик ҳаётдаги дзюдочининг беш омилини таъкидлаб ўтади..

1. Ҳар қандай ташаббусда устунликка эга бўл;
2. Ўзинга ва кундалик ҳаётдаги ҳол – аҳволни, шароитни диққат билан кузат, бошқа одамларни диққат билан кузат, атрофдаги барча нарсаларни диққат билан кузат;
3. Тўла англаб ол, дадиллик билан ҳаракат қил
4. Ҳар нарсанинг меъёрини бил:
5. Аянчли қўрқоқлик ва ўйловсиз мақтаниш, ўзини азоблаш ва ялқовлик, ҳурсандчилик ва тушкунлик ўртасини ушлаб юр.

Дзюдо олимпияда спорт тури сифатида. Дзюдонинг ватани Япония ҳисобланиб, бу спорт тури олимпиада ўйинлари спорт тури ҳисобланади. Дзюдо бўйича биринчи мартоба эркаклар ўртасидаги мусобақа 1964 йида Токио шаҳрида бўлиб ўтган ёзги олимпия ўйинларида ўтказилган ва Олимпиада ўйинларининг спорт тури сифатида киритилган. Шунда 4 комплект медаллар учун беллашувлар бўлиб ўтган ва 3 та олтин медалини япон дзюдочилари қўлга киритган. Аёллар ўртасида дастлабки мусобақалар 1992 йилда Барселона шаҳрида бўлиб ўтган ёзги олимпиада ўйинларида бошланган.

Олимпия ўйинларида дзюдо бўйича энг муваффақиятли мамлакат Япония ҳисобланади. Уларнинг ҳисобида 1964 йилдан буён ўйналган 123 та олтин медалдан, 36 таси олтин ва 18 тадан кумуш ва бронза медаллари мавжуд. Бу борада иккинчи ўринни французлар эгаллайди – уларнинг ҳисобида 12 та олтин, 8 та кумуш ва 24 та бронза медаллари бор. Учинчи ўринни эса Жанубий Корея вакиллари эгаллашади, улар 11 та олтин, 14 та кумуш ва 15 та бронза медалларини қўлга киритишган.

Олимпиада ўйинларида юқори натижаларга эришган дзюдочилар

- Антон Гесинк — голландиялик дзюдочи, дзюдодан 10-дан соҳиби (ХДФ томонидан берилган). Уч карра жаҳон чемпиони (1961, 1964 ва 1965), Европа чемпионатининг 20 карра совриндори, Олимпиада

ўйинлари ғолиби (1964). Жаҳон чемпионатларида ва Олимпияда ўйинларида (мутлоқ вазн тоғасида) япон спортчиларини мағлуб этганган биринчи дзюдочи ҳисобланади.

 Рёко Тани — япон аёл дзюдочиси, Олимпиада ўйинларида 105,82 фунты вазнда 5 марта кетма – кет 5та медални қўлга киритган (2 та олтин, 2- кумуш ва 1 та бронза).

 Тадахиро Номура — Ягона ҳисобланган дзюдо бўйича уч карра Олимпиада чемпиони (1996, 2000 ва 2004), 60 кг вазнда иштирок этган.

 Петер Зайсенбахер — австриялик дзюдочи, икки карра олимпиада чемпиони (1984, 1988).

 Хитоси Сайто — япон дзюдочиси, икки карра олимпиада чемпиони (1984, 1988), оғир вазнда иштирок этган,

 Давид Дуйе — француз дзюдочиси, икки карра олимпиада чемпиони (1996, 2000) ва 4 карра жаҳон чемпиони.

Ўзбекистонда дзюдонинг ривожланиши. 1972 йилда тузилган Ўзбекистон дзюдо федерацияси 1992 йилда қайтадан ташкил этилди. Федерация раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда уларга бўйсинувчи муассаса ташкилотлари билан спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида уни оммавийлаштириш, жаҳон даражасидаги спортчиларни тайёрлашда анчагина ишларни амалга оширди. Шу йиллар ичида дзюдо спорт тури Республикамизда анча кенгайди. Вилоятлардаги, Олимпия заҳиралари коллежлари қошида дзюдо бўлимлари очилган бўлиб улар келажаги бор полвонларни аниқлашда ва тайёрлашда ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Бугунги кунда республикамизда 350 дан ортиқ мураббийлар раҳбарлигида дзюдо билан тахминан 15 мингдан зиёд ёшлар шуғулланмоқда, шулардан 1000 га яқини Олимпия заҳиралари каоллежи дзюдо бўлимлари талабалари ҳисобланади. Шу билан бирга 80 га яқин ихтисослаштирилган дзюдо спорт заллари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда спортнинг мавқеини янада ошириш ва жаҳон аренаида ўз ўрнини мустаҳкамлашда олиб борилган ишлар республика дзюдочиларга Олимпия ўйинлари мусобоқаларида, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида иштирок этишга имкон берди. Биринчи катта ютуқ бу Атлантадаги (АҚШ) 1996 йили А.Ю Багдасаров томонидан эгаллаган кумуш медали бўлди. 1999 йил Бермингем шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ф. Тўраев 2-ўринни эгаллади.

1998 йили Камол Муродов Бангкокда ўтган XIII Осиё ўйинларида бронза медалини қўлга киритди. Ўша йили Мюнхенда бўлган Гран-при

мусобақасида ғолиб чикди. 2000 йили Япониянинг Осака шаҳридаги Осиё чемпионатида кумуш медал совриндори бўлди.

2003-2007 йиллардаги жаҳон чемпионатларида Абдулла Тангриев бронза медали совриндори бўлди. 2006 йилдан бошлаб 4 та бронза медалини эгаллашган, XV Осиё ўйинларидаги хулосаларига кўра Ўзбекистон терма жамоа аъзолари рейтинг балларига эга бўла бошлашди. Натижада 2008 йилда Пекинда ўтказилган Олимпия ўйинларида иштирок этишга имкон яратилди. Халқаро мусобақаларда лицензия берувчи турнирларда, 2008 йилдаги осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари 8 та лицензияни (6 та эркак ва 2 та кизлар) қўлга киритишди ва Пекиндаги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишди.

Масалан, Абдулла Тангриев кумуш, Ришод Собиров бронза медалини қўлга киритишди. Бундан ташқари Мустақиллик йилларида илк бор 2008 йилги Олимпиада ўйинларида иккита кизимиз, Осиё чемпионати ғолиби бир неча бор совриндори Мария Шекерова ва Зинура Джураевалар иштирок этишди.

2006-2011 йиллар давомида Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон биринчилиги ва чемпионатларида, Жаҳон кубоги босқичларида, Халқаро Гран-при "Нью Йорк опен", Халқаро турнирларда ва биринчиликларда 28 та олтин, 21 та кумуш ва 21 та бронза медалларини қўлга киритишди.

2009-2011 йиллар ҳам Ўзбекистон дзюдочилари учун омадли йил бўлди. Масалан; Парижда (Франция) " катта шлем " Гран При мусобақасида А.Тангриев 3-ўринни эгаллади. Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган Гран При мусобақасида А Тангриев ва Ришод Собиров олтин медал сохиблари булишди, Рамзиддин Саидов эса 5-8 ўринларни эгаллади. Ушбу турнирларда (мусобақаларда) иштирок этиб Ўзбекистон дзюдочилари Лондонда бўладиган Олимпиада-2012 ўйинларида иштирок этиш учун рейтинг очколарига сазовор бўлишди.

Халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда тинимсиз ишлар олиб борилди. 2007 йил Бразилияда ўтказилган Халқаро дзюдо федерацияси конгрессида А.Ю. Багдасаров Халқаро дзюдо федерациясининг спорт деректори этиб сайланди ва албатта биламизки 60 кг вазн тоифасида Ришод Собиров 2011 йилнинг энг яхши дзюдочиси деб тан олинди. Жаҳоннинг энг яхши тренери (мураббий) унвонига Ўзбекистон терма жамоасининг бош тренери Андрей Штурбабин эга бўлди. Бу юқори унвонларни спортчилар, Парижда жаҳон чемпионатлари доирасида 2011 йил август ойида ўтказилган, халқаро дзюдо федерацияси конгрессида қўлга киритишди.

2011 йилда Ўзбекистон дзюдо федерацияси ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири, Тошкентда дзюдо бўйича олимпиадачиларни тайёрлаш Осиё марказининг очилиши бўлди.

Дзюдо федерацияси ходимлари кўчиб ўтган бино машғулот залларига, меҳмонхона, офис хоналарига эга бўлиб, келажакда бу ерда Ўзбекистон ва хорижий терма жамоалар ўқув машғулот йиғинлари ўтказилади. Бу ерга жаҳоннинг турли ерларидан ўқув-машғулотларига келадиган спортчилар учун яратилган шароитларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу ерда келажакда профессионал даражасига етадиган олимпия захиралари спортчиларини ўқитиш, таникли дзюдочиларни малакасини янада ошириш, турли даражадаги жамоалар учун мастер-класс ва ўқув-машғулотларни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Тошкентда дзюдо бўйича олимпия тайёргарлигининг Осиё маркази очилиши янги ютуқларга ва янги ғалабаларга эришишдаги ҳамда ўзбек дзюдо мактабига юқори ишонч ва уни тан олдиришдаги яна бир қадам бўлиб қолади.

Навбатдаги ёзги олимпиада ўйинларида ҳам Ўзбекистон дзюдо терма жамоаси ижобий натижаларга эришди. Лондон шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада - 2012 спорт мусобақаларида ҳамюртимиз Ришод Собиров фахрли 3-ўринни эгаллади ва бронза медалига сазовор бўлди.

ҲАКАМЛИК САНЪАТИ

Юқори даражадаги ҳалқаро мусобақаларда ҳакамлик қилиш бу чинакам санъатдир. Бу натижаларга эришиш учун кўп йиллик амалиёт ва машғулотлар талаб этилади. Яхши ҳакам, рефери бўлиш учун гиламдаги “беллашувни ҳис қилиш”, беллашув ривожига фикран ва маънан иштирок этиш, рўй бераётган ҳаракатнинг бир қисми бўлиш керак. Усулларни олдиндан кўра билиш, керакли пайт доимо тўғри ҳолатда бўлиш ва объектив ҳолатда тўғри баҳолаш керак.

Оптимал ҳолатда ишлаш учун соғлом руҳ ва соғлом тана бўлиши керак. Чуқур диққат, аниқ, тез баҳо ва қарорлар чиқариш учун керак. Бутун мусобақа мобайнида иш фаолияти жуда юқори даражада бўлиши керак.

Кўп ҳолларда реферилар собиқ спортчилар бўлишади. Улар дзюдо билан мукаммал шуғулланган. Дзюдочи ҳаётида ҳакамлик даражасига етишиш бу табиий ҳол. Баъзиларига, бу ҳиссиёт ўзлари мусобақага чиққан кунларини эслатади. Бундан ташқари реферига босим ўзидан ўзи

ошмайди, унга қатнашчилар, мураббийлар, телевидение, томошабинлар, ҳакамлик комиссияси ҳам ҳалақит бериши мумкин. Асаб ҳар доим нормал ҳолатда бўлиши лозим ва биринчи ўринда тўғри баҳо бериш ҳисси туриши керак. Ҳакам ҳам жисмонан, ҳам руҳан спортчи каби тайёр бўлиши керак. Чунки у эътиборли, бақувват бўлиши керак. У мусобақада спортчиларни тўғри баҳолаши керак. Мусобақадан бир кун олдин рефери залга кириб тиббий ёрдам, хронометрист, ҳакамлик таблоси ва ҳоказолар билан танишиб чиқиши лозим. Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионати мусобақаларида репетиция бўлиши, мусобақа иштирокчилари: телевидение, дикторлар, реферилар ва мусобақа ташкилотчилари орасида бирдамлик ва ҳамкорлик бўлишида ишонч ҳосил қилади.

Рефери мажбуриятлари: - Реферининг биринчи вазифаси мусобақа иштирокчиларини хатосиз, мустақил равишда, лекин ХДФ мусобақа қоида ва низомларидан четга чиқмаган ҳолда қатнашишини назорат қилиш ва баҳолаб бериши керак. Бунинг учун рефери жуда ҳам ақлли, билимга чанқоқ, ўзига ишонадиган инсон бўлиши керак. Рефери ҳаққоний баҳолаб бориши керак. Керакли пайтда қатнашчилар ман этилган усулларни қўллагани учун жазолаши ва баҳолаб бориши зарур. ХДФ 2013-2016 йилларга мўлжалланган тажриба-синов қоидалари бўйича мусобақани бир рефери ва 1 та ёрдамчи ҳакам бошқариб боради. Ҳакамларнинг иши жуда ҳам мураккаб бўлиб, улар реферига мустақил баҳолашига ёрдам бериши, агар реферига маслаҳат керак бўлса ёрдам бериш зарур. Маслаҳат қисқа ва мазмунли бўлиши керак.

Охирги баҳони ҳакамлар биргалашиб, бамаслаҳат баҳолашади. Барча баҳолар ҳакамларга ва секундометристларга тушунарли ва аниқ бўлишига рефери жавобгар бўлади. Рефери ва ёрдамчи ҳакамнинг баҳолашига ташқи таъсир ва ташқи омиллар таъсир этмаслиги керак.

Мукаммалликка интилиш: - Спортчи чемпион бўлиш учун ўз ишини мукаммал бажаришга интилгани каби, рефери ҳам ўз ишида мукаммалликка интилиши кучлироқ бўлиш истаги бўлиши керак.. Бироқ иштирокчилардан фарқли ўлароқ, реферилар орасида рақобат бўлмайди ва бунга ҳеч ким йўл қўймайди. Рефери ишидаги ютуқ, ўзи қўйган мақсадга эришиш ва ўз ҳамкасбларининг иқтидорини тан олишида кўринади.

Ҳакамлар ўз нуфузини йўқотмаслик учун қатъият билан, шубҳаларга ўрин қолдирмай қарор қабул қилиши керак. Бу малакани яхши ўзлаштириш учун, татамида мунтазам ҳакамлик қилиб бориши зарур. Ҳатто етук реферилар ҳам, катта ёки кичик мусобақа бўлишига қарамай, иложи борича кўпроқ мусобақаларда ҳакамлик қилиши, ҳамкасбларидан ўз ишини шарҳлашлари ва таҳлил қилишларини сўраши, ўз ишини янада

такомиллаштириши зарур. Мусобақа бош ҳаками ҳам ўз малакасини юқори даражада ушлаши учун татамида ҳакамлик қилишга интилиши керак.

Ўз билимларини мукаммаллаштириш ва ўз малакаларини кучайтириш учун ҳакамлар бутун фаолиятлари давомида ташкил этилаётган семинарларда иштирок этишлари; етук тажрибали ҳакамлардан мулоқот ва маслаҳат излаш, ўзларини қизиқтирган фаолиятидаги муаммоларни ечиш йўллариини ўрганишлари; ўз устида ишлаб мукаммаллик йўлида ўз ҳамкасбларига нисбатан очик кўнгил, самимий бўлишлари керак.

ХДФ Ҳакамлик қоидалари мунтазам равишда, айниқса муҳим мусобақалардан олдин ўрганилиши, таҳлил этилиши керак. Қўл билан бажариладиган ишоралар, гиламдаги ҳаракатлар, оғзаки бериладиган буйруқлар ойна олдида машқ қилиниши керак. Кимнинг имкони бўлса, ўзининг татамидаги хатти-ҳаракатларини видеога олиб таҳлил қилиш яхши натижа беради.

Ўрганиш ва тараққий этишнинг охири йўқдир. Мукаммаллик чегарасиздир ва унга етишиш асло мумкин эмас, бироқ мукаммалликка иштиёқ билан ҳамиша интилиш керак.

Устозлик: - Ҳамма тажрибали ҳакамлар ҳакамлик касбининг ҳар бир босқичини қўллаб-қуватлаши ва ривожлантиришига масъулдир. Ҳар хил даражадаги мусобақаларда иштирок этиб, рефери ҳакамлар томонидан қилинаётган умумий хатолар, рўй бераётган муаммолар ечимини топиши, хатоларни тўғирлаши мумкин. Кичик даражадаги мусобақаларни бошқариш ва назорат қилиш, юқори малакали халқаро тоифасидаги ҳакамларни тарбиялаш ва авлодлар алмашинуви тизимини ташкил этади.

Устозлик қилиш ва бошқаларда ўзига бўлган ишончни ошириш, ҳакамдан махсус сифат ва фазилатларни талаб этади. Тажрибали рефери бошқа ҳакамлар қарорига тўғридан-тўғри аралашмасдан, босим ўтказмасдан маслаҳат ва йўриқлар бера олиши керак. Ҳакамнинг аралашиши рефериларда ўзини йўқотиб қўйиш, хафа бўлиш, асабийлашишни келтириб чиқаради, томошабинларда эса ҳакам нима қилаётганини билмаётгандай таасурот уйғотади. Фақатгина кўпол, яъни жиддий техник хато вужудга келса, ёрдамчи ҳакам тўғридан-тўғри аралашиши ва иштирокчиларга ҳар томонлама тўғри ва тушунарли қарор қабул қилиши мумкин.

Ҳакамнинг роли: - Ҳакам ҳакамлар жамоасининг муҳим аъзоси бўлиб, тенг овозга эга. Лекин реферилардан фарқли ўлароқ масъулияти кўпроқ бўлади. Кўпгина мусобақаларда ҳакамлар жамоасида икки ҳакам ва бир рефери, баъзида бир ҳакам ва бир рефери, ҳозирги вақтда эса 2013-

2016 йилларга тажриба синов учун мўлжалланган янги қоидаларда ўртада битта рефери бўлади.

Ҳакам беллашув ҳудудининг ташқарисида кузатув столи олдида ўтириб, беллашув ҳудудининг кўриши, реферининг кўриш доирасидан фарқ қилади. Беллашув ҳудудининг четида техник ҳаракат бажарилса, ҳаракат бажарилган томонда ўтирган ёрдамчи ҳакам ҳаракат татамида ёки татамидан ташқарида бажарилганини кўрсатиб, реферининг баҳосини ўзгартириши мумкин.

Ҳакам ўтаётган беллашувни мустақил баҳолаб бориши ва ҳар бир содир бўлаётган ҳаракат бўйича ўз фикрини билдиришга тайёр бўлиши керак.

Ҳакамнинг вазифалари реферидан талаб қилинадиган сифатлар каби: билимдонлик, диққат-эътиборни талаб этади.

Ҳакам иштирокчилар ҳаракатини олдиндан кўра билиши ва иштирокчилардан кўзини узмаслиги керак.

Ҳакам рефери каби таблони назорат қилишга масъул бўлиб, бу секундометрчиларнинг таблода кўрсатаётган натижалари ҳакамлар чиқараётган қарорлар билан тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун керак. Баъзан ва айниқса баҳолар эълон қилингандан сўнг, таблодаги натижалар тўғрилиги текширилиши лозим.

Ахлоқ кодекси: - Халқаро тоифадаги ҳакамлар татамида ва ундан ташқарида ҳам ХДФ ва ХДФ ҳакамлар комиссияси вакили ҳисобланади. Бу эса ҳакамлар ҳамма вақт ўзларини муносиб равишда тутишларини тақозо этади.

ХДФ ҳаками юқори малакали профессионал; ташқи кўриниши озода; ўз вақтида барча учрашувларда иштирок этиши зарурлиги ҳақида ўз олдида ҳисоб берадиган; мусобақаларнинг охирги учрашувигача қатнашишга тайёр; барча мажлисларда иштирок этиши ва бош ҳакам ёки комиссия озод қилсагина мусобақаларни тарк этишга тайёр бўлиши керак.

Рефери дзюдо бўйича юритилаётган халқаро протоколлар ва ХДФ ҳакамлик қоидаларини, ўзгаришлар ва янгича талқинларни билиши зарур.

Рефери ҳалоллиги шубҳаларга ўрин қолдирмаслиги керак. Рўй бериши мумкин бўлган томонларнинг низоларидан озод бўлиш учун, мусобақалар пайтида, ишламаётган ҳакамлар, махсус ажратилган жойларда ўтириши ва ҳар қандай спортчи ёки тренерлар билан алоқада бўлмаслиги керак.

Барча реферилар бўлажак ҳакамларнинг савиясини ошириш мақсадида миллий ва минтақавий ҳакамлик дастурларида асосий ўринни эгаллашади. Улар ўз билимларини маслаҳат ва амалий ёрдамларини бўлажак рефери ва ҳакамларга беришлари лозим.

Ҳакамлик бу жамоавий иш. Ҳакамлар ўз ҳамкасблари билан биргаликда мувофиқ равишда ишлаши, ўзининг билимларини такомиллаштириш йўлида ҳамкасбларининг очиқ шарҳларини қабул қилиши, ўрни келганда ўз маслаҳатларини одоб билан, мазмунли қилиб етказиши керак.

Ҳакамлик, малакани ошириш курслари ва семинарлар масъулиятли муносабатни талаб этади. Рефери алкоголь ичимликларини меъеридан ортиқ истеъмол қилмаслиги, мусобақа ва семинар олди кунлари етарлича дам олиб, бу тадбирлар ўтадиган кун фаол ва тиниқ тафаккур билан бўлиши лозим.

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Ҳакамлар ҳайъати таркиби

1. Ҳакамлар ҳайъати таркиби мусобақа ўтказаетган ташкилот ёки федерация томонидан тасдиқланади.

2. Ҳакамлар ҳайъатига қуйидаги аъзолар киради:

Ҳакамлар комиссияси аъзолари

Бош ҳакам

Бош ҳакам ўринбосари (татами бошқарувчиси).

Бош котиб

Бош котиб ўринбосари

Котиблар

Татамидаги ҳакамлар

Таблодаги ҳакамлар

Хронометрчи-ҳакамлар

Техник котиблар

Маълумот берувчи ҳакамлар

Иштирокчилар ёнидаги ҳакамлар

3. Бундан ташқари мусобақа ўтишини қуйидаги кишилар таъминлайди:

Врачлар, ҳамширалар

Мусобақа коменданти

Техник хизмат ходимлари (электрон табло, компьютерлар ва видео тасмага ёзиб олувчи мутахассислар).

4. Дзюдочиларнинг мусобақадаги ҳаракатини беллашув даврида фақат битта арбитр ҳакамлик қилади. Иккинчи ҳакам кузатув столи олдида назоратни амалга оширади. Радиоканал орқали ҳакамлар ўртасида алоқа

ўрнатилиб туриши мумкин. Уларга ҳакамлик комиссиясининг аъзоси ёки бошқа ҳакам ёрдам бериши мумкин.

Уларнинг иккиси ҳам спортчилар ҳаракатини мустақил равишда баҳолаб боради ва ҳар бири мунозарали ҳолатларни мусобақа қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини асослаб бермоғи лозим.

Бундан ташқари халқаро дзюдо федерацияси комиссияси агар зарур деб билса жараёнга аралашиш ҳуқуқига эга.

5. Ҳакам ҳакамлик кийимида бўлиши, ҳакамлик тоифасини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши, тоифасига муносиб ҳакамлик нишони бўлиши шарт.

Керакли ҳакамлар сонининг ҳисоби 8 иловада кўрсатилган.

6. Дзюдочилар беллашувини қуйидаги ҳакамлар таркиби ҳакамлик ва назорат қилади: татами бошқарувчиси, секундометрчи, таблодаги ҳакамлар, арбитр, иккинчи (ёрдамчи) ҳакам кузатув столи олдида назоратни амалга оширади ва техник котиб.

7. Ҳакамлар ушбу қоидалар асосида иш кўрмоғи лозим.

8. Ката бўйича мусобақаларни бир вақтнинг ўзида бош ҳакам бошчилигида бешта ҳакам ва ҳакамлар комиссияси вакилининг назорати орқали бажарилади.

Бешта ҳакамнинг ҳар бири ўз жойида қуйидаги нарсалар қўл остида бўлиши керак:

- Расмий баённома
- Авторучка
- А4 ҳажмли қисқичли планшет
- Қизил ва ок байроқчалар

Бош ҳакам

Бош ҳакам ҳакамлик комиссияси билан биргаликда, мусобақа низоми ва қоидалари асосида мусобақа ўтишини бошқаради. У мусобақа ўтказаетган ташкилот олдида мусобақа ўтиши бўйича жавоб беради.

1. Бош ҳакам вазифалари:

а) мусобақа ўтказиладиган бино ва ускуналарнинг қоидалар талабига мос равишда тайёрлигини текшириш, мусобақа ўтадиган жойларни қабул қилиш ҳақидаги актни тузиш (9 илова), шу билан биргаликда керакли ҳужжатлар мавжудлигига амин бўлиш;

б) иштирокчиларнинг вазнини ўлчашни ташкил этиш ва назорат қилиш;

в) иштирокчиларнинг куръа ташлашини ташкил этиш ва назорат қилиш;

г) мусобақанинг ўтиш жадвалини тасдиқлаш;

д) мусобақа ҳакамлари ва жамоа вакиллари билан мусобақадан олдин, мусобақа ўтаётган ҳар бир кун охирида ва зарурияти бўлган пайтда йиғилишлар ўтказиш;

е) мусобақа ўтказган ташкилотга мусобақа тугагач 7-кундан кечиктирмай ҳисобот топшириш.

2. Бош ҳакам ваколатлари:

а) мусобақа ўтказиш жойлари ва ускуналар мусобақа қоидалари талабига жавоб бермаса, бош ҳакам мусобақа ўтказаетган ташкилот вакили билан биргаликда мусобақа ўтказилишини бекор қилиш;

б) мусобақа ўтишига ҳалақит берадиган ноқулай шароитлар юзага келганда, беллашувни тўхтатиш, танаффус эълон қилиш ёки мусобақани тўхтатиш;

в) зарурат туғилганда мусобақа дастури ва мусобақа ўтказиш жадвалига ўзгартиришлар киритиш;

г) ҳакамларга қўпол муомала қилган ва ўз вазифаларини бажаришдан бош тортган жамоа вакилига (мураббий, жамоа сардорига) огоҳлантириш ёки ўз вазифасини бажаришдан четлатиши мумкин.

3. Бош ҳакам буйруқларини бажариш ҳакамлар, иштирокчилар, вакиллар ва мураббийлар учун мажбурийдир.

4. Бош ҳакам мусобақадаги ўз вазифасини вақтинчалик ўринбосари зиммасига юклаши мумкин.

Бош котиб

Бош котиб мусобақа котибияти ишини бошқаради.

а) мандат комиссияси аъзоси бўлиб, иштирокчилар вазнини ўлчашга котибларни тайинлайди;

б) куръа ташлашда иштирок этади;

в) мусобақа дастурини ва мусобақанинг ўтиш жадвалини тузади;

г) мусобақа баённомасини юритади;

д) мусобақа айланма тизим бўйича ўтказилса, учрашувлар тартибини тузади;

е) беллашувлар баённомасини расмийлаштиришни назорат қилади;

ж) бош ҳакам фармойиши ва қарорларини расмийлаштиради;

з) мусобақа натижаларини ва якуний ҳисобот учун зарур бўлган маълумотларни бош ҳакамга тасдиқлатади;

и) ҳакамлар, жамоа вакиллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мусобақага оид маълумотлар билан таъминлайди.

Бош ҳакам ўринбосари (татами бошқарувчиси)

Татами бошқарувчиси мусобақа пайтида ҳакамлар столида ўтиради ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) ҳакамлар комиссияси ёки бош ҳакам ҳакамлар гуруҳини тайинламаса, ҳакамларни танлаш бўйича компьютерда қуръа ташлаш ўтказилмаётган бўлса, ҳар бир беллашувга ҳакамлар гуруҳини татами бошқарувчиси тайинлайди;

б) татамига спортчиларни чақиради, иштирокчи жуфтликларни таништиради, маълумот берувчи ҳакам бўлмаса натижаларни эълон қилади;

в) татамида ҳакамлик тўғри бажарилаётганини назорат қилади, таблодаги ҳакамлар, хронометрчи-ҳакамлар ва иштирокчилар ёнидаги ҳакамлар ишини назорат қилади.

Техник-котиб, табло ҳаками, хронометрчи-ҳакам, маълумот берувчи ҳакам

1. Техник-котиб татами бошқарувчиси столида ўтириб, ҳар бир беллашув давомида ҳакамлик баённомасининг керакли устунларини тўлдиради (баҳолар, беллашув вақти, ғалабалар сифати). Ҳар бир учрашув ўтгандан сўнг, ҳакамлик баённомасини котибиятга топширади.

2. Табло ҳаками татами бошқарувчиси столида ўтиради ва техник воситалар ёрдамида иштирокчиларнинг фамилиясини кўрсатади, арбитр эълонидан сўнг баҳолар ва жазоларни ҳам кўрсатади. Электрон табло бўлмаса ёки ишдан чиқса, баҳолар ва жазо қўл ёрдамида ишлатиладиган механик табло орқали кўрсатилади.

3. Хронометрчи-ҳакам татами бошқарувчиси столида ўтириб, беллашув хронометражини ва ушлашлар вақтини ўлчашни олиб боради, электрон табло бўлмаса ёки ишдан чиқса, беллашув вақтини механик хронометр орқали ўлчаб боради.

4. Маълумот берувчи ҳакам мусобақа ўтиш дастури ва тартибини эълон қилади, ҳар бир беллашув иштирокчисини таништиради ва ҳар бир беллашув натижасини эълон қилади ва ҳоказо.

Арбитр

1. Арбитр одатда беллашув ҳудудида туриб, беллашувни бошқариб туради. У ҳакамлар гуруҳининг қарорлари таблода тўғри кўрсатилаётганини кузатиб бориши лозим.

2. Арбитр беллашувдан олдин мусобақа майдони, ускуналар созлиги, тиббий, техник ва бошқа ходимлар тайёрлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

3. Арбитр ўз қарорини эълон қилиб туриб, шунга мувофиқ қўл ишораларини бажараётганида, ёрдамчи ҳакамни кўриши ва ёрдамчи ҳакам қарори арбитр қароридан фарқ қилса тезлик билан ўз қарорини тўғирламоғи лозим.

4. Агарда техник ҳаракатнинг баҳоси, ёрдамчи ҳакам баҳосидан баланд бўлса, арбитр ўз баҳосини ёрдамчи ҳакам кўрсатган баланд баҳога ўзгартириши керак.

Агар техник ҳаракатнинг баҳоси ёрдамчи ҳакам баҳосидан паст бўлса, арбитр ўз баҳосини ёрдамчи ҳакам кўрсатган паст баҳога ўзгартириши керак.

Агар ёрдамчи ҳакам баҳоси билан, арбитр баҳоси фарқ қилса, ёки баҳсли вазият бўлиб қолса арбитр ва ёрдамчи ҳакам беллашувни тўхтатиб видео тасмани қайтариб кўришлари мумкин.

5. Икки спортчи ҳам ётган ҳолда курашса ва бошлари беллашув майдони чегараси томон қаратилган бўлса, арбитр хавфсиз ҳудуддан туриб курашаётган спортчиларни кузатиши мумкин.

6. Мусобақа бошланишидан олдин арбитр ва ёрдамчи ҳакам ўзларининг татамидаги беллашув тугашини билдирувчи мосламанинг сигнали билан танишишлари, врач ва тиббий ходимлар жойини билишлари керак. Ҳакамлар мусобақа майдонини кўздан кечираётганда татами сирти текис ва тоза, матларнинг ораси тирқиш ва ковакларсиз бўлиши керак, иштирокчилар мусобақа қоидалари талабига жавоб берадиган кийимларда бўлишлари шарт.

7. Арбитр томошабинлар ва фотосуръатчилар томонидан иштирокчиларга хавф-хатар вужудга келмаслигини назорат қилиши лозим.

Ёрдамчи ҳакам

1. Ёрдамчи ҳакам арбитрга ёрдам бериши ва кузатув столи олдида назоратни амалга ошириши лозим. Ёрдамчи ҳакам арбитрнинг баҳоси ва жазоси бўйича қароридан фарқ қиладиган хулосага келса, ёзиб олинаётган видео тасмани қайтариб кўришлари керак.

2. Арбитр ёки ёрдамчи ҳакам, бошқалар сезмаган ҳолатни сезиб қолса, бу ҳолат муҳокама қилинади ва бу муҳокама арбитр қарорини ўзгартириши мумкин.

3. Ёрдамчи ҳакам ҳам арбитр каби, таблода қайд қилинаётган баҳолар арбитр баҳолари билан мос равишда қайд қилинаётганини кузатишлари керак.

4. Агар иштирокчилардан бири зарурият туғилганда, арбитр рухсати билан мусобақа майдонидан чиқиши мумкин. Бу ҳолатда иштирокчи ёнидаги ҳакамлардан бири иштирокчини кузатиши шарт. Бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди. (Масалан: спортчи дзюдогиси мусобақа қоидалари талабига жавоб бермаса, кийим алмаштирилади).

5. Агар иштирокчи дзюдогини алмаштириши керак бўлиб, мусобақа майдонидан чиқса, иштирокчини кузатаётган ёрдамчи ҳакам жинси иштирокчи жинсидан фарқ қилса, бош ҳакам иштирокчи жинсига мос келадиган кузатувчи ҳакамлардан бирини тайинлайди.

Иштирокчилар ёнидаги ҳакамлар

Иштирокчилар ёнидаги ҳакамлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- а) ҳар бир учрашув олдидан иштирокчилар борлигини текшириш, бўлмаган ҳолатда татами бошқарувчисига хабар бериш;
- б) спортчиларни мусобақа дастури ва иштирокчиларни татамига чиқиш кетма-кетлиги билан таништириб бориш;
- в) спортчиларни татамига ва беллашув тугагач ортга кузатиш;
- г) допинг-назорати хизмати ходимлари танлаган спортчиларни допинг-назорати ўтказиладиган ҳудудга кузатиш;
- д) мусобақа ёлиблари ва совриндорларининг тайёрлигини текшириш ва мукофотлашга олиб чиқиш.

Мусобақа шифокори

Мусобақа шифокори ҳакамлар ҳайъати таркибига киради ва ҳакамлар ишида иштирок этади.

Мусобақа шифокори вазифалари:

- а) мусобақа ўтиш жойларини қабул қилиш комиссияси таркибида бўлади;
- б) талабномалар (заявкalar) тўғри расмийлаштириладигани ва тўлдириладиганини текширади;
- в) тарозидан ўтишда ва спортчиларни ташқи кўрикдан ўтказишда иштирок этади;

г) мусобақа жараёнида иштирокчиларни тиббий кўриқдан ўтказди ва мусобақа қоидаларига биноан тиббий ёрдам кўрсатади;

д) мусобақа ўтиш жойларида санитария ва гигиена талабларига риоя қилинаётганини назорат қилади;

е) мусобақа тугагач, бош ҳакамга мусобақанинг тиббий ва гигиеник таъминоти бўйича ҳисобот топширади. Жароҳатлар ва касалланишлар ҳам ҳисоботда кўрсатиб ўтилади.

Мусобақа коменданти

1. Мусобақа коменданти мусобақа ўтадиган жойларни ўз вақтида безаш ва тайёрлаш, иштирокчилар ва томошабинларни жойлаштириш, хизмат кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш, биноларни радиолаштириш, мусобақа ўтиш вақтида тартибни сақлаш, бош ҳакам кўрсатмаларига кўра тadbир ўтказиш учун лозим бўлган барча шароитларни таъминлаш учун жавобгар бўлади.

2. Мусобақа коменданти мана шу қоидалар асосида мусобақани ўтказиш учун керак бўлган махсус ускуналар, ишлатиш учун яроқлилигини таъминлаш учун жавоб беради.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ВАЗНИНИ ЎЛЧАШ

1. Вазни ўлчаш тартиби иштирокчиларни оғирлигига мос равишда чегараланган битта вазн тоифасини белгилайди.

2. Иштирокчи фақат бир маротоба тарозига чиқиш ҳуқуқига эга.

3. Иштирокчиларни тарозидан ўтказиш тартиби ва вақти мусобақа низомида кўрсатилади. Тарозига белгиланган вақтдан кеч қолган ёки келмаган спортчи мусобақага рухсат этилмайди.

4. Иштирокчиларга дастлабки вазни ўлчаш (норасмий вазн ўлчаш) ҳуқуқи, расмий вазни ўлчашдан бир соат олдин тақдим этилади.

5. Вазни ўлчаш ХДФ янги қоидаларига асосан мусобақа бошланишидан бир кун олдин ўтказилади. Ҳар бир вазн тоифаларига икки комплект бир хил тарози бўлиши шарт. Эркаклар ва аёллар вазнлари алоҳида белгиланган хоналарда ўлчанади.

Иштирокчилар вазнлари ўлчанади: Эркаклар – плавкада, аёллар – очиқ купальникда (чўмилиш халати).

6. Мусобақа бош ҳаками тайинлаган расмий гуруҳ вазн ўлчашни ўтказадилар. Аёлларни – аёллар тарозидан ўтказди. Вазни ўлчашда

шифокорнинг иштироки, спортчиларни ташқи кўриқдан ўтказиш ва зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсатиш учун муҳимдир. (илова 6)

7. Иштирокчи тарозига, ўзини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), ва низомда келтирилган бошқа ҳужжатларни кўсатиши мажбур.

8. Вазни ўлчаш гуруҳи аъзоларининг имзоси билан, вазни ўлчаш натижаларини баённомага киритилади. (илова 7)

9. Вазни мусобақага чиқишдан олдин ҳам текширилиши мумкин, дзюдочининг вазни, тарозидан ўтган вазнидан 3 кг дан зиёд бўлмаслиги керак. Масалан: 66 кг вазнда ўтган дзюдочи кимомноси билан 69 кг дан ошмаслиги талаб қилинади. Агар талаб қилинган вазндан ошса мусобақада қатнашишдан маҳрум этилади.

ИШТИРОКЧИЛАР КИЙИМИ


Мусобақа иштирокчилари қуйидаги талабларга мувофиқ кийинишлари лозим:

1. Дзюдоги пахта ёки шунга ўхшаш материалдан тайёрланган бўлиши лозим. Дзюдоги яхши ҳолатда бўлиши (тешикларсиз ва йиртиқсиз) даркор. Дзюдогининг материали рақибнинг ушлашига ҳалақит бермаслиги учун, ўта каттиқ ва қалин бўлмаслиги керак.

2. Биринчи чақирилган иштирокчи дзюдогиси кўк рангда, иккинчи иштирокчини оқ ёки оқимтир рангда бўлиши лозим.

3. Яктак шундай узунликда бўлиши керакки, тосни ёпиб қўл бармоқларигача пастга тана бўйлаб тушиб туриши лозим. Яктак етарлича кенг бўлиши керак бўлиб, яктакнинг икки томони ўнг оёқнинг ичига тортганда, кўкрак қафасининг паст бўлмаслиги лозим.

Яктак енглари узунлиги кўпи билан 5 см юқори бўлган нўнусага, енг ва яктак орасида 10-15



Ятак қайтармасининг қалинлиги кўпи билан 1 см, кенглиги 5 см гача бўлиши лозим.

4. Шимлар етарлича узун бўлиши лозим, оёқларнинг тўпиғига қадар ёпиши ёки 5см баландроқда бўлиши мумкин. Шимнинг узунлиги бўйлаб, шим билан оёқ ўртасида 10-15 см бўшлиқ бўлиши лозим.

5. Мустаҳкам белбоғ 4-5 см бўлади. Белбоғ ранги спортчининг даражасига мос келиши даркор. Белбоғ икки маротоба дзюдогини ўраши ва бел кисмидан ясси тугун қилиб бойланиши, ятакни зич махкамлаши ва ундан осон чиқиб кетмаслигини таъминлаши керак. Белбоғнинг узунлиги шундай бўлиши керакки, боғлангандан кейин белбоғ учлари 20-30 см узунликда чиқиб туриши лозим.

6. Қизлар учун: Қизлар дзюдогининг остига оқ ёки деярли оқ рангдаги, шимнинг остига киргизиладиган, узун, енгсиз футболка кийишлари, ёки каттиқ матодан оқ ёки деярли оқроқ бўлган енги калта трико кийишлари лозим.


ДЗЮДОЧИ КИМОНОСИГА (ДЗЮДОГИ) ҚЎЙИЛАДИГАН ЯНГИ ТАЛАБЛАР

Дзюдо учун кимонога (дзюдоги) тегишли янги қоидалар 2014 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

Кимоно енги. Кимоно енги, қўлни олдинга узатган ҳолатда билаклар билан биргаликда бутун қўлни бекитиши лозим.

Кимоно. Кимононинг икки қайтармаси оралиғидаги масофа 20 сантиметрдан кам бўлмаслиги лозим.

Кўкракнинг юқори нуктасидан қайтармалар кесишган жойгача бўлган оралиқ масофа 10 сантиметрдан кам бўлмаслиги лозим



МУСОБАҚА ЎТКАЗИШ ЖОЙИ (беллашув ҳудуди)

1. Беллашув татами устидаги белгиланган ҳудудда ўтказилади.

Тик туриб (стойкада) бажарилаётган барча ҳаракатлар спортчилар мусобақанинг беллашув ҳудудида таналарининг бирон-бир қисми тегиб тургунча бажарилиши мумкин. (Бу мезон ётган ҳолда курашишга тегишли эмас).

Тавсифлар:

а) Спортчи хавфсиз ҳудуддан туриб, рақиб мусобақа ҳудудида танасининг бирон-бир қисми тегиб турган бўлса, ўзининг техник ҳаракатини бажариши мумкин.

б) Тик турган ҳолда, беллашув ҳудудининг четида курашишни давом эттиришнинг асосий мезони бўлиб – тўхтовсиз ва фаол ҳаракатлар ҳисобланади. Техник ҳаракатлар бажариш пайтида ҳар қандай тўхташ ва танаффус қилиш “МАТЭ” буйруғи учун асос бўлади.

в) Техник ҳаракат беллашув ҳудудининг четида, бошқа техник ҳаракат (комбинация ёки қарши ҳужум) тўхтовсизлик ва техник ҳаракатни бошлагандан сўнг ривожлантирса, спортчилар беллашув ҳудудида ёки ташқарисида бўлишига қарамай, бу ҳаракат бажарилиши ва баҳоланиши мумкин.

г) Агар арбитр хато қилиб “МАТЭ” буйруғини берса, ёрдамчи ҳакам эса техник ҳаракат тўғри бажарилди деб ҳисобласа, “МАТЭ” буйруғини бекор қилиб, техник ҳаракатни баҳолашлари керак. Бундай ҳолатларда ҳакамлар ҳакамлик комиссиясига маслаҳатлашиш учун мурожаат қилишлари ёки ёзиб олинаётган видео тасмани қайтариб кўришлари мумкин.

2. Беллашув ҳудудидан ташқарисида бошланган ва давомига эга бўлган Асейкоме (босиб туриш), Кансетсу Ваза (оғритгич усули) ва Шими Ваза (буғиш усули) спортчилар ҳудуддан ташқарида бўлса ҳам давом эттирилиши мумкин.

3. Беллашув бошлангандан сўнг, иштирокчилар мусобақа жойини фақатгина арбитр рухсат берса, тарк этиши мумкин. Арбитр рухсатни алоҳида ҳолатларда (дзюдоги қоида талабларига жавоб бермаса, яроқсиз ҳолатга келса ёки кир бўлса, кийимни алмаштириш учун) бериши мумкин.

БЕЛЛАШУВ ДАВОМИЙЛИГИ

Кичик ёшдаги спортчилар	Ўрта ёшдаги спортчилар	Катта ёшдаги спортчилар	17-20 ёшли юниор йигитлар ва қизлар	20-23 ёшли юниор йигитлар ва қизлар	Катталар
2 - дақиқа	3 - дақиқа	4 - дақиқа	4 - дақиқа	5 - дақиқа	5- дақиқа

13-иловада жадвалнинг биринчи қаторида мусобақа иштирокчиларининг ёши гуруҳларга бўлиниши келтирилган.

“Голден скор” (golden skore)

Дзюдода ҳакамлар хантей билан ғолибни аниқлаш Халқаро дзюдо федерацияси томонидан 2013-2016 йилларга тажриба синов учун мўлжалланган ҳакамлик қоидаларида бекор қилинди. Агар беллашув қўшимча вақтга ўтса, унда биринчи техник ҳаракатни бажарган ғолиб ҳисобланади, ёки ким шидо жазосини олса енгилган ҳисобланади. Техник ҳаракат натижаси бўлмаса ёки шидо жазоси берилмаса беллашув давом этади.

Иштирокчилар беллашувнинг дам олиш вақтида 10 дақиқа дам олишга ҳаққи бор. Арбитрнинг “МАТЭ” ва “ХАЖИМЭ”, “СОНО-МАМА” ва “ЁШИ” буйруқлари оралиғидаги вақт беллашувнинг асосий вақтига киритилмайди.

Беллашув вақтининг тугашини билдириш учун, бонг ёки бошқа товуш чиқарувчи мослама орқали сигнал берилади.

Босиб туриш вақти:

“ИППОН” – тўла 20 сония.

“ВАЗА-АРИ” –15 сония ва ундан кўпроқ, аммо 2 сониядан кам.

“ЮКО” - 10 сония ва ундан кўпроқ, аммо 15 сониядан кам.

Агар босиб туриш, беллашув тугашини билдирувчи сигнал билан бир вақтнинг ўзида бошланса, беллашув учун ажратилган вақт “ИППОН” эълон қилингунча, арбитрнинг “ТОКЕТА” ёки “МАТЭ” буйруғини бергунча давом этиши мумкин.

14 – ёшгача бўлган болалар ва қизлар учун мусобақадаги босиб туриш вақти:

“ВАЗА-АРИ”	Тўлиқ 20 сония.
“ЮКО”	10 сониядан кўп, аммо 20 сониядан кам.

Беллашув тугашини билдирувчи сигнал билан бир вақтда бошланган ҳар бир техник ҳаракат баҳоланиши лозим.

Беллашув давомийлиги ва мусобақа регламенти, мусобақа қоидалари ва низомига асосланган бўлиши керак. Арбитр беллашув давомийлигини, татамига чиқишидан олдин билиши шарт.

Мусобақалар бир вақтнинг ўзида бир неча татамида ўтаётган бўлса, бонгларнинг ёки бошқа сигнал берувчи мосламаларнинг товуши бир-биридан фарқ қилиши лозим.

Беллашув тугашини билдирувчи сигнал томошабинлар шовқинини қоплаши ва ҳаммага эшитилиши керак.

Беллашув тугашини билдирувчи сигналдан сўнг бажарилган ҳар қандай техник ҳаракат баҳоланиши мумкин эмас, ҳаттоки арбитр “СОРЕ-МАДЭ” буйруғини беришга улгурмаган бўлишига қарамай.

Техник ҳаракат беллашув тугашини билдирувчи сигнал билан бир вақтда бажарилишига қарамай, арбитрнинг фикри бўйича ҳаракат самарали бўлмаса, арбитр дарҳол “СОРЕ-МАДЭ” эълон қилиши керак.

БЕЛЛАШУВНИНГ БОШЛАНИШИ

1. Арбитр ва ёрдамчи ҳакам, иштирокчилар татамига чиқишидан олдин, дастлабки жойларини эгаллашлари лозим. Арбитр иштирокчиларни дастлабки ҳолатни эгаллашга чорлаб, фаразий чизикдан икки метрда, яъни ўртада туриши керак. Арбитр юзи хронометрчи-ҳакамлар томон қаратилган бўлади.

2. Иштирокчилар ўзларининг жойларига белгиланган тартибда (биринчи эълон қилинган спортчи арбитрнинг ўнг томонига, иккинчи эълон қилинган спортчи арбитрнинг чап томонига) келиб тўхташади ва бир-бирига таъзим қилишади, шундан сўнг олдинга бир қадам қўйиб тўхташади. Беллашув тугаб, арбитр натижаларни эълон қилгач, иштирокчилар бир вақтнинг ўзида орқага бир қадам қўйишлари ва бир-бирига таъзим қилишлари керак.

Агар иштирокчилар бир-бирига таъзим қилишмаса, арбитр улардан таъзим бажаришни талаб қилиши лозим.

Иштирокчилар барча таъзимларни тик турган ҳолда (стойкада), белини 30 даражага эгиб, бажариши керак.

3. Беллашув ҳамма вақт тик турган ҳолатдан, арбитрнинг “ХАЖИМЭ” буйруғидан сўнг бошланади.

4. Беллашувнинг “ХАЖИМЭ” буйруғидан сўнг иштирокчиларга қўл билан саломлашиш рухсат этилмайди.

5. Учрашувни фақатгина ҳакамлик комиссияси аъзолари тўхтатишга ҳақли.

ЁТИБ КУРАШИШ

1. Қуйида санаб ўтилган ҳолатларда дзюдочилар ётиб курашиш ҳолатига ўтишлари мумкин, бироқ ётиб курашиш ҳолатига тушгандан сўнг беллашув давом этмай қолса, арбитр икки спортчини ҳам дастлабки тик туриш ҳолатига қайтариши лозим.

а) Дзюдочи ташлаш усулини бажариб, тўхтовсиз ётиб курашиш ҳолатига ўтса ва ҳужумни давом эттирса;

б) Дзюдочилардан бири ташлаш усулини муваффақиятсиз бажариши натижасида йиқилса, иккинчи спортчи рақибининг ноқулай вазиятидан фойдаланиб, ётиб курашиш ҳолатига ўтказса;

в) Дзюдочи тик турган ҳолатда бўғиш ёки оғриткич усуллари бажарган ҳолда, ётиб курашиш ҳолатига ўтса;

г) Дзюдочилардан бири техник ташлаш усулини бажармаган ҳолда, рақибини тасоддифан ётиб курашиш ҳолатига ўтказса.

д) Ҳар қандай ҳолатда спортчилардан бири йиқилса ёки йиқилишга яқин турган бўлса, иккинчи спортчи вазиятдан фойдаланиб рақибини ётиб курашиш ҳолатига ўтказиши мумкин.

2. Иштирокчилардан бири ўз рақибини судраб, ётиб курашиш ҳолатига ўтказса ва рақиб бу ҳолатда устунликка эга бўлмаса, арбитр “МАТЭ” буйруғини бериши ва бу ҳаракатни бажарган иштирокчига “ШИДО” жазосини эълон қилиши лозим.

3. Иштирокчилардан бири ўз рақибини судраб, ётиб курашиш ҳолатига ўтказса ва рақиб бу ҳолатда устунликка эга бўлса, беллашув давом эттирилади, лекин арбитр қонидани бузган иштирокчига “ШИДО” жазосини эълон қилади.

“МАТЭ” БУЙРУҒИ

Арбитр қуйидаги ҳолатларда беллашувни “МАТЭ” буйруғини эълон қилиб, тезда тўхтатиши ва “ХАЖИМЭ” буйруғи билан беллашувни давом эттириши керак:

а) иштирокчилардан бири ёки иккала иштирокчи ҳам, беллашув ҳудудидан чиқиб кетса;

б) иштирокчилардан бири ёки иккала иштирокчи ҳам, ман этилган ҳаракатни бажарса;

в) иштирокчилардан бири ёки иккала иштирокчи ҳам, жароҳатланса, касалланса;

г) иштирокчилардан бири ёки иккала иштирокчи ҳам, дзюдогисини тартибга келтириши керак бўлиб қолса;

д) ётиб курашиш ҳолатида ҳаракат ривожлантирилмаса;

е) иштирокчилардан бири ётиб курашиш ҳолатидан тик турган ёки ярим тик турган ҳолатга турсаю, рақиб унинг орқасида турган бўлса;

ж) иштирокчилардан бири ётиб курашиш ҳолатидан тик турган ёки ярим тик турган ҳолатда турсаю, рақиб унинг орқасида турган бўлиб, бели татамига тегиб турган рақибини кўтарса ва рақиб тик турган иштирокчини ўз оёқлари билан танасининг бирон-бир қисмини ўраб турган бўлса;

з) иштирокчилардан бири тик турган ҳолда оғриткич, бўғиш усулини ўтказаетган ёки ўтказмоқчи бўлиб, тезлик билан натижага эришмаса;

и) иштирокчилардан бири ёки иккала иштирокчи ҳам, ётиб курашиш ҳолатида тик туриш ҳолатига ўтишса;

к) арбитр лозим деб топган бошқа ҳолатларда.

2. Арбитр “МАТЭ” буйруғини бергандан сўнг ёрдамчи ҳакам ёки ҳакамлир комиссияси билан маслаҳатлашмоқчи бўлса, иштирокчилар арбитр буйруғини эшитгани ва беллашувни давом эттирмаётганини кузатиши керак.

3. Босиб туриш, оғриткич ёки бўғиш усулларида кутулган иштирокчи дам олишга муҳтожлик сезиб, дам олишга рухсат сўраса, арбитр “МАТЭ” буйруғини эълон қилмайди.

4. Татамида юзи пастга қаратилган иштирокчи тик турган ёки ярим тик турган ҳолатда турса ва икки кўлини юқорига кўтариб, рақиб вазиятни назорат қилолмаётганини кўрсатса, арбитр “МАТЭ” буйруғини эълон қилиши керак.

5. Ётиб курашиш ҳолатида арбитр хатоликка йўл қўйиб “МАТЭ” буйруғини эълон қилса ва иштирокчилар ўрни алмашса, арбитр “кўпчилик” фикрига мос равишда, спортчилардан бирининг манфаатини чекламаслик мақсадида, спортчиларни олдинги ҳолатига қайтариши ва беллашувни давом эттириши керак.

6. “МАТЭ” буйруғи эълон қилинганда, иштирокчилар тезда ўзларининг бошланғич ҳолатларига қайтишлари керак. Арбитр “МАТЭ” буйруғини

берганди, иштирокчилар ўз жойларига боришлари ва сўралган бўлса, ўзларининг кийимларини тартибга келтиришлари керак. Фақатгина тиббий ёрдам кўрсатилганда, иштирокчига бошқа ҳолатни қабул қилишга рухсат этилиши мумкин.

“СОНО-МАМА” БУЙРУҒИ

1. Арбитр иштирокчилардан бирига ёки иккаласига ҳам жазо эълон қилиб, қондани бузмаган иштирокчининг устунлиги сақланиб қолиши учун спортчиларни ўз ҳолатида тўхтатиш мақсадида “СОНО-МАМА” буйруғини беради. Беллашувни давом эттириш, “ЁШИ” буйруғи орқали бўлади.

2. “СОНО-МАМА” буйруғи (қимирлама), фақатгина ётиб курашиш ҳолатида берилади.

3. Арбитр “СОНО-МАМА” буйруғини эълон қилганида, иштирокчиларнинг ушлаш ва тана ҳолати ўзгармаслиги учун диққат билан кузатиши керак.

4. Ётиб курашиш ҳолатида иштирокчи жароҳатланганини кўрсатса, арбитр лозим топса “СОНО-МАМА” буйруғи эълон қилинганда, иштирокчиларни ажратиши, кейинчалик “СОНО-МАМА” буйруғи эълон қилингандан олдинги ҳолатига қайтариб, “ЁШИ” буйруғини бериб беллашувни давом эттириши керак.

БЕЛЛАШУВ ТУГАШИ

1. Арбитр “СОРЕ-МАДЭ” буйруғини бериб, қуйидаги ҳолатларда беллашувни тугатиши керак:

а) иштирокчилардан бири “ИППОН” ёки “ВАЗА-АРИ АВАСЕТ ИППОН” баҳосини олса;

б) кичик устунликдаги ғалаба вазиятида – “СОГО-ГАЧИ”;

в) иштирокчилардан бири беллашувдан бош тортса – “КИКЕН-ГАЧИ”;

г) мусобақадан четлаштирилса (дисквалификация) – “ХАНСОКУ-МАКЭ”;

д) жароҳат туфайли иштирокчилардан бири беллашувни давом эттира олмаса;

е) беллашувга ажратилган вақт тугаган ҳолатда.

2. Арбитр қуйидаги ҳолатларда беллашув натижасини эълон қилади:

а) “ИППОН” ёки шунга тенг баҳони олган иштирокчи ғолиб деб эълон қилинса;

б) “ИППОН” ёки шунга тенг баҳо бўлмаса, ғолиб куйидагича аниқланади: битта “ВАЗА-АРИ” баҳоси кўп микдордаги “ЮКО” баҳосидан баланд туради;

в) Иштирокчилар баҳоланмаса ёки баҳолар тенг бўлиб қолса (“ВАЗА-АРИ”, “ЮКО”) беллашув натижаси қўшимча беллашув “ГОЛДЕН СКОР” беллашувида аниқланади.

3. “СОРЕ-МАДЭ” буйруғини эълон қилгач, иштирокчилар арбитрнинг кўриш доирасида бўлиши керак, Бу спортчилар буйруқни эшитмай қолиб, курашишни давом этмаслигини олдини олиш учун керак.

4. Арбитр зарурият туғилса, натижани эълон қилишдан олдин, иштирокчилардан ўз уст-бошини тартибга келтиришларини талаб қилиши лозим.

5. Агар иштирокчилардан бири “ГОЛДЕН СКОР” беллашувида, курашиш ҳуқуқини қўлга киритиб, беллашувни давом эттиришга хоҳиш билдирсаю, иккинчи иштирокчи беллашишдан бош тортса, хоҳиш билдирган иштирокчи, ғолиб деб эълон қилинади (“КИКЕН-ГАЧИ”).

6. Икки иштирокчи ҳам “ИППОН” баҳосини бир вақтнинг ўзида қўлга киритса, беллашув натижаси “ГОЛДЕН СКОР” беллашувида аниқланади.

7. Агар икки иштирокчи ҳам (кетма-кет “ШИДО” жазосини олиш натижасида бир вақтнинг ўзида “ХАНСОКУ-МАКЭ” билан жазоланса, беллашув натижаси “ГОЛДЕН СКОР” беллашувида аниқланади.

8. Арбитр беллашув натижасини эълон қилгач, иштирокчилар ортга мувофиқ равишда кўк ёки оқ чизик орқасига, қадам қўйишлари, таъзим бажариб, татамини тарк этишлари лозим.

9. Агар арбитр хатоликка йўл қўйиб мағлуб иштирокчини ғолиб деб кўрсатса, ёрдамчи ҳакам спортчилар татамини тарк этмасдан туриб, арбитр ўзининг қарорини ўзгартиришига эришиши керак.

“ГОЛДЕН СКОР” БЕЛЛАШУВИ

1. Беллашувга ажратилган вақт тугаётганда, баҳолар ва жазолар (ё уларнинг йўқлиги) иштирокчиларда тенг бўлса, дарҳол “ГОЛДЕН СКОР” беллашуви (биринчи баҳо ёки жазогача) тайинланади. Асосий беллашувнинг тугаши ва “ГОЛДЕН СКОР” беллашувининг бошланиш оралиғида танаффус даври бўлмаслиги даркор.

“ГОЛДЕН СКОР” беллашуви вазиятида, асосий беллашув вақтидаги ҳакамлар эълон қилган ва таблода қайд қилинган натижалар сақланиб турилади.

Агар “ГОЛДЕН СКОР” беллашуви вақтида иштирокчилардан бири босиб туриш усулини ўтказса ва “ОСАЕКОМИ” эълон қилинган бўлса, арбитр босиб туриш усули 20 сония (“ИППОН”) бўлгунча, “ТОКЕТА” ёки “МАТЭ”, буйруғи эълон қилингунча, ушлаш ёки оғриткич усуллари, тезда натижа берадиган усул бажарилгунча ижозат бериши лозим. Бу вазиятда иштирокчи мувофиқ ҳисоб билан ғолиб деб эълон қилинади.

“ГОЛДЕН СКОР” беллашуви вақтида “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилинса, иштирокчини жазолаш одатдаги беллашув вақтидагидай бўлади.

Беллашувда ҳакамлар Хантей билан ғолибни аниқлаш Халқаро дзюдо федерацияси томонидан 2013-2016 йилларга тажриба синов учун мўлжалланган ҳакамлик қоидаларида бекор қилинди. Агар “ГОЛДЕН СКОР” беллашувига ўтса, унда натижани биринчи техник ҳаракат бажарган ғолиб ҳисобланади, ёки ким шидо жазосини олса енгилган ҳисобланади. Техник ҳаракат натижаси бўлмаса ёки шидо жазосини олмаса беллашув давом этади.

“ХИКИ-ВАКЕ” ДУРАНГ

1. Беллашувда дуранг фақатгина жамоавий мусобақаларда қўлланиши мумкин.

2. Дуранг натижа “ХИКИ-ВАКЕ” биринчи жамоавий учрашув вақтида қўлланиши даркор.

3. Агар жамоавий учрашув охирида, икки жамоанинг ғалаба ва очколари миқдори тенг бўлса, “ХИКИ-ВАКЕ” натижаси билан тугаган олдинги беллашувлар, жамоа натижасини аниқлаш учун қайта беллашишлари лозим. Бу беллашувлар “ГОЛДЕН СКОР” беллашувида давом этиши мумкин. Қўшимча беллашувдаги ғалаба, жамоа натижасига бир очко қўшиб беради.

“ИППОН” СОФ ҒАЛАБА

1. “ИППОН” баҳосини арбитр техник ҳаракат бажариш пайти қуйидаги мезонларга тўғри келган ҳолатларда эълон қилади:

а) дзюдочи назоратни амалга ошириб ўз рақибини анча куч ва тезлик билан орқа томонининг салмоқли қисми билан татамига ташласа;

б) дзюдочи ўз рақибини “ОСАЕКОМИ” эълон қилинганидан сўнг, чиқа олмайдиган даражада 20 сония босиб турса;

в) босиб туриш, бўғиш ёки оғритиш усули натижасида рақиб икки ёки ундан ортиқ маротаба татамини ёки дзюдочини оёғи, қўли билан қоқиб қўйса, ёки “МАИТА” (таслимман) сўзини айтса;

г) буғиш ёки оғриткич усулини бажариш натижали тугаши аниқ бўлиб қолса.

2. Эквивалент: дзюдочига “ХАНСОКУ-МАКЭ” жазоси қўлланилса, рақибни ғолиб деб эълон қилинади.

3. Агар бир иштирокчи беллашув давомида иккинчи маротаба “ВАЗА-АРИ” баҳосини олса, арбитр “ВАЗА-АРИ АВАСЕТ ИППОН” эълон қилади.

4. Баравар бажарилган ҳаракатлар – агар икки спортчи ҳам бир вақтнинг ўзида ҳужум ўтказиш натижасида татамига йиқилишиб, ҳакам ҳам кимнинг ҳаракати устунроқ эканлигини аниқлай олмаса – ҳаракат баҳоланмайди.

5. Агар арбитр хатога йўл қўйиши натижасида ётиб курашиш ҳолатида бўлган иштирокчиларнинг бирига “ИППОН” баҳосини бериб, уларни ажратса, арбитр ва ёрдамчи ҳакамлар гуруҳдаги “кўпчилик” фикри асосида курашчиларни даставвалги ҳолатга қайтаришлари ва иштирокчилардан бирининг манфаати чекланишининг олдини олишлари мумкин

6. Агар ташлаш усули натижасида, дзюдочи ютқизмаслик учун “мост” (“кўприк”, бош ва бир товони ёки иккала товони билан татамига суяниш) ҳолатини қабул қилса, арбитр барибир “ИППОН” ёки бошқа баҳони эълон қилиши лозим.

7. Ташлашни (бросок) бажариш вақтида, оғритиш усулини қўллаш баҳоланмайди.

“ВАЗА-АРИ” БАҲОСИ

1. “ВАЗА-АРИ” баҳосини арбитр бажарилаётган техник ҳаракат қуйидаги талабларга тўғри келган ҳолатларда эълон қилади:

а) иштирокчи назоратни амалга ошириб, ўз рақибини ташлаш вақтида, ташлаш орқали “ИППОН” баҳосини олишга етарли учта мезон бўлмаса;

б) иштирокчи ўз рақибини қоча олмайдиган даражада 15 сония ва ундан кўпроқ, лекин 20 сониядан кам вақт оралиғида босиб туришни бажарса.

“ЮКО” БАҲОСИ

1. “ЮКО” баҳосини арбитр бажарилаётган техник ҳаракат қуйидаги талабларга тўғри келган ҳолатларда эълон қилади:

а) иштирокчи назоратни амалга ошириб, ўз рақибини ён томони билан ташласа;

б) иштирокчи ўз рақибини қоча олмайдиган даражада 10 сония ва ундан кўпроқ, лекин 15 сониядан кам вақт оралиғида (осаекоми) босиб туришни бажарса.

МАН ЭТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР ВА ЖАЗО

1. Ман этилган ҳаракатлар қуйидаги қисмларга ажратилади: (“ШИДО”) катта бўлмаган жазо ва (“ХАНСОКУ-МАКЭ”) жиддий жазо.

2. Арбитр “ШИДО” ёки “ХАНСОКУ-МАКЭ” жазосини қоидабузарликнинг жиддийлигига қараб эълон қилади.

3. “ХАНСОКУ-МАКЭ” жазоси эълон қилинса, иштирокчи мусобақадан четлаштирилади ва беллашув тугайди.

4. Арбитр қайси жазони қўллагасин, оддий ишоралар билан жазолашининг сабабини тушунтириши керак. “СОРЕ-МАДЭ” буйруғидан сўнг, беллашув вақтида қоидани бузганлиги учун ёки фавқулотдаги ҳолатларда беллашув тугашини билдирувчи сигналдан сўнг бажарилган жиддий қоидабузарчилик учун, агар беллашув натижаси ҳали эълон қилинмаган бўлса, жазо эълон қилинади.

5. “ШИДО”, қоидани унчалик жиддий бузмаган иштирокчига берилади:

1	Икки ёки бир қўл билан, елка олди, енгдан ушлашни барбод этганда
2	Оёқ билан ёки оёқ ёрдамида енгдан ушлашни барбот этганда
3	Қўл билан уриб ушлашни барбод қилганда
4	Хужумсиз рақибни устидан жисмоний устунлик қилишга ҳаракат қилганда
5	Хужумсиз бир ёки икки қўл билан блокировка қилганда
6	Хужум кўринишида давоми бўлмаган қўшша ушлаш (бу қоида белбоғдан ва бир томонлама ушлашга ҳам таъсир этади)
7	Ушлатишдан қочган ёки опонентга ушлатишдан қочган спортчиларни.
8	Рақибнинг беллашувдаги ҳаракатларига ҳалақит бериш мақсадида ўзини рақибнинг ушлашидан олиб қочиш.

9	Рақиб ташлашга интилганда уни (айиқ усулида ушлаб олиш) кучоқлаб олиш
10	Ҳужум ҳаракатларини ўхшатиш ва рақибни ташлашга уринмаётгани билиниб қолиш (ёлғондакам ҳужум).
11	Тик туриш ҳолатида рақибнинг енгини ёки енгларини ҳимояланиш мақсадида ушлаш ва бураш
12	Тик туриш ҳолатида ҳалақит бериш мақсадида рақибнинг бир ёки иккала қўлининг бармоқларини тўсиш
13	Арбитр рухсат этмаган ҳолатларда ўз кийимини тартибсизлантириш, белбоғи ёки шимини боғлаш ва ечиш.
14	Ўз рақибини мусобақа қоидаларига зид равишда ётиб курашиш ҳолатига ўтказиш.
15	Тик туриш ҳолатида “нотўғри” ҳолатда ҳужумсиз ушлашни бажариш
16	Тик туриш ҳолатида ушлашни бажаришдан олдин ёки кейин ҳужумкор ҳаракатлар ўтказмаслик.
17	Рақиб енгини ёки енгларининг четидан ушлаб, юқорига юрғизмоқ.
18	Ўз белбоғининг учи билан рақиб танасининг бирон-бир қисмини ўраш.
19	Тишлари ёрдамида ўзининг ёки рақибнинг дзюдогисини ушлаш.
20	Қўллари (кафти) ёки оёқлари (оёқ кафти) билан рақибнинг юзига суяниш.
21	Оёғи ёки оёғининг кафти билан рақибнинг белбоғига, киманонинг ёқаси ва қайтармасига тираниш.
22	Белбоғининг учи ёки бармоқлари орқали бўғиш усулини бажариш.
23	Тик туриш ва ётиб курашиш ҳолатларида қасддан беллашув ҳудудидан чиқиш ёки рақибини итариб чиқариш.
24	Рақибнинг танасини, бўйнини ёки бошини оёқлари ёрдамида қисиш (оёқларни чалиштириш ёки тиззаларни тўғирлаш ёрдамида).
25	Оёғи ёки тиззаси ёрдамида ушлашдан қочиш учун рақиб тирсаги ёки қўлини туртиб юбориш ва шу билан бирга бирон-бир техник ҳаракат ўтказмасдан туриб рақиб оёғи ёки товонига уриб юбориш.
26	Ушлашдан қочиш мақсадида рақиб бармоқларини қайирмоқ.

Тавсифлар:

Икки ёки бир қўл билан, елка олди, енгдан ушлашни барбод этиш тақиқланади.

Рухсат этилади. 2-расмга қаранг



Оёқ билан ёки оёқ ёрдамида енгдан ушлашни барбот этиш тақиқланади



Қўл билан уриб ушлашни барбод қилиш:

- ҳужумсиз рақибни устидан жисмоний устунлик қилишга ҳаракат қилиш:



Ҳужумсиз бир ёки икки қўл билан блокировка қилиш тақиқланади.



Ҳужум кўринишида давоми бўлмаган қўшша ушлаш (бу қоида белбоғдан ва бир томонлама ушлашга ҳам таъсир этади) ... тақиқланади:

Расмга қаранг: 9,10.



Ҳакамлар спортчиларни жиддий жазолашлари зарур:
ушлатишдан қочган ёки опонентга ушлатишдан қочган спортчиларни.



- Рақиб ташлашга интилганда уни (айиқ усулида ушлаб олиш) кучоқлаб олиш:
- Агар Уке қўлини дзюдогидан ушласа, ташлаш учун Тори тўғридан-тўғри ушлаб (кучоқлаб) ололмаса (“шидо жазоси”).



Бир томонлама ушлаш. Иштирокчи рақибни яқтагининг бир томонини икки қўли билан ушлаш, агар бу ушлашнинг сабаби рақибнинг ичкарига киришга уриниш натижасида боши иштирокчининг қўллари остида бўлиб қолган ҳолатда жазоланмаслиги лозим.

Агар иштирокчи рақибга ташланиши натижасида, боши иштирокчининг қўллари остида бўлиб қолса, бу ҳолатни арбитр “нукул ҳимояланиб туриш”га интилиш деб баҳолаши керак.

Беллашув вақтида учта “шидо” бериш мумкин, тўртинчиси эса беллашувда қатнашишдан махрум этишни (“хансоки маке”) англатади.

“Шидо” рақибга устунлик келтирмайди, таблода эса техник ҳаракатлар учун бўлган баҳолар акс эттирилади. “Шидо” ачколар тенглигида қарор чиқаришда этиборга олинади – ким кам “шидо” олган бўлса ғолиб ҳисобланади.

- “ШИДО” жазолари таблода қайд этилади.
- Қўшимча учрашув “ГОЛДЕН СКОР” вақтида натижани биринчи техник ҳаракатни бажарган ғолиб ҳисобланади, ёки ким (шидо) олса енгилган ҳисобланади.
- Қўшимча учрашув “ГОЛДЕН СКОР” вақтида “ШИДО” жазосини , арбитр томонидан ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашган ҳолатда эълон қилинади.
- Агар ҳакамдан бири жазолашга қарши бўлса, қўшимча учрашув давом этади. Бу ҳолатда ҳам ҳакамлар гуруҳи, ҳакамлик комиссиясига маслаҳатлашиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

“Курашмаслик”. Қоида бўйича иштирокчилардан бири ёки иккаласи ҳам 25 сония давомида ҳужумкор ҳаракатларни намоёиш қилмаса эълон қилинади.

Агар арбитр иштирокчи ҳужумга тайёргарлик кўраётганига ишонч ҳосил қилса, ҳужумкор ҳаракатлар йўқлиги учун жазоламаслиги лозим.

Белбоғнинг учи билан ўрамоқ деганда, белбоғнинг учи бир айланиб ўрашини тушуниш керак.

Босиб туришда ятакнинг этаги ёки белбоғнинг учи билан ўрамасдан босиб турса, бу ҳаракат жазоланмайди, яъни рақиб қўлини тўсиш жазоланмайди.

14 ёшгача бўлган болалар ва қизлар ўртасидаги мусобақада, арбитр қуйидаги ҳолатларда беллашувни дарҳол тўхтатиб “ШИДО” жазосини эълон қилиши керак:

1	Ҳужум ёки қарши ҳужум вақтида, тиззаси ёки тиззаларида туриб, орқадан ошириб ташлашни (“СЭОН-ОТОШИ”) ўтказишса.
2	Ҳужум ёки қарши ҳужумда йиқилиш билан боғлиқ ҳар қандай ташлашни (“СУТЭМИ-ВАЗА”), масалан: товонни рақиб қорнига тиргаб ёки болдирга миндириб бошидан ошириш (“ТОМОЭ-НАГЭ” ёки “СУМИ-ГАЭШИ”), эгилиб ёки айланиб кўкракдан ошириб ташлаш (“УРА-НАГЭ” ёки “ЕКО-ГУРУМА”), олдин, ён ва орқа томондан, ўтириб товонни чалиб юбориш (“УКИ-

	ВАДЗА”, “ЕКО-ОТОШИ”, “ТАНИ-ОТОШИ”).
3	Ётиб курашиш ёки тик туриб курашиш ҳолатида оғритиш усуллари бажариш («КАНСЭТСУ-ВАДЗА») ва (“ШИМЭ-ВАДЗА”).

6. **“ХАНСОКУ-МАКЭ”** (мусобақадан четлаштириш) жиддий қоида бузарликка йўл қўйган иштирокчига эълон қилинади:

1	“КАВАЗУ-ГАКЭ” – рақиб оёғини оёғи билан ўраб олиб, рақиб томонга бурилиб, устига йиқилиш.
2	Тирсакдан ташқари бошқа бўғинларга оғритиш усуллари қўллаш.
3	Татамида орқа томони билан ётган рақибини кўтариб, яна татамига ташлаш.
4	“ХАРАИ-ГОШИ” (икки оёқни илиб подхват усули) ташлашини бажариш вақтида рақибнинг таянч оёғини ичкари томондан тепиш.
5	Арбитр кўрсатмаларига бўйсунмаслик
6	Беллашув давомида рақибни ёки ҳакамларга нисбатан ҳақоратли, кераксиз қичқириқлар, қойишлар ва ишоралар қилиш.
7	Рақибни жароҳатлаши, бўйни ва умуртқаси учун хавфли, ва Дзюдо моҳиятига зид бўлган техник ҳаракатларни бажариш.
8	“УДЭ-ХИШИГИ-ВАКИ-ГАТАМЭ” (қўлларга бажарилган йиқилиш билан якунланадиган оғритиш усули) техник ҳаракатини бажаришга уриниш ёки ўтказиш вақтида татамига йиқилиш.
9	Рақибни орқа томонда бўлганда, қасддан орқага йиқилиш ва рақиб ҳаракатларини назорат қилиш.
10	“УЧИ-МАТА”, “ХАРАИ-ГОШИ” ва бошқа техник ҳаракатларни бажаришга уриниш ёки ўтказиш вақтида, боши татамига қаратилган ҳолатда (нырок) шўнғиш
11	Беллашувга қаттиқ ва металл буюмлар билан чиқиш.
12	Бир ёки иккала қўли билан рақибнинг белбоғидан пастини, тўғри ҳужум ёки ҳимояланиш мақсадида ушлаш.
13	Оёқни ҳар қандайига ушлаш, битта ёки икки қўл билан белдан пастга ТАЧИ ВАЗА ҳолатида ҳужум ва ҳимояланишнинг барча ҳаракатлари учун берилади

Қоидаларнинг 10, 11, 12, ва 13 бандларини бузган иштирокчи, (ўтиш) юпатувчи учрашувларда мусобақани давом этиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

“ХАНСОКУ-МАКЭ” - учта “ШИДО” танбеҳи бўлиб туриб, яна бир кичик “ШИДО” танбеҳини олган иштирокчига эълон қилинади.

7. Дзюдо руҳиятига зид бўлган ҳар қандай ҳаракат, мусобақанинг исталган вақтида, тўғридан-тўғри четлаштириш (дисквалификация) билан жазоланиши мумкин.

8. Агар иштирокчи тўртинчи марта қоидани бузса ва “ШИДО” билан жазоланса, арбитр ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашиб, иштирокчига “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилиши лозим, бу дегани тўртинчи “ШИДО”ни “ШИДО” деб эълон қилмай, тўғридан-тўғри “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилиниши керак. Беллашув тугайди.

9. “ОСОТО-ГАРИ”, “ОУЧИ-ГАРИ” ва “УЧИ-МАТА” каби рақиб оёғини ўраб ташлашни бажаришлар рухсат этилган ва баҳоланиши лозим.

10. “ХАРАИ-ГОШИ”, “УЧИ-МАТА” каби бир қўл билан дзюдоги қайтармасидан ушлаб, “УДЭ-ХИШИГИ-ВАКИ-ГАТАМЭ” (иштирокчи билагини пастдан рақиб қўлтиғи билан қисган ҳолат) ҳолатидан ташлаш усуллари ўтказишга уринишларда, жароҳатга сабаб бўладиган, юзи билан татамига йиқитиш ҳаракати жазоланиши лозим.

11. Арбитр иштирокчи (лар) ни жазолашга қарор қилган ҳолатларда (ётиб курашиш ҳолатидаги “СОНО-МАМА” бундан мустасно), у беллашувни вақтинчалик “МАТЭ” буйруғи орқали тўхтатиб, иштирокчиларни дастлабки ҳолатга қайтариб, қоидани бузган иштирокчи (лар) ни кўрсатиб, жазони эълон қилиши керак.

12. “ХАНСОКУ-МАКЭ”ни эълон қилишдан олдин, арбитр ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашиши ва қарор чиқариши лозим. Агар икки иштирокчи ҳам бир вақтнинг ўзида қоидани бузишса, иккаласи ҳам қоида бузганлик даражасига қараб жазоланиши лозим.

13. Агар икки иштирокчида ҳам учтадан “ШИДО” баҳоси бўлиб туриб, кейинчалик ҳар иккиси ҳам, бир вақтнинг ўзида жазоланса, иккаласига ҳам “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилинади.

Тавсифлар:

Оёқни ҳар қандайига ушлаш – “хансоки маке” билан жазоланади. Битта ёки икки қўл билан белдан пастга ТАЧИ ВАЗА ҳолатида ҳужум ва ҳимояланишнинг барча ҳаракатлари учун беллашувда қатнашишдан махрум этилади 14-19 расм.





Не Ваза (ётиб курашиш) ҳолатида оёқларни ушлаш рухсат этилади.

ОҒРИТИШ УСУЛЛАРИ

1. Оғритиш усуллари тирсакларни эгиш, қайириш йўли билан ўтказишга рухсат этилади.

2. Ҳужум қилинаётган иштирокчи тик туриш ҳолатига ўтса ва вазиятни назорат қилса, оғритиш усуллари бажариш тўхтатилади.

3. Ҳужум қилинаётган иштирокчи “МАИТА” сўзини айтса, бир неча бор рақиб танасига қўли билан уриб қўйса, ёки бўлмаса татамини қўли (қўллари), оёғи (оёқлари) билан қоқиб қўйса, оғритиш усули муваффақиятли бажарилган деб ҳисобланади.

4. Оғритиш усули ўтказилаётган вақтда “иштирокчилар беллашув ҳудуди билан алоқани узганларида ҳам “МАТЭ” буйруғини эълон қилинмайди ва оғритиш усули давом этади.

5. Беллашув ҳудудидан ташқарисида бошланган ва давомига эга бўлган оғритиш усули ўтказилаётган вақтда “иштирокчилар беллашув

билан

ҳудуди
алоқани



узганларида ҳам “МАТЭ” буйруғини эълон қилинмайди ва оғритиш усули давом этади

БУҒИШ УСУЛЛАРИ

1. Буғиш усуллари рақиб бўйнининг қон айланиш йўлини ёки нафас олиш йўли – томоқни қисиш орқали бажарилади.
 2. Буғиш усуллари бармоқлар ёрдамида бажариш ман этилади.
 3. Хужум қилинаётган иштирокчи “МАИТА” сўзини айтса ёки бир неча бор рақибни танасига қўли билан уриб қўйса, ёки татамини қўли (қўллари), оёғи (оёқлари) билан қоқиб қўйса, ёки ҳушидан кетиб қолса, бўғиш усули муваффақиятли бажарилган деб ҳисобланади. Бу ҳолатда арбитр “ИППОН” буйруғини беради ва зарурият бўлса, врачни чақиради.
- . Беллашув ҳудудидан ташқарисида бошланган ва давомига эга бўлган бўғиш усули ўтказилаётган вақтда “иштирокчилар беллашув ҳудуди билан алоқани узганларида ҳам МАТЭ” буйруғини эълон қилинмайди ва бўғиш усули давом этади



“ОСАЕКОМИ” БОСИБ ТУРИШ

1. “ОСАЕКОМИ”ни арбитр бажарилаётган техник ҳаракат қуйидаги талабларга тўғри келган ҳолатларда эълон қилади:

а) босиб туриш ҳолатида дзюдочи томонидан назорат қилинаётган рақиб орқа томони бир ёки икки кураги татамига тегиб турган бўлса;

б) назорат ён томондан, бош томондан ёки юқоридан туриб амалга оширилиши мумкин;

в) босиб туришни амалга ошираётган спортчи оёғи (оёқлари), рақиб оёқлари томонидан назорат қилинмаслиги керак;

2. Агар босиб туришни амалга ошираётган иштирокчи, рақибни устидан назоратни қўлдан бой бермай, ўз ҳолатини ўзгартирса, босиб туриш вақти “ИППОН” ёки “ТОКЕТА” ва “МАТЭ” буйруғи эълон қилингунча давом этади.

3. Агар босиб туришни амалга ошириш вақти устунликка эга бўлган спортчи, жазоланадиган ҳаракатни бажарса, арбитр “МАТЭ” эълон қилади ва иштирокчиларни дастлабки ҳолатга қайтариб, жазони эълон қилади, зарурият туғилса босиб туриш учун баҳо ҳам қўйилади.

4. Агар босиб туришни амалга ошириш вақти ютқизиш ҳолатидан спортчи жазоланадиган ҳаракатни бажарса, арбитр икки спортчига қўл теккизиб “СОНО-МАМА” буйруғини беради ва жазони эълон қилади. Кейин эса қўлини теккизиб туриб “ЁШИ” буйруғи орқали беллашувни давом эттиради. Бироқ “ХАНСОКУ-МАКЭ” жазосини эълон қилиш зарурияти туғилса, арбитр “СОНО-МАМА буйруғини бергач, ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашади ва “МАТЭ” эълон қилиб, иштирокчиларни дастлабки тик туриш ҳолатига қайтаради. Кейин эса “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилиниб “СОРЕ-МАДЭ” буйруғи орқали беллашув тугатилади.

5. Агар ёрдамчи ҳакам босиб туриш ҳолати юзага келди деб ҳисоблашсаю, арбитр “ОСАЕКОМИ” эълон қилмаса, ёрдамчи ҳакам ишора орқали “ОСАЕКОМИ” кўрсатиши ва арбитр дарҳол “ОСАЕКОМИ” эълон қилиши керак.

6. Агар босиб туриш вақтида, босиб турилган иштирокчи вазиятдан чиқиб кетса ёки босиб туришни амалга ошираётган иштирокчи рақибни назоратидан чиқариб юборса “ТОКЕТА” эълон қилинади.

7. Агар ютқизаётган иштирокчи “МОСТ” ҳолатини қабул қилишига қарамай, рақибни назоратни ошираётган бўлса, “ОСАЕКОМИ” давом эттирилади.

8. Беллашув ҳудудидан ташқарисида бошланган ва давомига эга бўлган “ОСАЕКОМИ” ўтказилаётган вақтда “иштирокчилар беллашув ҳудуди билан алоқани узганларида ҳам МАТЭ” буйруғини эълон қилинмайди ва “ОСАЕКОМИ” (босиб туриш) усули давом этади



ЖАРОҲАТЛАР, КАСАЛЛИКЛАР, БАХТСИЗ ҲОДИСА, ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Агар иштирокчилардан бири беллашув давомида жароҳатланиш, касалланиш ёки бахтсиз ҳодиса натижасида беллашувни давом эттира олмаса, қуйидаги ҳолатларда арбитр беллашув натижасини ёрдамчи ҳакам ва врач билан маслаҳатлашган ҳолда эълон қилиши керак:

1. Жароҳат.

а) агар жароҳатланиш, жароҳатланган иштирокчи айби билан содир бўлса, жароҳатланган иштирокчи ютқизган ҳисобланади;

б) агар жароҳатланиш, рақибнинг айби натижасида содир бўлса, жароҳатланган иштирокчи ғолиб деб эълон қилинади;

в) агар жароҳатланиш сабабини аниқлаб бўлмаса, жароҳатланган иштирокчи ютқизган ҳисобланади.

2. Касаллик.

Агар иштирокчи беллашув давомида касалланиб, курашишни давом эттира олмаса, рақиб ғолиб деб эълон қилинади.

3. Бахтсиз ҳодиса.

Агар бахтсиз ҳодиса ташқи таъсир натижасида содир бўлса, беллашув ҳакамлик комиссияси билан маслаҳатлашгач, бекор қилиниши ёки қолдирилиши лозим.

4. Тиббий ёрдам.

Иштирокчи жароҳатланиши ва касалланиши натижасида арбитрдан докторни чақиришни сўраши мумкин, бироқ бу ҳолатда беллашув тўхтатилади ва рақиб ғолиб деб эълон қилинади (“КИКЕН-ГАЧИ”).

Врач ҳам иштирокчига ёрдам кўрсатиш учун рухсат сўраши мумкин, бироқ бу ҳолатда ҳам беллашув тўхтатилади ва рақиб ғолиб деб эълон қилинади (“КИКЕН-ГАЧИ”).

Ҳар бир иштирокчи учун фақат битта доктор татамига чиқиши мумкин. Агар докторга унинг ёрдамчиси керак бўлиб қолса, у бу ҳақида арбитрга хабар беради. Мураббий ҳеч қачон мусобақа майдончасига киришига рухсат берилмайди.

Врач татамига чақирилганда, ёрдамчи ҳакам ўз жойида бўлади ва вазиятни кузатишади. Жароҳатланган иштирокчи ёнида фақатгина арбитр бўлиши ва доктор мусобақа қоидалари асосида керакли ёрдамни беришини назорат қилиши лозим.

5. Агар беллашув давомида иштирокчи рақиб ҳаракатлари натижасида жароҳатланса ва беллашувни давом эттира олмаса, ҳакамлар ушбу қоидалар асосида қарор қабул қилишади. Қарор ҳар бир содир бўлган ҳолат асосида қабул қилиниши керак.

6. Қуйидаги ҳолатларда тиббий ёрдамга рухсат этилади:

а) арзимас жароҳат.

- тирноқ синган ҳолатда, доктор тирноқларни кесиб ташлашига рухсат этилади.

Арзимас жароҳатлар, иштирокчининг ўзи томонидан даволаниши мумкин. Масалан, агар иштирокчи бармоғи чиқса, арбитр беллашувни “МАТЭ” ёки “СОНО-МАМА” эълон қилиб, иштирокчига чиққан бармоғини жойига солишга рухсат беради. Бу ҳаракат дарҳол, арбитрнинг ёки врачнинг иштирокисиз бажарилиши лозим ва иштирокчи беллашувни давом эттириши мумкин. Иштирокчига чиққан бир бармоғини икки марта солишга рухсат этилади. Бу ҳолат учинчи марта қайтарилса, иштирокчига беллашувни давом эттиришга рухсат этилмайди. Арбитр ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашгач, иштирокчи соғлигини ҳисобга олиб беллашувни тўхтатади ва рақибини ғолиб деб эълон қилади “КИКЕН-ГАЧИ”.

б) қон оқиши билан боғлиқ жароҳатлар.

- қон кетиш ҳолатларида, жароҳат хавфсизлиги учун, доктор томонидан пластырь, боғич, бурун тампони ёрдамида изоляцияланиши керак (қонни тўхтатувчи воситалардан фойдаланишга рухсат этилади);

в) қонаётган жароҳатлар.

- қонаётган жароҳат юзага келган ҳолатда, арбитр докторни қонни тўхтатиш ва ёрдам кўрсатиш мақсадида чақиради. Арбитр қон тўхтамагунча, беллашувни давом эттиришга рухсат бермайди.

Шунга ўхшаш қон оқишлар доктор томонидан икки маротаба даволаниши мумкин. Учинчи марта қон оқаётган жароҳат вужудга келса, арбитр ёрдамчи ҳакам билан маслаҳатлашиб, иштирокчи соғлиги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда беллашувни тўхтатиши ва рақибини ғолиб деб эълон қилади (“КИКЕН-ГАЧИ”).

Қон оқишини тўхтатиш иложи бўлмаган барча вазиятларда, рақиб ғолиб деб эълон қилинади (“КИКЕН-ГАЧИ”).

Доктор иштирокчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун чақирилган вақт, бу тиббий ёрдам иложи борица тезроқ кўрсатилиши лозим.

7. Қусиш.

Иштирокчининг ҳар қандай қусиши, рақиб фойдасига “КИКЕН-ГАЧИ” натижасини келтириб чиқаради.

8. Агар иштирокчи қасддан бажарилган ҳаракат орқали рақибини жароҳатласа, унга спорт директори, спорт комиссияси ва ҳайъати томонидан интизомий жазодан ташқари, тўғридан-тўғри жазо “ХАНСОКУ-МАКЭ” эълон қилинади.

9. Агар иштирокчилардан бири томонидан буғиш усулини бажариш натижасида, доктор иштирокчи соғлигига жиддий хавф мавжуд деб ҳисобласа, у татамининг четига келиб, ҳакамлардан беллашувни дарҳол тўхтатишни сўраши керак. Ҳакамлар докторга ёрдам бериш учун, барча керакли чораларни кўриши керак. Бундай аралашуш иштирокчи беллашувни ютқизганини билдиради, шунинг учун бундай орага кириш, ҳақиқатдан ҳам фавқулотдаги ҳолатларда қабул қилиниши лозим

10. Агар икки иштирокчининг ҳам жароҳатланиш сабаби аниқланмаса ва айбдор топилмаса, беллашувни давом эттира оладиган иштирокчи ғолиб деб топилади.

11. Агар КАТА мусобақалари давомида ТОРИ ва УКЭлар томонидан ҳаракатлар нотўғри бажарилиши натижасида биронтаси ёки иккаласи ҳам жароҳатланиб, намоиш давом этирилмаса:

а) агар жароҳатни ҳакам сезиб қолса, у оқ байроқни кўтариб бош ҳакам диққатини бу ҳолатга қаратади. Бош ҳакам мусобақа ёки жамоа докторини чақиради, бироқ чиқиш давом этаверади. Бош ҳакам чиқишни доктор тиббий ёрдам кўрсатиш лозимлигини талаб қилса, тўхтатиши мумкин.

б) агар жароҳатни доктор сезиб қолса, у бу ҳақида бош ҳакамга хабар бериши ва тиббий ёрдам кўрсатиш зарурияти туғилса, чиқишни тўхтатади.

Агар доктор тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг, иштирокчиларга мусобақани давом эттиришга рухсат берса, КАТА намоиши бошидан бошланади.

12. ХДФ чемпионатларида, жамоанинг расмий доктори, тиббий маълумотга эга бўлиши ва мусобақалардан олдин рўйхатдан ўтиши керак. У кўрсатилган жойда ўтиришга рухсат этилган ягона шахс бўлиб, бошқалардан фарқланиш учун қизил хоч тасвири енгбоғ тақиши лозим.

13. Миллий федерациялар ўз жамоалари докторини вакил қилиб юборсалар, уларнинг ҳаракатлари учун масъулдирлар.

14. Докторлар қоидадаги тузатиш ва изоҳлар ҳақида хабардор бўлишлари лозим.

МУСОБАҚАДА ЎЗ ВАҚТИДА БЎЛМАСЛИК ЁКИ ИШТИРОК ЭТИШДАН ВОЗ КЕЧИШ (“ФУСЕН-ГАЧИ” ВА “КИКЕН-ГАЧИ”)

1. “ФУСЕН-ГАЧИ” қарори (рақибнинг беллашувга келмаслиги натижасидаги ғалаба) рақибни учрашувга келмаган иштирокчига эълон қилинади. Учрашувга ўз вақтида етиб келмаган иштирокчи, 5 дақиқадан сўнг чақирилган ҳолатда ҳам етиб келмаса, ушбу учрашувда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

2. “КИКЕН-ГАЧИ” қарори рақибни учрашувда, қандай сабаб бўлишидан қатъий назар, қатнашишдан бош тортса, иккинчи иштирокчига эълон қилинади.

ТАЪЗИМЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

1. Таъзим дзюдо одоб-ахлоқ қоидаларининг бир қисми бўлиб, ҳурмат ва интизом анъаналарини акс эттириб, бу спорт турининг ноёблигини намоён этилади. Шунинг учун ҳам ушбу Қўлланма эҳтиром билан бажарилиши лозим.

2. Барча таъзимлар тик турган ҳолатда 30 даража эгилиб бажарилади.

Рефери ва ҳакамлар

3. Беллашув бошланишидан олдин

3.1 Ҳар бир куннинг биринчи учрашувидан олдин, тайинланган ҳакамлар жамоасининг биринчи гуруҳи биргаликда мусобақа ҳудуди ташқи чегараси бўйлаб (рефери) мусобақа ҳудуди олдида марказлаштирилган ҳолатга ўтади ва ҳакамлар столи, татамига қараб бурилади, кейин эса мусобақа ҳудудига бир қадам қўяди.

3.2 Бир маротаба мусобақа ҳудудининг марказлашган позициясида, рефери ҳакамлар столи томон таъзим бажаради.

3.3 Кейинчалик рефери ҳавфсиз ҳудуд томон олдинга бир қадам ташлашади (шу жойда ва кейин – ҳозир эса беллашув ҳудудида), шу ерда ҳакамлар столи томон иккинчи таъзимни бажаради.

3.5 Рефери дарҳол ўз жойини эгаллайди.

3.6 Мусобақанинг ҳар бир сессиясидаги биринчи учрашув вақти, рефери биринчи жуфт иштирокчилар 9.2. бандидаги қоидаани бажараётганига ишонч ҳосил қилиши лозим.

3.7 Биринчи ҳакамлар жамоаси таъзим тадбирларини реферининг 6 бандга мувофиқ ўзи бажаради ва мусобақа ҳудудини тарк этиши лозим. Ёрдамчи ҳакам татами ўртасига чиқмайди.

4. Навбатдаги рефери ва ҳакамлар

4.1 Биринчи ҳакамлар жамоаси биринчи учрашув учун тайинланганидан сўнг, рефери ўз жойини эгаллашидан олдин, 3.1, 3.2, ва 3.5 бандларига мувофиқ таъзим тадбирларини бажариши лозим.

4.2 Ҳар бир кейинги ҳакамлар жамоаси, охириги жамоа бундан мустасно, мусобақа ҳудудини 6 банддаги тадбирга мувофиқ тарк этиши керак.

5. Реферилар ўртасида функциялар билан алмашиш

Беллашувдан сўнг, натижалар эълон қилиниб, иштирокчилар беллашув ҳудудини тарк этишгач, агар реферилар алмашиши талаб этилса, икки рефери ҳам қизил хавфсиз ҳудудда бир-бирига яқин келишлари лозим. Бир-бирига қарама-қарши турган ҳолда, янги ҳолатни эгаллашдан олдин, бир-бирига таъзим қилишлари лозим. Бир-бирининг ёнидан ўтаётиб, янги рефери ичкарига, ўзининг дастлабки ҳолатига энг қисқа йўл билан бориши лозим.

6. Мусобақа ҳудудини тарк этаётган ҳакам ҳаракатлари

Беллашувдан сўнг, натижалар эълон қилиниб, иштирокчилар беллашув ҳудудини тарк этишгач, агар рефери беллашув ҳудудини тарк этиши зарур бўлса, у мусобақа ҳудуди ташқи чегараси томон ўтиши лозим. Юзи ҳакамлар столи томон қаратилган ва марказлашган позицияда рефери ўртада турган ҳолда, таъзим қилиши ва кейин мусобақа ҳудудини тарк этиши лозим. Ёрдамчи ҳакам татами ўртасига чиқмайди ва кузатув столида қолади.

7. Мусобақа охирида ҳакам ҳаракатлари

7.1 Ҳар бир сессиянинг охириги беллашуvidан сўнг, натижалар эълон қилинган, 9.6. бандига мувофиқ бажаришга қўшимча тарзда, рефери қизил

худуд бўйлаб ўтиши ва рефери ўртада бўлган ҳолда юзлари ҳакамлар столига қаратилган ҳолда бир марта таъзим бажаришлари лозим.

7.2 Кейин рефери мусобақа худуди чегараси томон ўтиб, марказлашган позицияни, юзлари ҳакамлар столи томон қараб, рефери ўртада турган ҳолда ҳакамлар столи томон таъзим бажариши ва мусобақа худудини тарк этишади. Ёрдамчи ҳакам татами ўртасига чиқмайди ва кузатув столида қолади.

Иштирокчилар

8. Иштирокчининг мусобақа худудига кириш ва чиқиш вақтидаги ҳаракатлари

Мусобақа худудига кириш ва чиқиш вақтида, иштирокчилар ҳакамлар столи томон таъзим бажаришлари керак.

9. Иштирокчилар ўртасида таъзим

Иштирокчилар таъзим бажариш бўйича ушбу қўлланма қоидалари ва ХДФ ҳакамлик қоидаларига риоя қилишлари лозим. Ушбу қўлланмага мувофиқ таъзимларни бажармаётган иштирокчилардан, бажариш сўралади. Рад жавоби берилган ҳолатларда бу ҳақида ХДФ спорт раҳбарига ёки мусобақа раҳбарига хабар берилади. Мусобақа директорлари ваколатига мувофиқ, иштирокчи кейинги мусобақалардан четлаштирилади ва бундай ҳолат медаллар учун беллашув вақтида юзага келганда, иштирокчи медаллардан ёки ўриндан маҳрум қилинади

9.1 Иштирокчилар беллашув худуди чегараси бўйлаб ўтиши ва марказлашган позицияни эгаллагач, олдинга ҳаракатланиб таъзим бажаришлари, кейин эса беллашув худуди томон олдинга ҳаракатланиб, ўзларининг мувофиқ жойларини эгаллаб, яна бир марта таъзим бажаришлари лозим.

9.2 Мусобақанинг ҳар бир куни, биринчи иштирокчилар жуфтлиги, беллашувларидан олдин қуйидагиларни бажаришлари лозим:

а) Юзма-юз туриб, орқаларида ўзларининг мувофиқ белгиланган жойлари, реферининг кўрсатмалари орқали, иштирокчилар ҳакамлар столи томон бурилишлари керак.

б) Rei буйруғи берилиши билан улар таъзим бажаришлари керак.

в) Иштирокчилар Қўлланманинг 9.3 бандини бажариш учун юзларини яна бир-бирларига қаратишлари лозим.

9.3. Икки иштирокчи, жойларини белгилайдиган чизиклар ортида туришлари ва ҳеч қандай буйруқсиз бир-бирига таъзим қилишлари, олдинга бир қадам қўйиб, одатдаги тик туриш ҳолатида, реферининг ХАЖИМЕ буйруғини кутиб туришлари лозим.

9.4. Беллашув тугаши ва рефери СОРЕМАДЕ буйруғини бериши билан, иштирокчилар ўзларининг белгиланган жойларини эгаллашиб, натижалар эълон қилинишини кутишлари лозим. Мана шу жойларида иштирокчилар ўзларининг дзюдогиларини тартибга келтиришлари лозим.

9.5. Рефери олдинга бир қадам қўйиб, ғолибни кўрсатади ва орқага бир қадам қўяди. Натижа эълон қилинганидан сўнг иштирокчилар бараварига орқага қадам қўйишади ва бир-бирига таъзим қилишади.

9.6. Мусобақанинг ҳар бир кунда, охириги икки иштирокчи беллашуви тугагач, қуйидаги ҳаракатларни бажаришлари лозим:

а) 9.4 ва 9.5 бандларини бажарилганидан сўнг ва рефери кўрсатмаларига мувофиқ иштирокчилар ҳакамлар столи томон бурилишгач, 9.2. бандининг (а) ва (б) бандчаларига мувофиқ ҳаракатларни бажаришади, кейин эса 9.7 бандини бажаришади.

9.7. Иштирокчилар ортга беллашув ҳудуди чегарасининг марказлашган позицияси томон ҳаракатланишади ва таъзимни бажаришади, кейин эса мусобақа ҳудудини 8 бандни бажариб тарк этишади.

9.8. Спортчилар беллашув бошланишидан олдин ҳаракат ҳудудида бир-бирига таъзим қилишлари керак, беллашув бошланмагунча бир-бирларини қўлларини қисиш ҳуқуқига эга эмаслар. 28 расм.



10. Жамоавий мусобақалар

10.1. Жамоанинг ҳар бир беллашуви мусобақа сессияси ҳисобланади.

10.2. Жамоавий беллашувнинг ҳар бир бошланишида рефери ушбу Қўлланманинг 3.1, 3.2, 3.3, кейин 10.4, 10.5, 10.6, 10.7, охирида 3.5 бандларини бажаришади.

10.3. Ҳар бир жамоавий беллашув тугагач, рефери ва ҳакамлар ушбу қўлланманинг 10.9, 10.10, 10.11, ва 10.12 бандларини бажаришади. Кейин улар хавфли ҳудуднинг марказлашган ҳолатни, юзлари ҳакамлар столи томон қаратилган ҳолда таъзим бажаришади. Ушбу таъзимни бажаргач, ушбу Қўлланманинг 7.2 бандларини бажаришади.

10.4. Ҳар бир жамоавий учрашув олдидан, рефери ўртада турган ҳолда, юзлари ҳакамлар столига қаратилганча сафланишади, икки жамоа эса беллашув ҳудудида биргаликда таъзим бажаришади. Кейин улар олдинга ўз жойлари томон, юзлари бир-бирига қараган ҳолда ҳаракатланишади. Рефери иштирокчиларга кўтарилган икки қўллари очилган ҳолда ҳакамлар столи томон бурилиш ҳақида буйруқ беради. Ушбу ишора орқали иштирокчилар юзларини ҳакамлар столи томон, яхлит сафланган ҳолда буришади.

10.5. Рефери “REI” буйруғини беради ва иштирокчилар таъзим бажаришади.

10.6. Рефери дарҳол иштирокчиларга юзлари бир-бирига қараган ҳолатни қабул қилиш бўйича кўрсатмалар беради.

10.7. Рефери яна бир марта rei буйруғини беради. Жамоалар бир-бирига томон таъзим бажаришади ва орқага беллашув ҳудуди чегараси томон ҳаракатланишиб яна бир марта таъзим бажаришади.

10.8. Ҳар бир алоҳида беллашув учун иштирокчилар ушбу Қўлланманинг 9.1, 9.4, 9.5, 9.6, ва 9.7 бандларини бажаришади.

10.9. Барча алоҳида беллашувлар тугаганидан сўнг икки жамоа беллашув ҳудуди ичида, ўз жойларида, юзлари бир-бирига қараган ҳолда сафланишади. Рефери ўртада турган ҳолда, бир-бирларига яқин сафланган, юзлари ҳакамлик столига қаратилган бўлади. Рефери олдинга бир қадам қўйиб натижани эълон қилади.

10.10. Рефери ортга қадам қўйиб, дастлабки ҳолатига қайтади ва rei буйруғини беради. Жамоалар бир-бирига қараб таъзим бажаришади.

10.11. Кейин рефери 10.4 бандидаги ишора каби, иштирокчиларга яхлит сафланиш ҳолатида, ҳакамлар столи томон бурилиш ҳақида кўрсатма беради.

10.12. Рефери дарҳол “REI” буйруғини беради ва иштирокчилар ҳакамлар столи томон бараварига таъзим бажаришади.

10.13. Шундан сўнг иштирокчилар беллашув ҳудуди чегараси томон орқага ҳаракатланишади ва таъзим бажаришади. Беллашув ҳудудини тарк

этишдан олдин, иштирокчилар мусобақа ҳудуди четидан, ҳакамлар столи томон яна бир марта таъзим бажаришади.

10.14. Шу вақтнинг ўзида, хавfli (қизил) ҳудуддан, рефери ҳакамлик столи томон таъзим бажаради, бир-бирларига таъзимни 7 бандга мувофиқ бажаришиб, мусобақа ҳудуди чегарасининг марказлашган позициясига, юзлари ҳакамлар столи томон қараган, рефери ўртада турган ҳолда боришиб, таъзим бажаришади ва мусобақа ҳудудини тарк этишади.

Хулосалар

Таъзим бажариш, одоб-ахлоқ қоидалари дзюдони бошқа халқаро спорт турларидан ноёблиги билан ажратиб туради. Ишоралар ҳурмат, миннатдорчилик ва боадабликни намоён қилади. Рефери ва ҳакамлар ушбу ноёбликни қўлланишида аҳамиятли ўринга эга бўлиб, таъзимлар ушбу қўлланма асосида бажарилишини таъминлашади.

БЕЛЛАШУВ ВАҚТИДА РЕФЕРИНИНГ ҲАРАКАТЛАР ТАРТИБИ

Беллашув вақтида реферилар алмашиши

Агар рефери жиддий жароҳат ёки касалланса ва ўз вазифасини давом эттира олмаса, ёрдамчи ҳакам рефери вазифасини ўз қўлига олиши керак.

Одатда ёрдамчи ҳакамни алмаштириш қийинчиликлар келтириб чиқаради, чунки бошқалар беллашувни расмий равишда кузатмаган бўлади. Бироқ агар учрашувдан олдин, ҳар қандай сабабларга кўра, биронта ҳакам беллашувни бошидан кузатган бўлса, бу ҳакамни ишга солиш мумкин.

Беллашув ҳудудида жойлашиш

- Агар беллашув ҳудудида белгилар бўлса, кўк белги ҳакамлар столига қараётган реферининг ўнг тарафида бўлади.

- Ёрдамчи ҳакам арбитрга ёрдам бериши ва кузатув столи олдида назоратни амалга ошириши лозим.

- Беллашув бошланиши ва тугаши

ХАЖИМЭ

Рефери ХАЖИМЭ буйруғини беллашувни бошлаш ёки МАТЭ буйруғидан сўнг, давом эттириш учун беради. Ишора бўлмайди.



Агар МАТЭ буйруғи иштирокчининг чиқиб кетиш ҳолатида берилган бўлса, иштирокчилар ўзларининг дастлабки ҳолатини қабул қилиши ва ХАЖИМЭ буйруғи орқали беллашувни давом эттириши шарт эмас. Бироқ рефери иштирокчиларнинг юзи бир-бирига қаратилган ҳолда эканлиги ва ҳеч бири устунликка эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Ҳар сафар ХАЖИМЭ буйруғини беришдан олдин рефери ёрдамчи ҳакам ўз жойидалиги, таблодаги ҳакамлар, секундометрчи ҳакамлар тайёрлигига ва иштирокчилар кийими қоидалар талабига жавоб беришига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

МАТЭ.

Рефери МАТЭ (кутиб тур ёки тўхта) буйруғини беллашувни вақтинчалик тўхтатиш учун айтади.



Ишора: Қўлнинг очик кафт ва бармоқлар бирлаштирилган ҳолатда секундометрчи тарафига қаратилган бўлади. Бу ишора камида 3 сония ушланиши ва секундометрчи беллашув вақти вақтинчалик тўхтаганини билдирувчи сариқ байроқни кўтаргунча ушланиши лозим.

Изоҳ: Ишора j бурилишни талаб қилмайди.

СОНО-МАМА

СОНО-МАМА (қимирлама) буйруғи фақат ётиб курашиш (не ваза) ҳолатида, иштирокчиларни ўз жойларида вақтинчалик “музлатиш” учун, агар иштирокчилардан бири устунлик ҳолатига эга бўлса ишлатилади.



Ишора: Ҳар бир иштирокчига қўл теккизиб, СОНОМАМА деган пайт кескин пастга босилади.

Изоҳ: Рефери иштирокчилардан қўлини, буйруқлари эшитилиб, ушлаш ҳолатини сақлашиб, курашишни тўхтатишсагина олади.

ЁШИ.

Рефери ЁШИ (давом эттиринг) буйруғини, СОНОМАМА буйруғи орқали тўхтатилган беллашувни давом эттиришни кўрсатиш учун айтади. ЁШИ буйруғини беришдан олдин, рефери иштирокчиларнинг гавда ҳолати ўзгармаганига ишонч ҳосил қилиши керак.



Ишора: Ҳар бир иштирокчига қўл теккизилади ва пастга тенг ҳолатда босилиб, ЁШИ буйруғи айтилади.

Изоҳ: ЁШИ буйруғи орқали беллашувни давом эттиришдан олдин, иштирокчиларга ҳалақит бермаслик учун, рефери етарлича узоқроқ масофада туриши ва ҳакамлар иштирокчиларни кўриш учун яхши ҳолатда эканликларига ишонч ҳосил қилиши керак.

СОРЕМАДЕ

Рефери СОРЕМАДЕ “ҳаммаси тугади” буйруғини ҳар бир тугаётган беллашув учун беради. Бу буйруқ, бошқа буйруқ ёки табло (секундометрчи) нинг беллашув тугаганини билдирувчи сигналидан сўнг берилади.



Ҳолат: Рефери СОРЕМАДЕ буйруғини беришда, аниқ бир ҳолатга эга бўлмайди. СОРЕМАДЕ буйруғи эълон қилаётган вақт, Рефери иштирокчиларни кўриши, буйруқ иштирокчилар томонидан эшитилгани ва бажарилаётганига ишонч ҳосил қилиши керак. Буйруқдан сўнг, рефери ва иштирокчилар ўзларининг дастлабки старт ҳолатларига қайтишлари ва ғолиб эълон қилинишига тайёрланишлари лозим.

Баҳолар ва жазолар

ИППОН

Дзюдочи назоратни амалга ошириб ўз рақибини анча куч ва тезлик билан орқа томонининг салмоқли қисми билан татамига ташласа, рефери ИППОН эълон қилади.

ИППОН яна қуйидаги ҳолатларда эълон қилинади:

- уке қоча олмайдиган даражада тўхтовсиз 20 сония босиб турилса;
- уке Маита (таслимман) сўзини айтса;
- икки ва ундан ортиқ маротаба оёғи ёки қўли билан қоқиб қўйса;

- маҳаллий/миллий мусобақаларда оғритиш ёки бўғиш усуллари самарали тугаши аниқ бўлиб қолса (халқаро мусобақаларда эмас).



Ишора: Ён томондан қўл вертикал, бошдан юқорига, бармоқлар бирлаштирилган ва кафт олдинга қаратилган ҳолатда бажарилади.

ВАЗАРИ

Ташлаш техникаси идеал тарзда бўлмаса, яъни ҳаракат ИППОН бўлишига етарли омилларнинг тўртдан бири мавжуд бўлмаса ёки босиб туриш 15 сониядан ортиқроқ, лекин 20 сониядан кам бўлса, рефери ВАЗАРИ ни эълон қилиб, шунга мувофиқ ишора кўрсатади.

ВАЗАРИ қуйидаги ҳолатларда эълон қилинади:

- агар уке орқасига аниқ равишда йиқилмаса (орқасининг катта қисми билан тушмаса);
- агар уке йиқилиш ҳолатидаги куч ва тезлик сифатларини назорат қилиб, секин ва аста йиқилса;
- барча ҳолатларда самарали (натижали), бироқ секин ташлашлар бажарилганда.



Ишора: Қўл (панжа) ҳаракати қарши томондаги сондан бошланиб, қўл тананинг ён томонига, елкалар баландлигига, кафтлар пастга қаратилган

ҳолатда чўзилади. Қўл елкадан сал юқорига кўтарилиши, ВАЗАРИ ва ЮКО орасидаги фарқ аниқ бўлиши учун тавсия этилади.

Изоҳ: Босиб туриш бир марта (босиб туриш эълон қилинганда), босиб туриш давомийлигига асосланиб баҳоланади. Рефери босиб туришнинг 15-сониясида ВАЗАРИ эълон қилмаслиги лозим. Фақатгина босиб туриш 20 сонияга етмасдан тўхтаса, ВАЗАРИ эълон қилинади.

Қўшимча тушунтиришлар билан юқоридаги бўлимларда танишишларингиз мумкин.

ВАЗАРИ АВАСЕТЕ ИППОН

Агар иштирокчи иккинчи ВАЗАРИ баҳосини олса, рефери шунга мос ишора билан биргаликда ВАЗАРИ АВАСЕТЕ ИППОН, яъни иккита ВАЗАРИ йиғиндиси ИППОНни эълон қилади



Ишора: Бу ишора иккита индивидуал ишораларнинг кетма-кет комбинациясидан иборат бўлиб, ҳар бири тўғри бажарилиб, мувофиқ буйруқларни талаффуз қилиш орқали бажарилади. Қўл ВАЗАРИ ишорасидан сўнг, ўша елкага қайтиши ва кейин бошдан юқорига ИППОНни кўрсатиши лозим.

Изоҳ: ВАЗАРИ АВАСЕТЕ ИППОН буйруғи баланд бўлиши керак, лекин тез талаффуз қилинмаслиги лозим.

ЮКО

Ишора: Қўл (панжа), ҳаракати қарши томондаги елкадан бошланади. ЮКО эълон қилиниши пайтида қўл гавдага нисбатан ён томонга, пастга, 45 даражали бурчақ ҳосил қилиб кафтлар очик ва татмига қаратилган ҳолда бажарилади.



Барча ишоралар каби, бу ишора ҳам 3-4 сония, j бурилиб, баҳо таблодаги ҳакамларга ва ёрдамчи ҳакамга кўринаётганига ишонч ҳосил қилиб бажарилади.

Курашмаслик

Ишора: Беллашув тўхтатилади ва иштирокчилар ўзларининг дастлабки жойларига қайтарилади. Рефери “курашмаслик” ишорасини кўрсатади, кейин эса қондани бузган иштирокчига тўғри қараб, унга кўрсатади.



Қўллар кўкрак ўртасига кўтарилиб, бармоқлар бирлаштирилиб, кафтлар ичкарига қаратилган ҳолда айлантирилади, кейин эса бармоқ билан қондани бузган иштирокчига кўрсатади.

Изоҳ: Агар икки иштирокчи ҳам, бир вақтнинг ўзида жазоланиши керак бўлса, ҳар бир иштирокчига ишора кўрсатилади.

Табло ва секундометрчи ҳакамларга сигналлар

Бекор

Бекор ишораси рефери ва ҳакамлар томонидан, қўлланилган усул бажарилганига қарамай, бекор қилинганини билдириб, баҳоланмайди ва қарор чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди. Масалан, ташлаш беллашув худудидан ташқарида бажарилса.



Ишора: Қўл бошдан юқорига вертикал ҳолатда, бармоқлар ва бош бармоқ бирлаштирилган, кафтлар ичкарига қаратилган.

Қўл гоҳ у томон, гоҳ бу томон, бош устида бир неча бор силкитилади.

Қўл бўшаштирилган бўлиб, билак ва тирсак сал эгилган ҳолда бажарилади.

Хато баҳони бекор қилиш

Ўзига хос ишора ҳисобланиб, бекор қилиниши ва тўғирланиши керак деб, бир қўл билан кўрсатилиб, қайтарилади. Тўғирланиши керак бўлган ишора кўрсатиб турилиб, иккинчи қўл бекор ишорасини кўрсатади. Овоз билан айтиладиган буйруқ бўлмайди.

Агар ўзгартириш киритиш лозим бўлса, қўллар тезлик билан танага қайтиб, кейин эса тўғри ишора кўрсатилиб, шунга мувофиқ овоз билан буйруқ берилади. Ишорани кўрсатишда ўша, юқорида айтиб ўтилган ўзига хос ишорани бажарган қўл билан бажарилади.



Изоҳ: Агар давом этаётган ҳаракат янги буйруқда ўз аксини топса, рефери қулай имконият бўлишини кутиши ва тузатишлар киритиши лозим.

ОСАЕКОМИ (Босиб туриш)

Ишора: Бу ишора ён томондан олдинга, горизонтал ҳолатда, чўзилади. Рефери ОСАЕКОМИ



бошланиб, қўл танадан кафтларни пастга қаратиб буйруғини талаффуз

қилаётган пайт, қўли иштирокчиларга томон йўналтирилган ҳолда ҳаракатланади ва 45 даража бурчак остида тўхтайди. Панжа очиқ ҳолатда, кафтлар пастга қараган, бармоқлар иштирокчиларни кўрсатган, тана эса олдинга бир оз эгилган бўлади.

Бу ишора камида 3 сония давом этиши ва рефери айлана бўйича чапга ёки ўнгга иштирокчилар атрофида айланиши керак. Бу вақт ичида қўл ва бармоқлар иштирокчилар томон қаратилган бўлиши лозим.

Ҳолат: Босиб туришни эълон қилишда айнан бирон-бир ҳолат белгиланмаган. Ҳар бир ҳаракат рефери юзи иштирокчилар гавдасининг юқори қисмига қараётган вақт ва уларга унчалик яқин турмаган ҳолатда бажарилиши керак. Рефери камида биттасини ёрдамчи ҳакамни, таблодаги ҳакамни ёки секундометрчи ҳакамни кўриши керак.

Изоҳ: агар босиб туриш секундометрчининг беллашув тугашини эълон қилиш сигнали билан бир вақтда бошланса, босиб туриш ИППОН ёки ТОКЕТАгача ҳақиқий ҳисобланади. Бу дегани босиб туриш беллашув тугаш вақтидан кейин ҳам давом этади.

Босиб туриш вақтинчалик СОНОМАМА буйруғи орқали, асосли сабаб бўлсагина, рефери ва ҳакамлар томонидан тўхтатилади.

ТОКЕТА

Босиб туриш эълон қилиниши ва Тори босиб туриш устидан назоратни йўқотгани аниқланиш ҳолати юзага келиши билан рефери ТОКЕТА эълон қилиб, босиб туриш тўхтатилганини маълум қилади.



Ишора: Қўл елка баландлигига кўтарилади ва иштирокчилар йўналишида туширилиб, тахминан 45 даража бурчак остида, очиқ кафт ва катта бармоқ юқорига кўтарилган ҳолда тўхтади. Рефери қўлини ён томонларга бир неча бор ғайрат билан, лекин пинагини бузмай силкитиб, ТОКЕТА эълон қилади. Қўл бўшаштирилган бўлиб, билак ва тирсак сал эгилган ҳолда бажарилади.

Ҳолат: ТОКЕТА эълон қилишда айнан бирон-бир ҳолат белгиланмаган. Рефери камида битта ёрдамчи ҳакамни, таблодаги ҳакамни ёки секундометрчи ҳакамни кўриши ва улар буйруқни эшитиши ва кўришига амин бўлиши керак.

Изоҳ: Электрон табло бўлмаган ҳолатларда, рефери ва ҳакамлар баҳолаш имконига эга бўлиш учун, Босиб туриш ва ТОКЕТА орасида ўтган вақтни аниқлашлари лозим. Вариантлардан бири қуйидагича: секундометрчи ҳакам босиб туриш сифатини катта “У” ёки “W” ҳарфли тахтачани кўтариш орқали, ЮКО ёки ВАЗАРИ бўлганини кўрсатишлари мумкин.

Бошқа вариант: секундометрчи ҳакам босиб туриш вақтини тахтачага ёзиб, реферига беради, рефери баҳони аниқлаши ва керакли ишора орқали баҳони эълон қилиши мумкин.

Шу билан бирга босиб туриш вақти микрофон орқали эълон қилиниши мумкин.

Кўк ёки оқ иштирокчини кўрсатиш

Баҳо берилиб, қайси иштирокчи баҳолангани аниқ бўлмаган вазиятларда, масалан тезлик билан бажарилган қарши ҳужум ёки таблодаги ҳакамлар, қайси иштирокчи фойдасига баҳо қўйилгани (кўк ёки оқ иштирокчигами?) ҳақида аниқлик киритишни сўрашса, рефери тегишли рангни кўрсатиши керак.



Ишора: Баҳо эълон қилинган, рефери тегишли рангли татамидаги чизиқни (дастлабки старт ҳолатини кўрсатувчи белгилар) кўрсатади. Рефери рангни айтишга **ao** ёки **shiro** (кўк ёки оқ) ҳақли.

Иштирокчилар учун сигналлар

Дзюдогини тартибга келтириш

Рефери ҳар бир иштирокчи дзюдогиси бир хил даражада тартибга келтирилганига ва ҳеч қандай ноҳақ устунлик вужудга келмаслигига амин бўлиши керак. Одатда бу ишора, бошқа сабабдан кейин берилган МАТЭ буйруғидан сўнг кўрсатилади. Бироқ камдан-кам ҳолатларда белбоғ тўлиқ ечилиб кетса, махсус МАТЭ буйруғини дзюдоги тартибга келтирилиши учун берилиши мумкин.



Ишора: Иштирокчилар дастлабки старт ҳолатида бўлган вақт, рефери қўлларини бели сатҳига кўтариб, бармоқлар пастга қараган, кафтлар гавда томон йўналтирилган бўлиб, чап қўл, ўнг қўл устида бўлиши керак.

Белбоғни тортиб боғлаш.

Ҳар бир МАТЭ буйруғидан кейин, рефери иштирокчилар белбоғини кўздан кечириши ва уларни тортиб боғлаш кераклигини аниқлаши лозим.



Ишора: Иштирокчилар ўзларининг дастлабки старт ҳолатида бўлган вақт, рефери муштанган қўлларни бел сатҳига кўтариб, белбоғни тортиб боғлашга ўхшатиб, жарённи такрорлаши ва кўрсатиши лозим.

Kachi Учрашув ғолибини аниқлаш.

Ишора: Рефери учрашув ғолибини кўрсатиш учун олдинга қадам қўяди, аввал ўнг оёқ, кейин чап оёқ билан қадам қўйиб, оёқлар елка кенглигидаги ҳолада тўхтайди.



Шу вақтнинг ўзида, ғолибга яқин қўл (ўнг қўл кўк, чап қўл оқ яктакдаги иштирокчига) юқорига, иштирокчи томон чўзилади ва бир неча он ушлаб турилади. Қўлни тушириш вақтида рефери орқага аввал ўнг, кейин чап оёқ билан қадам қўйиб, дастлабки ҳолат, оёқлар бирлаштирилиб тўхтайди.

ХИКИ ВАКЕ (дуранг)

ХИКИ-ВАКЕ фақатгина аниқ ва муайян мусобақаларда, ушбу турнирларнинг қоидаларига асосланиб (масалан, жамоавий мусобақаларда) берилади. Яна бу баҳо махсус вазиятларда (масалан, бахтсиз ҳодиса туфайли, иштирокчиларнинг иккаласи ҳам беллашувни давом эттира олмаса ёки иккала иштирокчи ҳам бараварига ИППОН баҳосини қўлга киритса) берилиши мумкин. Рефери ва ёрдамчи ҳакамлар фикри бир жойдан чиқиб, иккаласи ҳам тенг деб топса, рефери ХИКИ-ВАКЕ, яъни ҳеч бир иштирокчи бир-бирининг устидан устунликка эга бўлмаганини эълон қилади.

Ишора: Қўллар бошдан юқорига, кафтлар очик ва бош бармоқ юқорига (гавда билан параллел) қаратилган ҳолда кўтарилади, кейин эса рефери қўли қатъият билан олдинга, элка сатҳига тушади. Қўл мана шу ҳолатда бир неча сония туради.

РЕФЕРИ ФАЗИЛАТЛАРИ

Татамида ишлашни яхшилаш учун, машхур рефериларни ажратиб турадиган қуйидаги 10 фазилатни реферилар тушунишлари ва ўрганишлари лозим. Бу 10 фазилат реферилар баҳоланишини шакллантиради

1. Нуфуз

Ўтрадаги ҳакам беллашув вақтида энг нуфузли киши “эксперт” бўлиб ҳисобланади. Ёрдамчи ҳакамлар, техник мутахассислар, иштирокчи мураббийлар эса, рефери беллашувни ХДФ мусобақа қоидаларини қўллаётгани ва назорат қилаётганини кузатишади. Рефери лавозими берилиши билан ҳакам обрўли бўлиб қолмайди. Бу шахсий фазилат вақт ўтиши билан ривожланади. Рефери обрўсини ўлчаш мумкин ва бундай нуфузга эга бўлиш реферига катта ҳурмат, ўзига бўлган ишонч ва ўзгалар ишончини беради.

Рефери нуфузи ўрнатилиши учун, барча фазилатлар бўйича тажриба бўлиши талаб этилади. Бирон-бир жабҳада заифлик, рефери обрўсига тезда путур етказади.

Ўз нуфузи ўрнатиши вақтида, рефери ҳар қандай мураккаб вазиятларда ҳам хотиржам, ўзига ишонган ҳолда оқилона иш олиб бориши керак. Дзюдо баённомалари ва ХДФ мусобақа қоидалари бўйича билимлар аъло даражада бўлиши талаб этилади. Ва яна ёрдамчи ҳакам билан ҳамжиҳатлик, ҳакамлар жамоаси ишининг самарадорлигини оширади.

Ҳакамнинг кўмакчи роли

Ёрдамчи ҳакам бошқарувчи эмас, кўмаклашувчи ролни бажарадилар. Ҳакам реферини тўғирлаши мумкин.

Ёрдамчи ҳакам рефери буйруқ беришини кутиши лозим. Фақатгина ёрдамчи ҳакам рефери буйруғидан (баҳо) норози бўлса ёки рефери умуман буйруқ (баҳо) бермаса, ҳакам ўз фикрини бериши ёки тўғирлаши мумкин.

Ҳакамнинг ўзига бўлган ишончи

Нуфуз реферидан ўзига ишончни талаб қилади. Рефери буйруқ бераётган вақт ёрдамчи ҳакамлар билан визуал алоқада бўлмаслиги ва ҳакамлар унинг буйруғидан рози ёки норозилигини аниқламаслиги лозим. Бундай тўғридан-тўғри рефери ишини назорат қилиш, жамоа ўзига ишонмаслигини кўрсатади. Ҳар бир буйруқ, мувофиқ равишда бажарилган

ишоралар билан биргаликда кўрсатилиши, реферида бурилишни ва ёрдамчи ҳакамни ҳеч бўлмаса кўз қири билан кўриши лозимлигини англатади. Бундай бурилиш мусобақа залининг ҳар қандай томонига ишорани кўрсатиш имконини беради. Рефери гавдасини буриши, рефери ёрдамчи ҳакамга қараш учун бурилаётгандай таъсурот уйғотмаслиги лозим.

Буйруқ бергач, ёрдамчи ҳакамларга узоқ қараб қоладиган ёки буйруқ беришдан олдин ҳакамларга кўп қараб қоладиган рефери, ўзига ишончсизлик, билим ва малакаси камлигини намоиш қилади. Баъзи рефериларда Ҳакамлик комиссияси ёки экзаменацион жюрига қараш тенденциялари мавжуд. Бу ҳам ўзига ишончсизликни намоиш этади.

Фикр алмашиш

Фикр алмашинув, иложи борица камроқ вақтни олиши лозим, чунки бу беллашувдаги шиддатни бузади. Шунга қарамай, баъзида жазони муҳокама қилиш ёки ХДФ мусобақа қоидалари ҳисобга олмаган вазиятлар юзага келса, фикр алмашиш зарурдир.

Фикр алмашиш, рефери нуфузи, ташаббуси ва бошқаруви асосида беллашув ҳудуди ичида ўтказилади. Рефери ёрдамчи ҳакамнинг кузатув столи олдида келиб ёки СОНО-МАМА ҳолатида иштирокчилар жойлашган жойга таклиф қилади.

Қисқа вақт давом этадиган муҳокама пайтида рефери ёрдамчи ҳакамнинг фикрини бир марта сўрайди. Ёрдамчи ҳакам рефери фаолият доирасига аралашади. Ҳакамлар бир-бирини тушунишса гаплашишади ва бир қарорга келишгач, ҳакамлар ўзларининг розилигини бош силкиб тасдиқлашади. Рефери ўз жойини эгаллашидан олдин, барча муҳокамалар тугагани ва чиқарадиган қарорини тушунишига амин бўлиши керак. Ўша савол бўйича аниқлик киритиш ва муҳокама қилиш учун яна йиғилишга чорлаш ортиқлик қилиб, бундай ҳолатлардан қочиш керак.

Фикрлар фарқ қилганда муҳокама

Рефери ўзи бераётган буйруқларга ишонч билан қараши лозим. Бироқ, баъзида шундай вазият юзага келадики, ёрдамчи ҳакам рефери қарорини бекор қилади. Ўз жойида ҳакам ҳаракатларни яхшироқ кузатиш ва аниқроқ баҳо бериш имконига эга бўлишади. Ёрдамчи ҳакамнинг қарорини қабул қилиш рефери обрўсига зарар келтирмайди ва бу қарор бахslashмасдан қабул қилиниши лозим.

Мустақиллик даражаси

Ёрдамчи ҳакам рефери обрўсини ҳурмат қилишлари ва мақбул даражада унинг буйруғи, қарорлари мустақиллигини (эркинлигини) қабул қилишлари лозим. Ҳакам берилаётган ҳар бир буйруққа қарши чиқишдан ўзини тиймоғи, бироқ жиддий хатолар давом этаверган вазиятларда аралашмоғи лозим. Ҳар бир буйруқдан сўнг тўғирлавериш, ҳакам ҳақида ёмон таассурот уйғотиб, жамоа яхлитлигини камайтиради. Бундай ҳолларда кўп маротаба ҳакам томонидан аралашиш, реферининг хавотирланиши ва зўриқишига олиб келиб, жамоавий алоқага салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзини мана шундай тутган ҳакам, реферига ҳурмат етишмовчилиги ва жамоавий яхлитликни сақлаш муҳимлигини тушунмасликни намоёни қилса, имтиҳондан ўтолмайди. Бундай турдаги ҳакамликдан қочиш лозим.

Тажрибаси камроқ реферилар билан ишлаш

Кўпинча ҳудудий ва миллий мусобақаларда тажрибали, кекса ҳакамлар, ҳакамлар жамоасини кучайтириш мақсадида, тажрибаси камроқ ёш ҳакамларни бирга қўшиб қўйишади. Бу каби чоралар тажрибаси камроқ, ёш ҳакамларга “ON-MAT” “ТАТАМИГА”, тажрибали ҳакамлар бошчилиги ва назорати остида таассурот ва тушунча ҳосил қилиш учун ижобий имконият беради. Бундай вазиятларда ҳакамларнинг ёрдамлашиши ва аралашишига йўл қўйилади.

Тиббий кўрик

Шифокорни чақириш ваколатига фақатгина рефери эга. Рефери етарли даражада тайинланган тиббий ёрдамчи мусобақа ҳудудига киришга ижозат берилаётганига амин бўлиши керак. Рефери етарли даражада тайинланган тиббий ёрдамчи ХДФ мусобақа қоидалари асосида тиббий ёрдам кўрсатаётганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Тиббий ходим тиббий ёрдам кўрсатаётган вақт, рефери жароҳат ман этилган ҳаракат ёки бахтсиз ҳодиса натижасида вужудга келганини аниқлаши лозим.

Техник мутахассислар билан алоқада бўлиш

Таблога киритилиши керак бўлган барча ўзгаришлар рефери ваколатига киритилган. Агар ёрдамчи ҳакам таблодаги хатони кўриб қолса (масалан, юко оқ ятакдаги спортчига эмас, кўк ятакга ёзилса), ҳакам бу муаммони ўзи тўғирлаши зарур. Кўпчилик ҳолатларда муҳокама талаб этилмайди. Рефери беллашувни тўхтатиши ва зарурат бўлса хатони тўғирлаши лозим. Ҳакамлар ҳеч қандай ҳолатда, тўғридан-тўғри секундометрчи ва таблодаги ҳакамларга таъсир ўтказмаслиги керак. Бу вазифа рефери зиммасига юклатилган. Рефери ва ёрдамчи ҳакам ёзиб олинаётган тасмани қайта кўришга лозим деб топсагина тасма қайта кўриб чиқилади.

Беллашув ва мусобақа ҳудудларини назорат қилиш

Рефери ва ёрдамчи ҳакам мусобақа ҳудудида тўлиқ назоратга эга. Ҳар қандай фотограф суръатчилар, томошабинлар, ёрдамчи мураббийлар ёки бошқа иштирокчилар мусобақа ҳудудидан дарҳол чиқарилиши лозим. Ушбу ишни бажараолмаслик, реферининг ўз ҳудудини етарлича назорат қила олмаслигини кўрсатади.

Иштирокчилар рефери рухсатсиз ўз дзюдогиларини тартибга келтиришлари мумкин эмас. Ушбу ишни қилаётган иштирокчи, рефери ваколати доирасини бузган бўлади.

Рефери беллашув ҳудудида иштирокчилар билан ҳар қандай суҳбатга йўл қўймаслиги лозим, бироқ жазони тушунтириш ёки жароҳатланишни аниқлаш мақсадида гаплашишга ижозат этилади.

2. Иштирок (Ижобий ташқи кўриниш)

Реферини татамида ўраб турган “аура”си, тўғридан тўғри унинг ташқи қиёфасига, муомала тарзига ва ўзини тутишига боғлиқ. Ижобий ташқи кўриниш бевосита бошқа фазилатлар билан боғлиқ бўлиб, биргина камчилик уни камайитириши мумкин.

Рефери иштироки онг ости ҳолда бўлади. Бунини тажовузкор тарзда ўзини тутиш билан қабул қилдириб бўлмайди.

Ташқи кўриниш

Профессional ташқи кўриниш тўғри танланган кийимдан бошланади. Стандарт Халқаро расмий кийим қора костюм, ҳакам бўйинбоғи, кул ранг шим, қора пайпоқ ва қисқа энгли яхши ҳолдаги, тоза ва дазмолланган оқ

кўйлақдан иборат бўлади. Бир неча кун давом этадиган мусобақалар, тоза кўйлақ ва ўз шахсий гигиенага диққатли бўлишни талаб қилади (соқол батартиб ва астойидил тоза олинган бўлиши лозим). Беллашув ҳудудида бўлган вақт костюм тугмалари қадалган бўлиши керак.

Ўзини тутиш тарзи

Қандай вазият вужудга келишидан қатъий назар, қад-қомат, ҳаракатлар ва ишоралар ҳамма вақт табиий ҳолда бажарилиши лозим. Агар рефери ўзини тутиш тарзи билан алоҳида диққатни жалб қилса, бу беллашувдан чалғитиши ва нотабиий (ясама) таъсурот қолдириши мумкин.

Рефери қоматини меъёрда, қўл ва панжаларини пастда ва ён томонларда бўш қўйган, олдинги оёғига таянган ҳолда ўз қизиқишини кўрсатиши лозим. Орқадаги оёққа таяниб олдинги оёқни бўш қўймаслик лозим, чунки тананинг бундай ҳолати қизиқиш етарлича эмаслигини кўрсатиб, профессионал ҳолат ҳисобланмайди.

Реферининг қўллари татамида юрганда табиий ҳолда силкиниши, бироқ ҳаддан ташқари силкинмаслиги лозим. Қўллар асосан бўш ҳолда, танага яқин туриши керак.

Иштирокчи ташлашни бажариш вақтида, рефери шундай ҳолатда бўлиши керакки, татамига тегишнинг барча нукталарини кўра олиши лозим. Рақиб йиқилаётганда рефери чекиниши, гавдасини ёки бошини буриши мумкин эмас. Бундай тасодифларни беллашув вақтида камайтиришга ҳаракат қилиш лозим. Рефери татамидаги ҳаракатлар изидан эргашмоғи, иштирокчилар йўналиши ва ҳаракатларини олдиндан пайқамоғи лозим, бироқ беллашувга беихтиёр қўшилмаслиги, яъни рефери гавдаси, иштирокчи ташлашни ўтказишга уринишига ўхшатиб ҳаракатларни қайтармаслиги лозим.

Ҳаракат ўтказилгач, рефери мувофиқ ишорани бутун танаси билан эмас, қўли билан кўрсатиши керак. Мураббийлар ва томошабинларда ҳаракат “қарийиб” ташлаш эди деган таъсуротни уйғотиши мумкин, бўлган юз ифодаси ва бош тебратишдан қочиш лозим. Бу ҳақамнинг ижобий ташқи кўринишини камайтиради.

Партерда ўтаётган беллашувни кўриш учун олдинга энкайган вақтда рефери қўллари татамига ёки тиззаларига таянмаслиги лозим. Бундай ҳолатда бўлиш ҳаракатчанликка тўсқинлик қилиши ва ишоралар кечикиб кўрсатилиши мумкин. Қўллар ва панжалар оёқларга нисбатан параллел бўлиши, бўш ва табиий тарзда ушланиши лозим.

Хулқи

Реферининг хулқи изчил, хотиржам ва вазмин бўлиши керак. Совуққонлик, ижобий ташқи кўринишни ўрнатиш ва бир маромда сақлаш учун зарур. Қўлларни муштлаш, пешонани тириштириш, кескин ҳаракатлар ва кийимни доимий равишда тартибга келтириш асабийлашишнинг бир неча аломатлари ҳисобланиб, бундай ҳолатлардан қочиш лозим.

Қўлларни кўкси олдида асло қовуштирмаслик лозим. Бу манманлик, ўзини устун қўйиш ва чекланганликни кўришга ундайди. Рефери ҳамиша камтар ва янги нарсаларни ўрганишга интилиши лозим.

Мураккаб вазиятларда совуққонликни сақлаш ҳакамликнинг асосий вазифаси ва ижобий ташқи кўринишни сақлашда зарурдир. Рефери одатда айна бир маромда ҳаракатланиш, ишоралар кўрсатиш ва вазиятларни бошқаришда аниқ бир услуб асосида амал қилади.

Ҳаракат секин ёки жуда ҳам тез бўлишига қарамай рефери хотиржам ва бамайлихотир қолиши керак. Ритмнинг ўзгариши, ҳаракатлар одатдагидан тезроқ бажарилиши ёки сигналларни тезлаштириб берилиши рефери хотиржамлиги бузилганини кўрсатиши мумкин. Изчил услубдаги ҳакамликнинг йўли бўлиб, иложи борица кўпроқ юқори даражали мусобақаларда ҳакамлик қилиш ҳисобланади. Юқори даражали мусобақаларда ҳаракатлар жуда ҳам тез бажарилади ва хилма-хил вазиятлар кўпроқ вужудга келади.

Ҳатто тажрибали реферилар жамоаси ҳам ўзгартирилиши мумкин. Бу алоҳида шахсиятга тегмаслиги лозим. Агар рефери туйғулари назорат қилинмаса ва мувозанатда сақланмаса, кўриниш зарар кўради. Ёрдамчи ҳакамдан норозиликни кўрсатувчи юзидаги ифода ёки қўл ишоралари одобсизлик ва жамоавий яхлитлигининг заифлиги аломатидир. икки ҳакам ҳам бир-бирини тўлдириб, бир-бирига ёрдам бериб, бир тану-бир жон бўлиб ишлашлари муҳимдир.

Иштирокчилардан бири жиддий жароҳатланиш ёки тезлик билан бажарилган бўғиш усули натижасида хушидан кетган ҳолатларда, иштирокчи хавфсизлиги ва соғлиги учун, рефери вазиятни хотиржамлик билан назорат қилиши ўта муҳимдир.

Кучли жамоавий фаолият аъло ҳакамлик қилиш учун қулай имконият туғдириб, иштирокчилар ва дзюдо учун фойда келтиради.

Жамоа аъзоларидан биронтаси, жамоавий бирликни заифлаштирадиган гап ёки ҳаракат қилмаслиги лозим.

Рефери ҳамиша иштирокчиларга ўз ҳурмати намоиш қилиши, мулойимлик кўрсатиши, иштирокчиларга уларнинг дастлабки старт ҳолатини кўрсатиш вақтида уларга қўл теккизмаслиги лозим. Фақатгина СОНО-МАМА ҳолатида беллашувни тўхтатиш ва давом эттириш мақсадида иштирокчиларга қўл теккизиш мумкин.

Ҳеч бир нарсa бирон-бир кишининг борлигига қизиқиш етарлича бўлмаётганини намоиш қилиш каби иштирокини камайтирмайди. Қўшни татамидаги ҳаракатларга кўпроқ қизиқаётган, ҳар бир МАТЭ буйруғидан сўнг кўзлари спорт зали атрофига аланглаган ёки узоқ вақт экзаменацион комиссияга қараётганни реферининг заифлиги ва иштирокининг етарлича эмаслигини намоиш этади.

Ёрдамчи ҳакам

Ёрдамчи ҳакам кузатув столи олдида назоратни амалга оширади. Ёрдамчи ҳакам ишораларни кўрсатмайди. Агар ҳакамнинг буйруғи рефери кўрсатган буйруқ ёки баҳодан фарқ қилса, у бу ҳолатни мувофиқ тарзда дарҳол бажариладиган ишора орқали кўрсатиши лозим.

Ҳакамнинг кўзлари иштирокчиларга қаратилган бўлиши керак. Имтиҳон олаётганларга кўзлар ўйнаб, фикр бўлинганини аниқлаш жуда ҳам осон. Юқори малакали профессионал ҳакам, кўп соатлар давом этган ҳакамликдан кейин ҳам, беллашувни 100% диққат эътибор билан кузатишга қодир бўлади.

Профессионализм

Ҳакамнинг ижобий ташқи кўриниши унинг татами ва татамидан ташқаридаги ҳулқига профессионал муносабатда бўлиши билан сақланади. Профессионал сифатида рефери ҳамиша ўз вақтида бўлади, керакли равишда кийинган, мусобақа олди семинарларда иштирок этади, кун мобайнида эътироз билдирмай ҳакамлик қилади; мусобақа тугагунча қолади ва бош ҳакам ижозатисиз мусобақани тарк этмайди.

Мусобақа вақтида рефери махсус ажратилган жойни, тарк этишга ижозат берилмагунча ўтиради; тақсимланишларга эътибор қилади, бу ўз вақтида тайёр бўлиш учун керак; ўз ҳулқини таҳлил қилади ва ривожланиш учун маслаҳат излайди; мусобақа ташкилотчилари, расмий шахслар, ҳакамлар ва иштирокчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлади; бошқа ҳакамлар иши ва ҳулқини муҳокама қилмайди, токи бу ҳақида реферининг ўзи сўрамаса. Ҳакамлар ҳеч қачон, ҳеч ким

билан бошқа ҳакамлар хатоси ёки хулқини муҳокама қилмаслиги лозим. Ўзига ҳамкасб ҳакамларни пастга уриш профессионалликдан йироқдир.

Ижобий ташқи кўриниш бу ўчириб, ёқиб бўладиган ёки фақат татамида қабул қилинган сифат эмас. Рефери ўз ижобий ташқи кўринишига, суткасига 24–соат профессионал бўла туриб, ўзини мусобақа майдонида ёки ташқарисида ҳам интизомли ва эҳтиромли тутиш орқали эришади.

3. Позиция

Одатда тажрибали реферилар ҳаракат ва кўнишни яхши кузатиш учун ҳамиша тўғри ҳолатда ва керакли вақтда бўлгандай туюлади. Бу тасодиф эмас. Бу амалиёт орқали орттирилган фазилатдир.

Рефери татамида ҳаракатсиз ҳолатни қабул қилганида, у ёрдамчи ҳакамнинг жойлашувини билиб, эҳтиёткорлик билан уларнинг иштироки ва татами четини кўришларини тўсиб қўймаслиги лозим. Имкони борича рефери шундай ҳолатни қабул қилиш керакки, таблодаги ҳакамлар ва секундометрчи ҳакамлар билан визуал алоқада бўлиш имконини берсин.

Бошланғич ҳолатда (ХАЖИМЕ) рефери иштирокчилар билан учбурчак ҳосил қилиши лозим. Беллашув вақтида рефери ушбу учбурчак шаклини имкони борича сақлаб, иштирокчиларга нисбатан юзи тўғрига йўналтирилган ҳолда тахминан 3-4 метр масофада бўлиши керак. 3-4 метрлик масофа (Тачи-Ваза) самарали масофа эканлиги аниқланган бўлиб, реферига иштирокчиларнинг ҳар қандай тез ҳаракатларини кўриш ва бундан ҳам муҳими ташлашдан кейин йиқилиш жойини кўриш имконини беради. Агар рефери иштирокчиларга жуда ҳам яқин турса, тўқнашиш хавфи вужудга келиши мумкин, шу ўринда агар рефери 4 метрдан ортиқроқ масофада бўлса, назоратни ва беллашув ҳиссини йўқотиши мумкин.

Рефери беллашувни кузатиш учун энг яхши ҳолатда ҳаракатланиши учун иштирокчиларни изчил баҳолаб бориши ва ҳаракатларини олдиндан пайқа олиши лозим. Рефери кўпроқ хужум қилаётган иштирокчини аниқлаши, ушлашларни баҳолаши ва ташлашни бажараётган иштирокчи қайси йўналишни (олдинга ёки орқага) маъқул кўраётганини белгилаши лозим. Бу йиқилиш жойини кўриш учун энг ижобий позицияда бўлишга ёрдам беради. Агар рефери иштирокчиларга жуда яқин туриб, ташлаш тасвири ва йўналишини нотўғри баҳоласа, у иштирокчилар йўналишида бўлиб қолиши ва уларнинг йўлидан қочиш учун тезроқ ҳаракат қилишига тўғри келиши мумкин. Бу ҳолат энг тажрибали реферилар билан ҳам

вужудга келиши мумкин, лекин позицияни танлашда тажрибаси йўқлиги натижасида, малакаси камроқ рефериларда бу ҳолат кўпроқ учрайди.

Рефери ҳаракатлари равон, бамайлихотир, нуфуз билан бажарилиши лозим. Қоматни яхши ҳолатда ушлаш ва вазни оёқларга тенг тақсимлаш, татамида “дзюдога ўхшаш” “аюми аши” ҳаракатланишга имкон беради. Қадамлар калта-калта, тўғри тақсимланган ва катта бўлмаган тезликда қўйилиши лозим. Тез ҳаракатлар асаби қўзғалганини ва ҳислар жунбушга келганидан дарак бериши ва иштирокчилардан диққатни олиб қочиши мумкин. Рефери ўз ҳаракатларини чегаралаб, асосан иштирокчилардан камроқ қадам ташлаши лозим.

Тажрибаси камроқ рефериларнинг умумий хатоси, кичик майдонда доимий равишда оёқларнинг ҳаракатланиши ҳисобланади. Рефери секин ҳаракатлар TACHI WAZA, NE WAZA ни кузатишда бир неча сантиметрга (чапга, ўнгга, орқага, олдинга) ҳаракатланишга мойилликка эга бўлишади. Шундай керак бўлмаган ҳаракатлар беллашувдан диққатни олиб қочади. Иштирокчилар бир жойда олишаётган вақт, рефери ўз жойида қолиши керак, бироқ бир оз вақт ўтгач ўз қизиқишини кўрсатиш ва беллашувга қўшилиш учун у ўз ҳолатини ўзгартириши лозим. Бундай нозик ҳаракатлар тажриба билан бирга келади.

Тажрибалироқ реферилар одатда ўз қадамларини режалаштирадилар ва бутунлай тўхтагунча ҳаракатланишни бажарадилар. Янги позицияда бўлгач, иштирокчиларга нисбатан қараш қайта кўрилади. Тажрибаси камроқ реферилар ҳаракатни бир томонга бошлашиб, кейинчалик йўналишни ўзгартиришади ва кўпинча керак бўлмаган масофани босиб ўтишади.

Ne waza (Ётиб курашиш).

Рефери иштирокчилар боши ва гавдасидан 2-3 метр нарида бўлиш лозим. Асосан рефери беллашув ҳудудининг ичида бўлиши керак, бироқ шундай вазиятлар вужудга келадики, беллашувни кузатиш хавфсизлик ҳудудидан амалга оширилгани маъқул. Масалан, босиб туришда иштирокчилар боши ва гавдаси татамининг четида бўлиб, юзи хавфсизлик ҳудудига қараган бўлса, рефери учун энг қулай позиция хавфсизлик ҳудуди ҳисобланади.

Баъзи реферилар партер “NE WAZA” ҳолатидаги иштирокчиларга жуда ҳам яқин туриб, олдинга эгилишади, бунини улар партердаги иштирокчиларни кузатиш қулай бўлгани учун қилишади. Бу позиция ноқулай бўлиб, бу ҳолатдан қочиш керак. Агар зарур бўлса, кузатишни

яхшилаш учун, анча мақбулроқ ҳаракатланиш йўли бўлиб, ҳар бир томонга тўлиқ икки-уч қадам қўйиш ҳисобланади.

Иштирокчи партерда буғиш усули қўллаётганда, шундай вазият юзага келиб, рефери уке ҳушидан кетганини аниқлаш ёки дзюдоги қайтармаси юзини ёпаётганини яқиндан кўриш учун яқинлашишга тўғри келади. Бироқ амалиёт кўрсатишича, кўпгина ҳолларда татамига яқин тушиш кузатиш ҳолатини яхшиламайди. Фақатгина бу мутлақ зарур бўлсагина, татамига бир тизза ёки бир қўл билан тегиниш мумкин. Бу позиция иштирокчилар тўсатдан ҳаракатланишни бошлашса, тезгина чекиниш имконини беради. Ҳеч қандай ҳолатда рефери икки тиззаси билан татамига тушмаслиги лозим, чунки бу ҳолат ҳаракатчанликни ёмонлашишига олиб келади, непрофессионаллик тан олинади, эътибор ва нуфузга путур етказилади.

Бир иштирокчи иккинчисини баъзи ҳолатларда ОСАЕКОМИ орқали босиб турса, Уке айланиб Тори оёғини илиб (ўраб) олиб, Торини олдинга ҳаракатланишга мажбур қилиб оёғи илинишига чап беришга интилади. Рефери “таъқиб” қилишдан қочиши ва иштирокчилар ҳаракатига нисбатан қарама-қарши томон ҳаракатланиши лозим. Айтилганидай “иштирокчилар бели бўйлаб юзи кўрингунча юриш” лозим. Агар иштирокчилар айланиш ҳаракатлари ўта тез бўлса, рефери яхши ривожланган олдиндан ҳис қилиш ва пайқаш малакаси бўлса, иштирокчилар ўзларининг дастлабки ҳолатларини қабул қилгунча кутиб туради. Рефери Уке ва Тори қўллари ва юзлари кўринадиган позицияда бўлиши лозим бўлиб, рақиб бели тўғри назорат қилинаётганини ва оёқлар ўраб олинганини аниқлаш имконига эга бўлиши лозим.

Беллашув ҳудуди чети

Иштирокчилар беллашув ҳудуди чегараси томон ҳаракатланишса, реферининг биринчи даражали масъулияти, шундай позицияда бўлиши керакки потенциал рўй бериши мумкин бўлган ҳаракатни чегарада кузатаётган ҳакамлар жамоаси буйруқларига асосан, ҳаракат татами ичкараси ёки ташқарисида бажарилганини баҳолаб бориши лозим. Иштирокчилар “нейтрал” бурчак томон ҳаракатланишса, рефери иштирокчилар изидан ўша бурчак томон ҳаракатланиши, бироқ беллашув ҳудуди ичида қолиши керак.

Иштирокчилар беллашув ҳудуди чегараси томон ҳаракатланишни бошласа, рефери чегарадан ичкарироқда, орқа томони “нейтрал” бурчакка қаратилган ҳолатни қабул қилиши лозим.

Рефери хавфни олдиндан пайкаши, бурчакда қолиб кетса айлана бўйлаб бир ёки иккинчи томонга ҳаракатланиши ва иштирокчилар ҳужумига чап бериши лозим. Рефери хавфсиз ҳудудга етиб келгач, айлана бўйлаб, иштирокчилар ҳаракатига қарама-қарши томон ҳаракатланиши лозим.

Изоҳ: Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, орқа томонда бўлган рефери, йиқилиш ҳолати рўй беришидан ва орқа томон билан тўлиқ йиқилиши юзага келишидан олдин, кўзларини йиқилиш нуқтасида қайд қилиш имконига эга бўлади. Назарий нуқтаи назардан, рефери иштирокчилардан узоқлашиши, йиқилиш нуқтасига нисбатан кўриш бурчаги муболағани камайтириб, ижобий ташқи кўринишни кўпайтиради. Бу сабаблардан бири ҳисобланиб, тадқиқотлар беллашув ҳудуди чегарасига яқин ҳолатда бажарилса, тўғри буйруқлар сони кўпайишини кўрсатди.

4. Кузатувчанлик (кўзлар билан назорат)

Кузатувчанлик ва ҳолатни танлаш малакалари бир-бирини тўлдириб турувчи малакалар ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидай, рефери иштирокчилар усули ва ҳаракатини кўриши учун яхши ҳолатда бўлиши ва бир вақтнинг ўзида периферик кўриш орқали ёрдамчи ҳакамлар, табло, хронометрчи ҳакамлар ва мураббийлар ва ҳоказоларни кўриши лозим. Позицияни танлаш малакаси рефери кўзлари тўғри ҳолатда, тўғри жойда ва тўғри пайт беллашув атрофидаги асосий маълумотларни қабул қила олишини таъминлайди.

Кузатувчанлик бу шундай кўникмаки, беллашув вақтидаги мажмуавий маълумотлар қай ҳолатда, келишилган тарзда ривожланаётганини аниқлайди. Рефери беллашув вақтида асосий ваколатларга эга бўлиб, кўпгина вазифаларга эга бўлади.... беллашувни бошқариш, ХДФ ҳакамлик қоидалари бажарилишини назорат қилиш. Бу реферининг олдида ва мусобақа ҳудудида иштирокчилар кириб келишидан олдин, беллашув вақти ва беллашув тугагач, чиқиб кетиш вақтларида текшириш ва кўриб чиқишини талаб этади.

Мажмуавий, визуал маълумотларни кўриб чиқиш ва ишлов бериш тажрибали реферини, тажрибаси камроқ бўлган реферидан фарқлаб туради. “Тажрибали кўз” ва самарали периферик кўриш қобилиятига эга бўлган рефери, олдинги пландаги иштирокчилардан асосий визуал маълумотларни ажрата олади ва бир вақтнинг ўзида периферик кўриш орқали периферик маълумотлар кузатилади. Бу чуқур диққатни талаб этади. Орқа пландаги маълумотлар кўпроқ диққатни талаб этса, тажрибали

рефери уларни кўриб чиқади, бироқ асосий мақсадни кўздан қочирмайди. Орқа пландаги ҳар бир нуқтаи назарга мувофиқ пайтларда ўз кўриш нуқтасини қаратиш, реферига бутун учрашувни самарали назорат қилиш имконини беради.

Бу билимни оширишга хизмат қиладиган жараён учта шар билан жонглёрлик қилишни ўрганишга ўхшайди. Эндигина ўрганишга киришаётган киши диққатни бир тўпга қаратиб, икки тўпни ўз диққатидан қочиради. Бир тўпни, кейинчалик икки тўп, уч тўпни юз маротаба ишлатишларга уринишлар натижасида жонглерлик қилиш асослари ўзлаштирилади. Тажрибали жонглёр кўзлари битта тўпга эмас, учала тўпга ҳам қаратилган бўлади. Мана шу моҳият ҳакамликда ҳам қўлланилади. Тажрибаси камроқ реферилар мусобақанинг бир томонини кўришиб, бу вақтда тажрибали реферилар мусобақани кўпгина нуқталардан кузатишади.

Жонглёр каби рефери ҳам ўз касбининг устаси бўлиш учун, ўз ишини юзлаб, минглаб маротаба бажариши лозим. Тажрибаси камроқ реферилар айтилган нарсадан ташқари бошқа нарсани кўришга ошиқмайдилар. Секинлик билан, кўп йиллик машғулотлардан сўнг, бундай бир томонлама кузатишлар, ўз табиатига кўра иккинчи даражали бўлиб қолади. Вақти келиб, рефери бутун беллашувни кузатиш имконини қўлга киритади.

Амалиётда

Рефери татамига чиқиши билан мусобақа ҳудудини кузатишни бошлаши лозим. Матлар яхши аҳволдами ва қон йўқми? Видео ёзувчилар ва Табло тартибдами? Вақт ва табло учун жавоб берувчи ҳакамлар ўз жойидами?

Иштирокчи кўриниши билан, рефери иштирокчи заргарлик буюмлари (соат, узук, сирға) таққанлигини кўриб чиқиши, дзюдогида қон доғлари борлигини, сизиб чиққанлик мавжудлигини, бўйи ва ўлчами мослигини диққат билан кўриб чиқиши лозим; иштирокчи оёғи тозалиги ва узун сочлар тартибга келтирилганига ишонч ҳосил қилиши лозим. Бунинг ҳаммаси визуал назорат орқали амалга оширилиши лозим. Ҳар бир иштирокчинини жисмоний текшириш дзюдо баённомасида назарда тутилмаган ва бу непрофессионалликни кўрсатади.

Иштирокчилар ҳамма вақт нигоҳнинг олдинги планида бўлиши ва татамига чиқишдан то тарк этгунча давом этиши лозим. Баъзи реферилар МАТЭ ва СОРЕМАДЕ буйруқларида баҳо эълон қилишаётганида иштирокчилардан ўз кўзларини олиб қочиш мойиллигига эга бўлишади.

Ҳаракат баҳолангач, рефери Тори билан визуал алоқани сақлаши ва кийими рангини аниқлаш имконига эга бўлиши лозим. Бвъзи реферилар бошқа томонга бурилиб хато қилишади, айниқса ИППОН вақтида, улар яна кўзларини иштирокчиларга қаратган вақт, улар Торини аниқлай олмайди, чунки иштирокчилар ташлашдан сўнг думалаб жойлари алмашиши мумкин.

Ушбу ҳолатлар *ne waza* (партер) ҳолати учун ҳам тегишлидир. Босиб туриш учун ИППОН берилаётганда, рефери ким босиб туришни амалга оширганига ишонч ҳосил қилиши керак. Агар кўк иштирокчи ғолиб бўлса, рефери ғолибни эълон қилишидан олдин ўзига-ўзи бир неча бор “кўк” деб қайтариш яхши одат бўларди. Агар рефери Торини аниқлай олмаса, бу жуда ҳам нохуш вазиятни келтириб чиқаради. Бундай вазият баъзан юзага келиши мумкин, бироқ рефери учрашувда ким ғолиб бўлганини билмаса, ким ғолиб бўлгани ҳақида фараз қилгандан ёки нотўғри иштирокчини ғолиб деб эълон қилишдан кўра ёрдамчи ҳакамдан сўраса яхшироқ бўлади.

Орқа планга диққатни ҳар хил нуқталарга периферик қараш орқали беллашувнинг тўғридан-тўғри қандай ҳолат вужудга келишига қараб қаратилади. Масалан, берилган буйрукдан сўнг, диққатни авваламбор периферик қараш орқали ҳакамларга 2-3 сония, кейин эса таблога қаратиб, иштирокчиларни эса ҳамма вақт олдинги планда ушлаш лозим. Ушбу усулни ишлатганда, таблода вужудга келадиган хато топилиши ва буйрук берилгандан сўнг 5 сония ичида тўғирланиши мумкин. Хато орқали вужудга келган ва узоқ вақт эътиборсиз қолдирилган мураккаблик, бу хатони тўғирлашни қийинлаштиради.

Иштирокчилар беллашув ҳудуди четига ҳаракатланаётган вақт, рефери ҳаракат татами ичида ёки ташқарисида бажарилишини кўриш мумкин бўлган позицияни эгаллаши учун ўз жойини топиши лозим. Ҳар қандай вақт, икки иштирокчи ҳам ҳудуддан чиқиб кетишганда, рефери доимийликни сақлаш учун МАТЭ буйруғини бериши лозим.

Учрашув вақтида иштирокчилар дзюдогиси ва ташқи кўринишини кузатиш зарурдир. Ташқи хулқ-атвор қоидалари ва ҳеч бир иштирокчи устунликка эга бўлмаётганига ишонч ҳосил қилиш рефери вазифасига киради.

Беллашув вақтида дзюдогилар идеал ҳолатда бўлиши шарт эмас. Икки иштирокчи ҳам бир хил тартибсиз ва устунликка эга бўлмаса ёки ноқулай ҳолатда бўлмаса, беллашув давом эттирилиши мумкин. Беллашувни доимий тўхтатиб, дзюдогиларни тартибга келтиришни уқтирадиган рефери, беллашувнинг табиий ўтишига тўсқинлик қилади.

Агар иштирокчининг сочи ёйилиб кетиб, ушлашни амалга оширишда ноқулайликлар туғдирса, беллашув тўхтатилиши ва МАТЭ эълон қилиниши лозим. Шим тушса ёки белбоғ очилиб кетса, беллашув тўхтатилади ва дзюдогилар тартибга келтирилади.

5. Овоз

Рефери буйруқлари қатъийлик, ўзига ишонч ва назоратни акс эттириши лозим. Яхши берилган буйруқ реферининг мусобақа худудидаги нуфузини ўрнатади ва иштирокини кўрсатади. Овоз оҳанги, интонацияси ва баландлиги беллашувни назорат қилишда ёрдам беради, айниқса беллашув атрофдаги шароит натижасида юқори кескинликда ўтаётган бўлса.

Буйруқлар овоз орқали шундай берилиши керакки, иштирокчилар, мураббийлар, таблодаги ҳакамлар, секундометрчи ҳакамлар ва томошабинлар томонидан эшитилиши ва тушунилиши лозим. Бу овоз аниқлиги, баландлиги ва йўналиши орқали эришилади.

Талаффуздаги аниқлик урғу бериш орқали тўлдирилади. Асосан дзюдодаги буйруқларда урғу охирги бўғинга тўғри келади ва унли товушлар қисқа бўлиши лозим. Қуйидаги ҳолатлар мисол бўлиши мумкин.

a as in around, about ---- а, (эраунд, эбаут) каби

e as in egg, edit ---- э, (эг, эдит) каби

i as in police, machine, ski ---- и, (полис, машин, скай) каби

o as in so, go, open ---- о, (соу, гоу, оупен) каби

u as in suit, you ---- ю, (сьют, ю) каби

Овоз баландлиги ва проекцияси (йўналиши) биргаликда ишлайди. Баланд овоз узоққа ҳаракатланиши ва бош қай томонга қараган бўлса, ўша томонга йўналтирилиши мумкин.

Эшитилишнинг энг осон йўли, мўлжалга қараб гапиришдир. Рефери буйруқ бераётганда юзи ҳамиша иштирокчиларга қаратилган бўлиши лозим, чунки иштирокчилар қандай буйруқ берилганини асосан овоз орқали, ишоралар орқали эмас, билишади. Имкони бўлса, рефери юзи секундометрчи ва таблодаги ҳакамларга қаратилган бўлиши лозим.

Симсиз микрофон ишлатилаётганда, секундометрчи ва таблодаги ҳакамларга қараш зарурияти бўлмайди, бироқ тавсия этилади.

Изоҳ: Кўпгина реферилар биринчи буйруқ ХАЖИМЕ ни сифатли талаффуз қилишда муаммоларга дуч келишади. Қисман бу реферининг буйруқни беришдан олдин чуқур нафас олмагани билан боғлиқ бўлади. Ҳаво овозга куч бериш учун керак. Тўғри нафас олиш автоматик жараёнга айланиб, тажриба ортиши билан нафас олиш онг ости фаолиятга айланади.

6. Ишоралар

Ишоралар ХДФ ҳакамлик қоидаларида кўрсатилганидай бу белгилар тилининг аниқ намунаси ҳисобланади. Ишоралар ҳакамлар жамоаси аъзолари, секундометрчи ҳакамлар, таблодаги ҳакамлар ўзаро алоқада бўлишларида ишлатилиши билан биргаликда, томошабинлар беллашув вақтида берилаётган буйруқларни тушунишларига ҳам хизмат қилади. Кўпгина буйруқлар оғзаки кўшимчаларга эга бўлиб, ишоралар билан бир вақтнинг ўзида қўлланилади. Ишоралар аниқ, қатъий тарзда бажарилиши ва 2-3 сония ичида ушланиши лозим. Ишораларни кўрсатиш тарзи бўшашган бўлиши, сунъий ёки ҳаяжонли тарзда бажарилмаслиги лозим. Саҳналаштирилган тарзда ишораларни кўрсатиш керак эмас, бу томошабинларни беллашувдан диққатини олиб қочади.

Рефери баҳоловчи буйруқни бераётганда, у ишорани ҳакамлар ва техник мутахассислар кўра оладиган тарзда кўрсатиши лозим. Ҳар бир ишора аниқ бир ҳолатда қайд этилиши ва кейин олдинга ёки орқага бурилиш билан давом этиши ва ҳаммага кўриш имконини бериши лозим. Бурилиш реферига ёрдамчи ҳакамни очиқчасига бўлмаган ва сезилмайдиган даражада кўриш имконини беради. ИППОН ишораси бошдан юқорида бажарилиб, ҳаммага кўрингани учун, бурилишга зарурият туғилмайди. Бироқ шунга қарамай бурилиш тавсия этилади, бу реферига ҳакамларни кўриш имконини беради. Ишораларни кўрсатиш вақтида рефери иштирокчилар билан визуал алоқада қолиши керак.

Тез қарши ҳужум рўёбга келиб ва рефери баҳони кўрсатгач, рефери овоз орқали ао (кўк) ёки shiro (оқ), ёки кўрсатгич бармоқ билан татамидаги кўк ёки оқ чизикқа кўрсатиш тавсия этилади.

МАТЭ буйруғи билан овоз иштирокчиларга қаратилган бўлиши, шу вақтнинг ўзида ишора таблодаги ҳакамга қаратилиб бажарилиши керак. Бу бурилишни талаб қилмайдиган ягона ишора ҳисобланади, чунки бу беллашув натижасига таъсир қилмайди, бу ерда асосий мақсад

иштирокчилар ва таблодаги ҳакамлар вақт тўхтатилганини билишларига ишонч ҳосил қилиш ҳисобланади.

Шундай вазиятлар бўладики, ҳаракат тезлатилиши мумкин. Ташлаш усули, рефери томонидан овоз орқали берилган буйруқ кўрсатилаётган ишора билан мос бўлмаса, масалан, ЮКО буйруғи айтилиб, қўллар билан ВАЗАРИ ишораси кўрсатилса. Бу жуда ҳам ноқулай вазият. Шунга қарамай қўл иложи борица тезроқ тўғри ҳолатни қабул қилиши лозим. Оғзаки буйруқ ишорадан тўғрироқ берилса, осонроқ бўлади.

Босиб туриш

Рефери олдин босиб туриш белгиланганини аниқламоғи ва кейингина ишора билан кўрсатмоғи лозим. Реферилар босиб туриш ҳолати юзага келаётганида, бу ҳолат тўлиқ қайд қилинмай туриб босиб туриш ишорасини кўрсатиш тенденциясига эга. Бундай барвақт ишора, айниқса секундометрчиларни адаштиради.

Босиб туриш ишорасини кўрсатгач, рефери гавдаси билан қўл атрофида айланиши лозим. Бошқа буйруқлар вақтида эса қўл гавда атрофида айланади.

7. Қатъийлик

Қатъийлик бу ўз фикрини ишонч билан ифодаламақдир.

Ташлаш усули бажарилаётганда ёки қоида бузилаётганда, рефери баҳони иккиланмасдан намоиш этиши лозим. Ҳар қандай ишончсизлик қатъийлик етишмовчилигини намоиш этади. Рефери ўз меҳнат фаолиятини бошлаш босқичида буйруқларни секинлик билан чиқариши кутилади, бироқ тажриба ортиб бориши билан буйруқларни бериш тезлиги яхшиланиб боради. Албатта буйруқларни тез бажарилишидан кўра, тўғри чиқарилиши муҳимроқдир, бироқ ундан ҳам кўра буйруқлар тез ва тўғри берилса яхшироқдир. Барча баҳолар йиқилишдан сўнг берилиши, бироқ ундан олдин берилмаслиги лозим.

Рефери томошабинлар ёки мураббийлар томонидан берилаётган баҳолар бўйича қўрқитишга уринишларидан таъсирланмаслиги лозим. Баҳо рефери қандай кўрса, шундай берилиши лозим. Рефери баҳсли ЮКО бўйича кўнгилчан бўлишга кўнмаслиги, чунки ўша спортчи олдинроқ сал бўлмаса ЮКО баҳосини олиши ёки жазо қоидабузарлик учун.

Ҳеч қандай вазиятда, олдин берилган буйруқни ўрнини тўлдириш учун кейинги буйруқларни ўзгартириш ярамайди. Баъзида шундай ҳол юз

бериб, рефери ЮКО беради ва бир неча сония ўйлаб, ташлаш усули ВАЗАРИга аришига амин бўлади. Ҳеч қандай вазиятда бу фикрлар кейинги бериладиган баҳоларда ўрнини тўлдириш учун таъсир кўрсатмаслиги ва қандай баҳо бўлса ўша баҳо қўйилиши керак, масалан, ЮКО ўрнига ВАЗАРИ. Битта нотўғри буйруқ етарли. Бир марта хатога йўл қўйилди ва уни кейинги баҳолашда тўғирлашга уриниш ҳеч кимга фойда келтирмайди. Кўп маротабали хатолар ўрнатилган нуфуз, обрўй, назорат ва ижобий ташқи кўринишга путур етказди.

Рефери фазилатларининг изчиллиги жуда ҳам муҳимдир. Рефери беллашув вақтида баҳоларни баланд ёки паст қилиб, ёрдамчи ҳакам томонидан ўзгартирилган баҳоларни ўрнига келтиришга уринмаслиги лозим. Баҳолар рефери қандай маъқул топса, ўшандай қўйилиши керак. Буйруқ беллашув ҳудудини тарк этгандан сўнг, рефери ҳакамлар билан гаплашиши, муаммони аниқлаши ва бу муаммонинг ечими устидан ишлаши лозим.

Ҳакамлик вақтида, ёрдамчи ҳакам ҳам ўз ҳаракатларини ишонч билан бажариши лозим.

8. Тушуниш

Тушуниш халқаро тоифадаги реферининг энг муҳим фазилатлардан бири эканлиги ҳамма томонидан эътироф этилган. Рақиблар ҳаракатини тушуниш қобилияти дзюдо тамойиллари ва услублари бўйича батафсил билимлар билан бирга келади. Амалий ҳакамлик тушунишни яхшилаш ва тушуниш малакаласини чархлаш учун керак бўлса, пойдевор доимий асосда дзюдони амалиётда ўрганиш орқали ўрнатилади. Услублар вақти-вақти билан ўзгариб туради, рефери эса замон билан ҳамнафас равишда бу янги ўзгаришлар билан танишиб бориши лозим, акс ҳолда тушуниш зарар кўради.

Бу тоифа кўпгина мавзулар билан боғлиқ..... ҳаракат баҳога лойиқлигини тушуниш, ... ҳаракат ман этилганини ва жазоланиши кераклигини тушуниш, ... МАТЭ, БОСИБ ТУРИШ, СОНОМАМА буйруқлари қачон берилишини тушуниш ва ҳоказо.

Баҳолар

Иштирокчилардан бири ўз рақибини услуб ва назоратни амалга ошириб, ташлаш усулини бажарса, рефери баҳо эълон қилиши лозим. Кўп ҳолларда эълон қилиниши керак бўлган баҳолар қолдирилади. Бир

вақтнинг ўзида мувозанатдан чиқариш (kuzushi) шубҳасиз етарли бўлмасдан бироқ иштирокчилардан бири услубни назорат қилиб қўллаш натижасида рақибининг танаси мувофиқ қисмлари билан татамига йиқилса баҳолаш ўринлидир.

Икки ҳакам ҳам бир ташлашга икки хил баҳо берса, ёрдамчи ҳакам реферини мувофиқ тўғирлаши ёки ёрдамчи ҳакамнинг баҳосини қабул қилиши ширт. Масалан, рефери ИППОН эълон қилиб, ёрдамчи ҳакам эса ВАЗАРИ баҳосини кўрсатди. Шуниси равшанки, ёрдамчи ҳакам баҳо паст бўлиши кераклигини тушунаяпти, ва йиқилган иштирокчига ВАЗАРИ баҳосига ўзгартирилиши керак. Рефери ўзгаришни қатъият билан, шубҳаларга ўрин қолдирмай баҳолайди. Бу ўзгаришлар рефери баҳосига қарши талқин қилинмайди, чунки иштирокчига нисбатан холис ҳакамлик қилиш муҳимроқдир.

Балким ташлашни кўриш бурчаги ва ҳолати шароити тақозоси билан, рефери бир баҳо, ёрдамчи ҳакам бошқа баҳо кўрсатишаётгандир. Бир биридан бир баҳо билан фарқ қиладиган техник баҳолар вақти-вақти билан тахмин қилинади. Бир биридан икки баҳо билан фарқ қиладиган техник баҳолар камдан-кам ҳолларда бўлиши ёки умуман содир бўлмаслиги лозим.

Иштирокчи татамига тўлиқ кўприк ҳолатида, уч нуқта (бош ва икки товони) билан тушса, рефери бу йиқилишни, орқа томон билан тўлиқ йиқилишдай баҳолаши лозим. Бу баҳонинг қиймати йиқилишга қараб аниқланади. Агар уч нуқта ҳам, етарлича куч билан урилса, баҳо ИППОН. Агар учта нуқта ҳар хил вақтда ёки камроқ куч билан бажарилса, ВАЗАРИ ёки ЮКО баҳоси ўринли бўлади.

Қарши ҳужумлар

Икки иштирокчи ҳам қуйидаги ҳолатларда баҳоланмайди:

- икки иштирокчи ҳам татамига бир хил тарзда тушса ва ҳеч ким назоратни намойиш қилмаса;

- уке томонидан ҳеч қандай ҳаракат қилинмай, тори ўз мувозанатини йўқотиб татамига йиқилса;

- дзюдочи рақибини кўтариб, рақиб танаси татамига тегмаса, кейинчалик рақиб дзюдочини ўраб қўйиб, дзюдочи ўз мувозанатини йўқотиб рақиб устида бўлиш ҳолатида татамига йиқилса.

Қарши ҳужум бажарилаётган вақт, рефери ким баҳоланиши лозимлигини қуйидаги мезонлар орқали аниқлайди:

- иштирокчилардан қайси бири йиқилишни назорат қилган;

- ким татамига йиқилди, ким йиқилмади;
- уке йиқилаётганида ёки йиқилишдан кейин, торидан назоратни ўз қўлига олиб, ўзи тори ҳолатини эгалласа.

Босиб туриш

Босиб туриш эълон қилинганда қуйидаги мезонлар ишлатилади:

-уке орқасининг бирон-бир қисми татамида маълум бир вақт оралиғида тегиши;

-тори юқорида бўлиб, укени назорат қилиши;

-ва тори туриш имконига эга бўлиши лозим.

Рефери босиб туришни қулай вақтда эълон қилиши муҳимдир. Босиб туриш бошлангандай кўринган вақт, тори вужудга келиш мумкин бўлган ноаниқ вазиятларни охиригача етказишини аниқ назорат қилиш керак.

МАТЕ ва СОНО-МАМА.

МАТЕ ва СОНО-МАМА ни ўз вақтида эълон қилиш муҳимдир. Тажрибаси камроқ рефери учрашувни нотўғри вақт ва нотўғри сабабларга кўра тўхтатса, рақиблар интилиши ва стратегиясини бузиши мумкин.

Учрашувни тўхтатиш ҳеч қачон иштирокчининг устунликдан маҳрум қилмаслиги лозим бўлиб, шунга мувофиқ рефери устунлик нима эканлигини аниқлаш имконига эга бўлиши лозим. Биринчи иштирокчи иккинчи иштирокчининг юқорисида, бироқ иккинчи иштирокчи орқаси билан татамига ўгирилмаган бўлса, биринчи иштирокчи устунликка эга бўлмаган ҳисобланади. Партер вазиятларида хоҳ юқоридаги, хоҳ пастдаги иштирокчи рақибни устидан, услубни қўллаш натижасида самарали назоратни намойиш қилса, устунликка эга бўлади.

Рефери МАТЕ эълон қилишдан олдин, партер ҳолатида ҳаракат ривожини тўхтаганини аниқлаш имконига эга бўлиши керак. Одатда ҳаракат ривожини иштирокчининг қатъий равишда бажарилаётган босиб туриш, буғиш ва оғритиш усуллари орқали ўлчанади. Агар иштирокчи рақибини орқа томонига айлантира олмаса ва ҳаракат ривожини бўлмаса МАТЕ эълон қилиниши лозим. Партер ҳолатида беллашувни керагидан ортиқроқ давом эттириш, реферилар учун умумий хато ҳисобланади.

Рефери буғиш ёки оғритиш усуллари бажарилаётган вақт, МАТЕ эълон қилаётганда жуда ҳам хушёр бўлиши керак. Қарор чиқариш беллашув охирида талаб қилинса, оғритиш усуллари ўткизишга уринишлар сони, сифати ва самарадорлиги бўйича баҳоланиши лозим. Иштирокчи буғиш усулини нуқул ёмон бажараверса, бирон-бир устунликка эришишни кутмаслиги керак. Агар буғиш самарали ва давомий

ривож билан самарали натижага нисбатан яқин бажарилса, рефери буғиш усули бажарилишининг давом этишига рухсат бериши лозим.

Кўпгина ҳолларда оғритиш усули ўтказилаётган вақт, уке қочгунча ёки таслим бўлгунча оғритиш усулини давом эттиришга рухсат бериши лозим.

Беллашув ҳудудидан ташқарисида бошланган ва давомига эга бўлган босиб туриш спортчилар ҳудуддан ташқарида бўлса ҳам давом эттирилишига рухсат берилиши лозим.

Таслим бўлиш

Иштирокчи босиб турилиш, буғиш ёки оғритиш натижасида таслим бўлса, рефери иштирокчи татами ёки рақибини камида икки марта уриб қўйганига амин бўлиши лозим. Рефери бир марта қоқиш учун ИППОН бермаслиги керак. Бу уке томонидан таслим бўлмагани ҳақидаги талабга ва мураббий томонидан норозилик билдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Буғиш усули вақтида бир марта қўл қоқиш бажарилса, рефери уке хушидан кетишини кутиши лозим. Қўл бармоқлари очилиб, оёқлардаги бармоқлар бўшашса ёки тана сустлашиб, тиришиб қолса, бу уке хушидан кетганини билдиради.

Юқори даражадаги халқаро мусобақаларда, оғритиш усули вақтида икки марта қўл қоқиб қўйилмаса ёки МАИТА айтилмаса, ИППОН эълон қилинишигача қўлни чиқариш ёки синдиришига рухсат этилади. Бироқ бу қоида янги шуғулланишни бошлаган ёки ёш иштирокчилар ҳакамлигида қўлланилмаслиги лозим. Ёш ва тажрибасиз иштирокчи жароҳат олганидан кўра, мураббий норозилигини чақиришга журъат қилиш яхшироқдир.

Жароҳат ва соно-мама

Агар босиб туриш эълон қилинганда, уке жароҳатланиш аломатларини кўрсатса, рефери СОНО-МАМА эълон қилиши ва жароҳат иштирокчиларни ажратишга ёки тиббий текширишдан ўтказишга асос бўлишини аниқлаши лозим. Бундай вазият ташлаш усули бажарилгандан сўнг, уке йиқилиши натижасида жароҳатланса ва тори таъқибни давом эттириб босиб туришга ўтганда вужудга келиши мумкин.

Иштирокчиларни ажратишдан олдин, рефери икки иштирокчининг ҳам қўллари, оёқлари ва гавдалари ҳолати эслаб қолиниб, иштирокчилар ажратилиши мумкин. Агар уке беллашувни давом эттира олиши маълум бўлса, иштирокчилар СОНО-МАМА эълон қилиниши вақтидаги асл

ҳолатларига қайта ўрнатиладилар ва рефери беллашувни ЁШИ буйруғи орқали давом эттиради.

Жароҳат тиббӣй аралашувни талаб қилишини, жароҳат тасодифан ёки ман этилган ҳаракат натижасида юзага келганини аниқлаш, ўрнашган баҳолаш малакаларини талаб қилади. Рефери иштирокчилар дам олиш ва тикланиш мақсадида ўзини жароҳатлангандай кўрсатиши ёки жароҳатни кучлироқ қилиб кўрсатишига илинмаслиги лозим. Рефери иштирокчи учун давом этиш ёки тиббӣй ёрдамни чақириш қарорини қабул қилиши керак. Хавфсизлик ва масъулият масалалари нуқтаи назаридан тиббӣй текширишсиз давом этишга камдан-кам ҳолларда рухсат этилади.

Ёрдамчи ҳакам ҳам вужудга келиши мумкин бўлган жароҳатланиш имкониятларини англаши лозим. Агар ҳакам жароҳатланиш сабабини кўрсаю, рефери СОНО-МАМА эълон қилмаса, ҳакам ўз ўрнидан туриши ва дарҳол вазиятга диққатни қаратиши лозим.

9. Жазолар

Реферининг қоида бузишни олдини олиш ва жазони тўғри белгилаш қобилияти мажмуавий вазифа ҳисобланади. Амалда бу фазилат тушунишнинг бир қисми ҳисобланади, бироқ алоҳида муҳокама қилинишга арзийди, чунки рефери курашмаслик ёки салбӣй дзюдо учун жазолашда катта эркинликка эга бўлади. Мезонлар кўп талқинларга эга бўлиб, мутлоқ таърифга эга эмас.

Ман этилган ҳаракатлар

Иштирокчи ман этилган ҳаракатларни бажарган вазиятларда, рефери танлаш эркинлигига эга эмас. Беллашув дарҳол тўхтатилиши ва мувофиқ равишда жазо берилиши лозим. Ман этилган ҳаракатлар ва шу ҳаракатларга мувофиқ жазолар ХДФ ҳакамлик қоидаларида тавсиф этилган.

Жароҳатларга олиб келувчи ва ман этилган ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида дарҳол таъсир ўтказиш учун, рефери ман этилган ҳаракатлар ва услублар бўйича тўла билимга эга бўлишлари лозим.

Шу билан бирга рефери иштирокчилар дзюдо анъанавӣй маросимларига ҳурмат билан қарашларига амин бўлиш ва мажбурий бажартириши, лозим бўлса жазолаш ваколатига эга.

Кураш олиб бормаслик ва бошқалар

“Курашмаслик” ва “салбий дзюдо” атамалари иштирокчиларнинг жўшқин дзюдога зид ва бесамар ҳар қандай ҳаракатларни ўз ичига олади. Реферилар салбий дзюдони талқин қилишда катта эркинликка эга бўлишади ва бу эркинликдан ақл билан фойдаланиш учун дзюдони чуқур билишлари, ишонч билан иш кўришлари лозим. Бундай ҳатти-ҳаракатларни аниқлай олиш, реферининг тажрибаси ошиши билан ошиб боради. Бироқ “курашмаслик” ни тушуниш калити, доимий дзюдо амалиёти билан келади. Хужум услублари каби, “курашмаслик” услублари ҳам, вақт ўтиши билан ўзгаради ва ривожланади.

Бу услубларнинг кўпи тез тарзда бажарилиб илғаш жуда ҳам қийин бўлади. Доимий амалиётга эга бўлмаслик, бу услубларни ҳис қила олмасликка олиб келади.

Қўллаш

Шундай чиройли беллашувлар бўладики, на баҳо ва на жазо бўлади. Жазо бўлмаганининг сабаби ҳар бир иштирокчи кучли ишлаб, баҳоланадиган ҳаракатни ўтказиш учун ижобий тик туриш ҳолатини намоиш қилган бўлади.

Бунга зид беллашувлар бўладики, иштирокчилардан бири жазолар олиш натижасида жуда эрта мусобақадан четлаштирилади. ХАНСОКУ МАКЭ ҳолатида ғолиб бўлмайди ва бу ҳолат қайта-қайта юз берса, дзюдо қиёфаси жабр кўради.

Рефери учун тенг беллашувда ҳақиқий муаммо бўлиб, эҳтиёткор назорат ва салбий дзюдо мезонларини ақл билан қўллаб жўшқин дзюдога рағбатлантириш ҳисобланади. Тўғри фурсатда берилган ўринли жазо икки иштирокчи учун ҳам, кейинги “курашмаслик” чегарасидаги қоида бузарликларга ижозат берилмаслиги ҳақидаги огоҳлантириш бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги ҳолатларда намоиш қилинганидек, олдиндан берилган баҳосиз вақт ўлчами, “курашмаслик” учун жазо эълон қилиш мезони бўлиб ҳисобланмайди. Ҳаракат учун қўлланма бўлиб тана ҳолати, ғараз ният ва тик туриш ҳолатига хизмат қилади.

Жазо ҳукмини чиқариш

Рефери жазони чиқариш учун беллашувни МАТЭ ёки СОНО-МАМА орқали дарҳол тўхтатиши лозим. “Курашмаслик” вазиятида эса,

жазоланмаган иштирокчини устунлигидан жудо қилмаслик учун, рефери эҳтиёт бўлиши керак.

10. Тадбирларга оид саволлар

Рефери беллашувни ХДФ ҳакамлик қоидаларига асосланиб бошқариши, стандартлаштирилган, ўзига хос тадбирларга эга ва ўрнатилган баённомаларга амал қилиши лозим.

Беллашув тадбирларига таъзимлар, баҳолаш, реферининг иштирокчиларга кўрсатмалари, ғолибни эълон қилиш, ҳакамлар жамоаси ички алоқалари ва ҳоказолар киради.

Анъаналарга бой мана шундай тадбирлар, дзюдони бошқа Олимпик спорт турларидан ноёблиги билан ажратиб туради. Ҳамма қабул қилган бу тадбирларсиз ўтадиган беллашув, бу дзюдо эмас.

Бу тадбирлар беллашув вақтидаги ҳар бир вазиятнинг “қандай” саволига жавоб беради. Рефери мана шундай ўта муҳим билимларсиз ҳакамлик қила олмайди. Барча реферилар тадбирларга оид саволлар бўйича эксперт бўлишга интилишлари лозим, чунки тадбирлардан фойдалана олиш малакаси рефери нуфузи ва ижобий ташқи кўринишига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Истисно ҳолатлар

Барча минтакавий ва халқаро мусобақаларда буйруқлар фақатгина Япон тилида бўлади. Маҳаллий ва кичик иштирокчилар билан ўтадиган мусобақаларда буйруқлар Япон тилидан сўнг, иштирокчилар тилида ҳам берилиши мумкин.

ҲАКАМЛАРНИНГ СЎЗЛАШУВИ

Дзюдода беллашувни олиб бориш вақтида Халқаро дзюдо федерацияси томонидан тавсия этилган ҳакамларнинг мулоқоти учун зарур бўлган инглиз тилидаги гаплар (иборалар тўплами) рўйхати ўтказилади. Гаплар (иборалар тўплами) ни ўзлаштириш қулай бўлиши учун қавс ичидаги ўзбек тилида ҳар бир сўз таржима қилинган. Халқаро мусобақаларда самарали ҳакамлик қилиш ва халқаро тоифасидаги ҳакам унвонини олиш

учун имтиҳон топшириш вақтида иборалар тўплами ҳакамларга ёрдам беради.

- 1. Who scored ippon/waza-ari/yuko/? Blue or what?**
(ху скоред иппон/ваза-ари/юко? Блу ор вайт?)
Ким иппон/ваза-ари/юко баҳосини олди? Кўк ёки оқми?
- 2. Is the score/penalty for blue or white?**
[из зэ пеналти? фор блу ор вайт?]
Баҳо/жазо кўкга ёки оқгами?
- 3. Who gets the penalty? Blue or white?**
[ху гетс зэ пеналти? Блу ор вайт?]
Ким жазо оляпти, Кўк ёки оқми?
- 4. Is the scoreboard correct/ incorrect? Yes/no.**
(из зэ скороборд корект/ инкорект? Ёез/ноу)
Таблодаги тўғрими/нотўғрими? ҲА/ЙЎҚ
- 5. What should the scoreboard read?**
(вот шуд зэ скороборд Рид?)
Табло нимани кўрсатиши керак?
- 6. Is the time clock on the scoreboard correct? Yes/no**
(из зэ тайм клок он зэ скороборд корект? Ёез/ноу)
Таблодаги соат тўғрими? ҲА/ЙЎҚ
- 7. Did the blue/white contestant dive to the mat? Yes/no**
(Дид зу блуе/вайт контестант дайв ту зэ мэт? Ёез/ноу)
Қатнашувчи боши билан татамига шўнғидими? ҲА/ЙЎҚ
- 8. Do you agree should be hansoku make? Yes/no**
(Ду ю эгри ит шуд би хансоку маке? Ёез/ноу)
Хансоке маке баҳосига розимисиз? ҲА/ЙЎҚ
- 9. Was the technigue inside or outside?**
(Воз зэ техник инсайд ор аутсайд?)
Ҳаракат бажарилиши беллашув ҳудудида ёки ташқарисидами?
- 10. The blue /white contestant has two waza-aris and hould be waza-ari awasete ippon**
(зэ блу/вайт консентант хэз ту ваза-ариз анд шуд би ваза-ари авасет иппон)
Вазари авасет иппон бўлиши керак, кўк/оқ қатнашувчи иккита вазари оляпти.
- 11. The blue/white contestant has third shido and vaza-ari and should be sogo-gachi**

(зэ блу.вайт контестант хэз сед шидо энд ваза-ари энд шуд би сого-гачи)

Кўк/оқ қатнашувчи 3 чи шидоси бор ва вазари, шунинг учун сого-гачи элон

қилиниши керак.

12. Did the blue/white kontestant make a bat gesture against the referee/kontestant?

Yes/no

(дид зэ блу вайт контестант мейк е бед джесжэ агейнст зе рефери/контестант?)

Йес/ноу)

Кўк/оқ қатнашчи хакам/рақибга ҳақоратли ишора кўрсатдим.

ҲА/ЙЎҚ

13. Yes the penalty should be hansoku make (against the spirit of judo)

(йес, зэ пеналти шуд би хансоку маю (агейнст зэ спирит ов жудо))

Ҳа хансоку маке эълон қилиниши лозим , ҳаракати дзюдо руҳига зид бўлганлиги учун.

14. No, there should be no action taken by us

(ноу зейн шуд би ноу акшен тейкен бай ас)

Йўқ биз ҳеч канақа ҳаракат (иш тутиш) қилмаслигимиз лозим.

15. We must notify the referee Commission member that this is a direct hansoku make

(ви маст ноутифай зэ рефери комишен мембер зат зис из э директ хансоку маке)

Бу тўғридан-тўғри хансоку маке эканлигини, биз хакамлар комиссияси аъзосини ҳабардор қилишимиз даркор

16 Is the coach s behavior unacceptable? Yes/no

(из зэ коучз бихейвэр анэксептабл. ЙЕЗ/ноу)

Мураббийнинг ўзини тутиши номақбул ишларга кирадими? ҲА/ЙЎҚ

17. Please, go with the contestant while he changes his judogi, which has blood or is torn

(плиз гоу виз зэ контестант вайл хи чейнжиз хиз жудогии. вич хаз блад ор из торн)

Мархамат, қатнашувчини кузатинг, дзюдогини алмаштиргунга қадар, қайси бирида қон ёки узилиш.

18. Should we call the doktor? Yes/no

(шуд ви колл зэ доктэр? Йес/ноу)

Врачи чақиришимиз керакми? ҲА/ЙЎҚ

19. Do you agree the doktor has used spray on the kontestant and this is treatment ? Yes/no

(дую эгри эз доктор хаз юст спрей он эз контестант анд зис из тритмэнт? Йес/ноу)

Врачнинг сачратгич ишлатганига кўшласизми ва буни даволаш деб ҳисоблайсизми? ҲА/ЙЎҚ

20. Is the doktor taking too long? Yes/no

(из зэ доктор тейкинг ту Лонг? Йес ноу)

Врач узоқ вақтни олаяптими? ҲА/ЙЎҚ

21. Doktor, please, be hurry

(доктор плиз би харри)

Врач (духтур) илтимос тазроқ

22. Doktor, please, only one doktor is allowed on the contest area (доктор плиз оунли ван доктор из алаувд он зэ контест ариэ)

Доктор, илтимос фақат битта доктор татамига рухсат этилади.

23. Doktor can the competitor continue? Йес / ноу

(доктор кэн зэ компититер кентиню. Йес /ноу)

Доктор, катнашувчи курашни давом эттироладими? ҲА/ЙЎҚ

24. Do you agree this injury was caused by an illegal act Йес ноу

(дую эгри зис инжури воз коузид бай эн иллегел акт? Йес /ноу)

Тақиқланган ҳаракатдан жароҳат олганига кўшиласизми? ҲА/ЙЎҚ

25. Doktor you may treat the contestant

(доктор ю мей трит зэ контестант)

Доктор қатнашчига тиббий ёрдам кўрсата оласизми?

26. The doktor s attendance should be rekorded on the scoreboard

(зэ дотерз атенденс шуд би рикордид он зэ скорэборд)

Докторнинг мавжудлиги таблода белгиланган бўлиши лозим.

27. Your position on the contest area is too far away from the contestants, so please more a little closer

(ёр позишн он зэ контест ареэ из ту фар эвей фром зэ контестантс соу плиз мор э литл клоузер)

Татами устидаги сизнинг позициянгиз қатнашчилардан жуда узоқ, шунинг учун яқинроқда бўлинг.

28. Your voice is too low for everyone to hear, especially the contestants

(ёр войс из ту лоу фор эвриван ту хеэр, эспешили зэ контестантс)

Сизнинг товушингиз жуда паст, ҳеч кимга эшитилмаяпти, айниқса қатнашчиларга.

29. Your gestures must be more precise and kept for 3 seconds

(ёр жесчэрэс мает би мор присайт Анд кепт ери секондз)

Сизнинг ишорангиз дадил (аниқ) бўлиши ва 3- дақиқа бўлиши лозим.

30. Please, sit on the judoge's chair and do not pre-empt the referee's

(плиз сит он зэ жаджз чаэр Анд ду нот прэ-эмпт зэ рефериз)

Илтимос ён ҳакам стулига ўтиринг ва буни бошқа ҳакамлардан олдин қилманг.

31. Please give your opinion in a "hantei" quickly

(плиз гив ёр эпиниэн ин э хантей квикли)

Илтимос, хантей вазиятида дархол фикрингизни курсатинг

32. Please give your opinion as a judge quickly along the boundary

(плиз гив ёр эпиниэн эз э жаджз квик ли элонг зэ баундэри)

Илтимос, ўзингизнинг фикрингизни тезроқ кўрсатинг ён ҳакам беллашув ҳудудининг чегараси бўйлаб.

33. The first named competitor should be wearing the blue judogi

(зэ фёрст неймид компетийтэр шуд би веэринг зэ блу жудоги)

Биринчи бўлиб чақирилган қатнашчи кўк дзюдоги кийиши лозим.

34. The second named competitor should be wearing the white judogi

(зэ секонд неймид компетитэр шуд би веэринг зэ вайт жудоги)

Иккинчи бўлиб чақирилган қатнашчи оқ дзюдоги кийиши лозим.

35. Please, call "osaekome"

(плиз кол осаккоми) Илтимос асейкоми элон қилинг

36. Please call "toketa"

(плиз кол токета) Илтимос токета элон қилинг

37. Please, call "matte"

(плизэ, кол матте) Илтимос мате элон қилинг

38. Please, bow properly

(плиз, боу пропэрли) Илтимос таъзимни тўғри бажаринг

39. There ,is goin to be a brek, so let's bow off the competition area.

(зеэр из гойинг ту би э брейк, соу лет ас боу офф зэ компетишн ариэ)

Танафус бўлади, шунинг учун таъзим қилайлик ва мусобоқа жойидан чиқиб

кетайлик.

40. Since this is the first contest of the day we need to do all the official bows

(сине зис из зэ фёрст контест ов зэ дей ви нид ду ол зэ офишел боуз)
Куннинг биринчи беллашуви бўлганлиги мунособати билан, биз расмий таъзимларни бажаришимиз лозим.

41. Sinse this is the flast contest of the day we need to do all the official bows

(синс зис из ласт контест овзэ Дей ви нид ту ду ол зэ офикал боуз)
Куннинг охирги беллашуви бўлганлиги мунособати билан, биз расмий таъзимларнинг ҳаммасини бажаришимиз лозим.

42. The judogi does not meet the requirement of the IJF Refereeing Rules

(зэ жудоги даз нот мит зэ реквайэрмэнт ов зэ айжэ-еф реферинг рулз)

Дзюдоги ХДФ нинг ҳакамлик қоидалари талабларига жавоб бермайди.

43. Should we enter the competition area now?

(Шуд ви энтер зэ компетишн ареэ нау?)

Мусобақа жойига (майдон) киришимиз керакми ҳозир.

44. Yes the other mat referees are ready

(йез, зэ азэр мат рефериз ар реди)

Ҳа, бошқа татами ҳакамлари тайёр.

45. No, we should wait for the other mat referees

(ноу ви шуд вейт фор зэ азэр мат рефериз)

Йўқ, биз бошқа татами ҳакамларини кутиб туришимиз лозим.

46. let's make sure we start the contest at the same time as the other contests

(летс мейк шуэ ви старт зэ сейм тайм эз зэ азэр контестс)

Келинг ишонч ҳосил қилайлик, бошқа беллашувлар билан бир вақтда беллашувни бошлаганимизни.

47. Please wait for the signal of the Referee Director before we go on the competition area

(летс мейк шуэ ви старт зэ рефери директэр бифор ви гоу он зэ компетишн ареэ)

Илтимос, мусобақа жойига киришдан олдин, ҳакам- директорнинг сигналини кутиб туринг.

ХАЛҚАРО ТОИФАСИДАГИ ҲАКАМЛАР

Юртимизда мустақиллик йилларида Ўзбекистон байроғи остида халқаро мусобқаларда татами ўртасига чиқиб ҳакамлик қилишга сазовор бўлган ҳамюртларимизнинг номларини ҳавола этамиз.

1. Югай Лев Павлович

2. Боярогло Петр Леонидович

3. Валиев Нусратхон Талатович
4. Богоутдинов Равиль Шайхатдинович
5. Мирзарахманов Нагманжан
6. Кигай Валерий Сергеевич
7. Кан Радион Николаевич
8. Багдасаров Армен Юрьевич
9. Аметов Рустем Хайриевич
10. Монукиан Роберт Гаврилович
11. Мухаметханов Темур Юсупович
12. Қўлдошев Олим Суннатович
13. Перетейко Вячеслав Дмитриевич
14. Березина Наталя
15. Узекбергенов Баҳодир
16. Адизов Илҳом
17. Коршунова Вера Рустемовна

ДЗЮДО ИБОРАЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

Халқаро мусобақаларда ҳакамлик қилиш япон тилидаги дзюдо иборалари (терминлар)дан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Шу сабабли дзюдо ибораларини курашчилар ҳам, ҳакамлар ҳам яхши билишлари лозим.

Дзюдо терминологиясининг умумийлиги ҳакамлар ва дзюдочилар татамида таржимонсиз бир-бирларини тушунишларига хизмат қилади.

Асигатамэ - юқоридан оёқ ёрдамида тирсакни букиш.

Ао – кўк ранг

Вадза - усул.

Вазаари - ярим ғалаба

Гякудзюдзидзимэ - олдинда қўлларни чатиштириб, миниб туриб буғувчи.

Гякугэсагарами - ён томондан қайта ушлаб қолишдан ёнбош оша тирсакни букиш.

Гякукэсагатамэ - ён томондан қайта ушлаб қолиш.

Гякуокуриэри - ён томондан буғувчи (рақиб эмаклаган ҳолда).

Дэасибарай - ён томонлама чалиш.

Еси - яхши (давом эттириш мумкин).

Ековакарэ - товонда олд томондан чалиш.

Екогакэ - йиқила туриб ён томондан чалиш.

Екогурума - йиқила туриб кўкрак оша ирғитиш.

Екодзюдзидзимэ - қўлларни олдиндан - пастдан чатиштириб, буғиш.

Екоотоси - йиқила туриб ташқаридан илиб олиш (ён томонга ташлаш).

Еко удэ хисиги - ёнбош (сон) ёрдамида юқоридан тирсакни букиш.

Екосихогатамэ - оёқ ва белдан тутган ҳолда кундалангига ушлаб қолиш.

Екотомоз - бош оша ён томонга ирғитиш.

Кавазу-Гакэ – рақиб оёғини оёғи билан ўраб олиб, рақиб томонга бурилиб, устига йиқилиш.

Камиудэхисигэ дзюдзигатамэ -қўлидан ушлаб тирсакни букиш.

Какэ - усулни бажариш

Какатодзимэ - болдир ёрдамида пастдан буғиш усули.

Камихидзагатамэ - миниб ушлаб қолишдан ёнбош оша тирсакни букиш.

Камисанкакугатамэ - миниб қайта ушлаб қолиш.

Камисихоасидзимэ - оёқ ёрдамида пастдан буғиш усули (рақиб бош томонда).

Камисихобасами - иккала оёқ ёрдамида буғиш усули.

Камисихогатамэ - белбошан тутган ҳолда бош томондан ушлаб қолиш.

Камисиходзимэ - пастдан буғиш усули (рақиб бош томонда).

Камиудэхисигэ дзюдзигатамэ -миниб ушлаб қолишдан қўлни икки оёқ билан ушлаган ҳолда тирсакни букиш.

Канибасами - икки оёқтагидан уриб йиқитиш (қайчи).

Каннукигатамэ - кўлни ўз елкаси остида ушлаган ҳолда стойкада тирсакни букиш.

Касирагатамэ - ўз сонидан ушлаган ҳолда ён томондан ушлаб қолиш.

Косивадза - асосан ёнбош (сон) ёрдамида амалга ошириладиган усуллар.

Ката - усуллар ва усуллар комбинацияларини бажаришнинг идеал вариантлари комплекси.

Катаасидори - ич томондан оёқдан ушлаган ҳолда иргитиш.

Катагатамэ - кўл ва бошдан ушлаган ҳолда елка томондан ушлаб қолиш.

Катагурума - " тегирмон ".

Катахадзимэ - кўлни бироз кўтариб, қайтарма билан орқадан буғувчи.

Катадзимэ - икки оёқ ёрдамида буғувчи.

Катадзюдзидзимэ - билак билан олдиндан буғувчи.

Катаосаэгатамэ - кўлни бош остидан тутган ҳолда кўндалангига ушлаб қолиш.

Катасэои - елка оша иргитиш.

Каэсидзимэ - бош томондан бурувчи (рақиб эмаклаган ҳолатда).

Кенсудзу-ваза - оғритиш усули

Кэсагарами - ён томондан ушлаб қолишдан оёқ ёрдамида тирсакни букиш.

Кэсагатамэ - ён томондан ушлаб қолиш.

Косигурума - ёқадан ушлаган ҳолда ёнбош оша иргитиш.

Косотогакэ - ташқаридан илиб олиш.

Косотогари - орқа томондан чалиш.

Коцуриотоси - белбоғдан ушлаган ҳолда ёнбош оша иргитиш.

Коутигари - ичкаридан чалиш.

Коутимакикоми - бир хил оёқ; билан ичкаридан илиб олиш.

Кубинагэ - бўйиндан ушлаган ҳолда ёнбош оша иргитиш.

Кудзурэ хидзи макикоми - стойкадан тизза ёрдамида тирсакни букиш.

Кудзурэ ками сихо тарами - тирсакни буғувчи қилиб букиш.

Кудзурэкамисихогатамэ - кўллар ва белбоғдан ушлаган ҳолда бош томондан ушлаб қолиш.

Кудзурэкэсагатамэ - кийим ва кўлдан ушлаган ҳолда ён томондан ушлаб қолиш.

Кудзурэекосихо - ёқа ва узоқ оёқни ичкаридан ушлаган ҳолда кундалангига ушлаб қолиш.

Кудзуси - мувозанатдан чиқариш.

Маитта - таслим бўлиш ҳақида сигнал.

Макикоми - кўлни елка остида ушлаган ҳолда иргитиш.

Макитомоз - ушлаб қолишга ўтиш билан бош оша иргитиш, оғритиш ёки буғиш усули.

Матэ - олишувни тўхтатувчи буйруқ.

Мотиагэотоси - ётган курашчини бироз кутаргандан сўнг иргитиш.

Мунэгарами - кўндалангига қайтарма тугун (узел).

Мунэгатамэ - белбоғ ва қўллардан ушлаган ҳолда кундалангига ушлаб қолиш.

Мунэгяку - елкага таяниб кундалангига ушлаб қолишдан тирсакни букиш.

Обигоси - олд томондан белбоғдан тутган ҳолда ёнбош оша иргитиш.

Обиотоси – ёнтомонлама айланиш.

Огоси - қўлни елка остида ушлаб, ёнбош оша иргитиш.

Огурума - оёқ оша олдинга иргитиш.

Окуриасибарани - икки оёқ остидан ён томондан чалиш.

Окуриэридзимэ - орқадан қайтарма билан бурувчи.

Осотогари - тутиб олиш (отхват).

Осотогурума - икки оёқ остидан орқадан тутиб олиш.

Осотоотоси - бир хил оёқ билан ташқаридан илиб олиш.

Отэндзимэ - олдинга думалаб бурувчи.

Отэнгарами - қўлни икки оёқ билан ушлаб олганда, олдинга думалаб тирсакни букиш.

Оутигари - ичкаридан илиб олиш. (зацеп)

Окури-аси-харай – супуриб қоқма тепиш (рақибнинг кетаётган оёғини кузатувчи)

Рандори - эркин шуғулланиш.

Реасидори - икки оёқдан ушлаб олган ҳолда иргитиш.

Рэй - саломлашиш, этикет.

Рё-тэ-дзимэ – икки қўл билан буғиш усули

Самурай - жангчи (феодализм давридаги жангчилар табақаси вақилларининг умумий номланиши).

Сасаэцурикомиаси - олд томондан чалиш.

Снай - мусобақа.

Симэгарами - бурувчи ушлаб олишдан тирсакни пастдан букиш (рақиб оёқлар томонида).

Синтай - ҳаракатланишлар (жой ўзгартиришлар).

Содэгурума - билаклар билан орқадан буғиш усули.

Сотогакэ - ташқаридан илиб олиш.

Сукуинагэ - олд томон айланиши.

Сумиотоси - тиззада туриб, силтов билан мувозанатдан чиқариш.

Сумо - япон миллий профессионал кураши тури.

Суриаси - сирғанувчан қадамлар билан ҳаракатланиш.

Сутэмивадза - усулни амалга ошираётган курашчи йиқилиши орқали ирғитишлар.

Сэойнагэ - қайтармадан ушлаб орқа оша ирғитиш.

Сэойотоси – енг ва қайтармадан ушлаб (тиззада) туриб елка оша ирғитиш.

Тайотоси - олд томондан чалиш. (тананинг устидан ўтказиб)

Тайсабаки - бурилишлар ва ўгирилишлар.

Таниотоси - йиқила туриб орқадан чалиш.

Татами - стандарт ўлчамдаги похол тушама (мат), 1,5 кв. метрдан биров ошиққ жуда пишиқ япон ўйлари ва додзе кураш залида полга солиш учун хизмат қилади.

Татэ санкаку гатамэ - оёқлар билан бош ва қўлларни қисиб олган ҳолда миниб ушлаб қолиш.

Татэсихогатамэ - қўллар ва бошни тутган ҳолда миниб ушлаб қолиш.

Таварагаэси - танани ушлаб олган ҳолда бош оша ирғитиш.

Томоэнагэ - бош оша ирғитиш.

Тори - хужум қилаётган дзюдочи.

Тэвадза - асосан қўллар билан амалга ошириладиган ирғитишлар.

Тачи вадза – қўл билан белдан пастга ҳолатида хужум ва химоя.

Удэ-хишиги-ваки-гатамэ (қўлларга бажарилган йиқилиш билан якунланадиган оғритиш усули) техник ҳаракатини бажаришга уриниш ёки ўтказиш вақтида татамига йиқилиш.

Удэгарами хенкавадза - билак ёрдамида юқоридан тирсакни букиш.

Удэ хисиги хэнка вадза - қўлни орқага қайириш.

Удэхисиги дзюдзигатамэ - қўлни икки оёқ билан ушлаб олганда тирсакни букиш.

Укивадза - йиқила туриб олд томондан чалиш.

Укигатамэ - оёқлар билан икки қўлни сиқиб олган ҳолда ушлаб қолиш.

Укигоси - белдан ураб, ёнбош оша ирғитиш.

Укиотоси - силтов билан мувозанатдан чиқариш.

Укэ - хужум қилинаётган курашчи.

Укэми - йиқила туриб ўзини эҳтиётлаш (самостраховка).

Утимата - бир оёқ тагидан илиб ташлаш. (подхват)

Ути-мата-гаэси - бир оёқ тагидан илиб ташлаш усулига қарши усул.

Ути-мата-сукаси – . (подхват)га қарши усул рақибни мувозанатидан чиқориш

Уранагэ - кўкрак оша ирғитиш.

Урасихогатамэ - елка томондан ушлаб қолиш.

Усирогоси - ёнбош оша ирғитишдан жавоб ирғитиши.

Усиродзимэ - орқадан билак билан бурувчи.
Уцуригоси - ёнбош оша ирғитиш (ёнбошни силкитиб).
Фусэн - олишув (кураш) дан бўйин тортиш.
Хадакадзимэ - гарданга таянган ҳолда орқадан елка ва билак билан бўғиш усули.
Ханэмакикоми - тизза билан чўккалаб, қўлни елка остида ушлаган ҳолда ирғитиш.
Харагатамэ - ичкарига дастак (ричаг) (рақиб эмаклаган ҳолатда).
Харай-Гоши - (икки оёқни илиб подхват усули)
Харайцури - олд томондан чалиш.
Хасамидзимэ - қайчи қилиб бўғиш.
Хидариасидзимэ - юқоридан оёқ ёрдамида пастдан бурувчи.
Хидарикатасэои - орқа ва чап елка оша ирғитиш.
Хидзагурума - тиззадан чалиш.
Хидзигатамэ - пастдан қўлни елка остида ушлаб олган ҳолда тирсакни букиш.
Хидзимакикоми - юқоридан икки қўл ёрдамида стойкада тирсакни букиш.
Хидзиотоси - тирсак остидан итариш орқали мувозанатдан чиқариш.
Цуккомидзимэ - қўлларни чатиштирган ҳолда миниб бўғиш усули.
Цуригоси - белбоғдан ушлаган ҳолда ёнбош оша ирғитиш.
Цурикомигоси - қайтармадан ушлаган ҳолда ёнбош оша ирғитиш.
Цугиаси - қўшимча қадамлар билан ҳаракатланиш.
Цукури - ирғитишни тайёрлаш.
Эбигарами - юқоридан елкани қучоқлаб, стойкада бўғиш усули.
Эбидзимэ - қайтарма ва қўлдан ушлаган ҳолда буғувчи.
Эри - ёқа.
Эридзимэ - стойкадан бурувчи.
Мароте сэой-наге - енги ва қайтармасидан ушлаб тиктурган ҳолда елкадан ошириб ташлаш
Широ – оқ ранг
Шими ваза – бўғиш усули

ИЛОВАЛАР

1- илова

МУСОБАҚА НИЗОМИ


1. Мусобақа низоми (кейичалик Низом), мусобақани ўтказаётган ташкилотлар томонидан тасдиқланган асосий ҳужжат ҳисобланиб, мусобақа қоидалари қаторида ҳакамлар ҳайъати ва мусобақа иштирокчилари томонидан қўлланма (дастур) сифатида фойдаланиш лозим.

2. Мусобақа низоми ичида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буйруғига асосланган бўлимлар бўлади.

2- илова

ДЗЮДО МУСОБАҚАЛАРИ БАЁННОМАСИ

Чорак финалчилар томонидан ўтиш учташувли олимпик тизим
(8 та иштирокчи қолганидан кейин ўтиш учрашувлари ўтказилади)



3 - илова

АЙЛАНМА ТИЗИМ.

N	Фамилияси, исми	Жамоа	ҲИСОВ	ҲИСОВ	ҲИСОВ	ҲИСОВ	Ғалабалар	Очколар	Ўрин
1									
2									

3								
4								

1 давра: [1-2]	0	-	0	
[4-3]	0	-	0	
2 давра: [1-3]	0	-	0	
[2-4]	0	-	0	
3 давра: [1-4]	0	-	0	
[3-2]	0	-	0	

Ж	Фамилияси, исми	Жамоа	Жамият.	Т.й.	Разр.	Мураббий	Натижа
1							
2							
3							

4- илова

АРАЛАШ ТИЗИМ

Группа "А"									
N	Фамилияси, исми	Жамоа	Ҳисоб	Ҳисоб	Ҳисоб	Ҳисоб	Ғалабалар	Очколар	Ўрин
1									
2									
3									
4									

Группа "В"									
N	Фамилияси, исми		Ҳисоб	Ҳисоб	Ҳисоб	Ҳисоб	Ғалабалар	Очколар	Ўрин
5									
6									
7									
8									

1 давра -- ----- А: [1-2] [4-3] () В: [5-6] [8-7] () >
2 давра -- ----- А: [1-3] [2-4] () В: [5-7] [6-8] () >

3 давра --

>

А: [1-4] [3-2] () В: [5-8] [7-6] ()

Ж	Фамилияси, исми	Жамоа	Жамият.	Т.й.	Разр.	Мураббий	Натижа
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							

A1

B2

B1

A2

(:)

(:)

(:)

Аралаш ва айлана тизимда жамоадошлар, агар бу спортчиларни бошқа гуруҳларга бўлиш имконияти бўлмаса биринчи учрашувда учрашишади.

Айлана ва аралаш тизим бўйича кичик гуруҳларда учрашувлар тартиби:

Иштирокчилар сони	1 давра	2 давра	3 давра	4 давра	5 давра
3	1 - 2 0 - 3	1 - 3 2 - 0	1 - 0 3 - 2		
4	1 - 2 4 - 3	1 - 3 2 - 4	1 - 4 3 - 2		
5	1 - 2 0 - 3 5 - 4	1 - 3 2 - 4 0 - 5	1 - 4 3 - 5 2 - 0	1 - 5 4 - 0 3 - 2	1 - 0 5 - 2 4 - 3

6	1 - 2	1 - 3	1 - 4	1 - 5	1 - 6
	6 - 3	2 - 4	3 - 5	4 - 6	5 - 2
	5 - 4	6 - 5	2 - 6	3 - 2	4 - 3

5 - илова

(талабнома шакли)

2014 й 25-28 март кунлари Зркаклар ва аёллар ўртасида Ўзбекмстон чемпионатида иштирок этувчи аёллар терма жамоаси

№	Иштирокчи Ф.И.Ш.	Туг. сана.	ўрни	Вазни

Вилоят дзюдо федерацияси бўлими
бошлиғи
имзо Ф.И.Ш.

6 - илова

ТАРОЗИДА ВАЗНИИ ЎЛЧАШ БИНОСИНИ ЖИҲОЗЛАШ
(1 хона эркаклар ва 1 хона аёллар учун)

Стандартлаштирилган вазни ўлчаш хоналарида электрон тарозилар (бир вазн тоифасига 1 та тарози).

Вазни ўлчаш хонасидан ташқарида электрон тарози (1дона.),
2 та стол, 6 та стул,
спортчиларнинг кийими учун илгаклар ёки саватлар,
ҳар бир вазн тоифаси учун вазни ўлчаш баённомалари.

Аёл спортчилар вазни ўлчаш хонаси каби, эркак спортчилар вазини ўлчаш хонаси ҳам бир хил жиҳозланиши лозим.

Вазни ўлчаш гуруҳи: аёл спортчилар вазини ўлчаш хонасида икки аёл бир тарозига ва эркак спортчилар вазини ўлчаш хонасида 2 та эркак бир тарозига. Улар спортчиларнинг аниқ вазини вазни ўлчаш баённомасида қайд қилишлари лозим.

Расмий тайинланган шахслар спортчилар паспортини уларнинг аккредитацияси (маълумотлар, юниорлар ва ўсмирлар исми, фамилияси, миллати, туғилган санаси айнан тўғри бўлиши лозим) билан солиштирилади. Ва барча топилган номутаносибликлар ҳақида хабар берилади.

Ташкилотчи томонидан, тайинланган расмий шахс, хонани очади ва жиҳозлар бўйича жавоб беради (расмий ва норасмий тарозида ўлчаш вақтида). Ушбу шахс ҳакамлар комиссияси вакили тасарруфида бўлади.

Ҳакамлар раҳбари ҳакамлар комиссиясининг аъзоларидан бирини вазни ўлчаш тадбирини назорат қилиш учун тайинлайди.

Спорт мусобақаларини мувофиқлаштирувчи томонидан танланган Республика Дзюдо Федерацияси аъзоси, вазни ўлчаш тадбирида иштирок этади. У қоидаларга риоя қилишни назорат қилади ва зарурият туғилганда тарозидан ўтказишни яхшилаш устидан қарор қабул қилади.

Спортчилар расмий тарозидан ўтиш тадбиридан бир марта ўтиши мумкин.

Изоҳ: вазни ўлчаш хонаси бир ёқдан, иккинчи ёққа чиқадиган бўлиб, ҳар хил эшиклардан кириш ва чиқиш имконини берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

7 - илова

ВАЗНИ ЎЛЧАШ БАЁННОМАСИ

Мусобақа номланиши

« _____ » _____ 20__ й.

Вазн тоифаси _____ кг

№ тр.	№ № Қуръа	Иштирокчи Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Спорт тоифаси,	Вилоят. Шаҳар. Туман.	Спорт жамияти	РДФ аъзоси гувоҳномаси № № рўйхатга олиш тизими карточкаси	Мураббий Ф.И.Ш.

Тарозидан ўтказиш аъзолари имзоси _____

Врач _____

8 - илова

**ДЗЮДО БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН
ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХОДИМЛАР СОНИ**

№ тр	Хизмат кўрсатувчи ходимлар Ҳакамлар	Ҳакамларнинг татами сони бўйича ҳисоби:			
		1 татами	2 татами	3 татами	4 татами
1	Бош ҳакам	1	1	1	1
2	Татами бошқарувчиси (бош ҳакам ўринбосари)	2	4	6	8
3	Бош котиб	1	1	1	1
4	Котиблар	1	2	3	4
5	Татамидаги ҳакамлар	4	8	16	28
6	Секундометрчи - ҳакамлар	2	4	6	8
7	Таблодаги ҳакамлар	2	4	6	8
8	Кийимни назорат қилувчи ҳакамлар (дзюдоги)	2	4	6	8
9	Маълумот берувчи ҳакамлар	1	2	3	4
10	Врачлар	1	2	3	4
11	Ҳамширалар	1	2	3	4
12	Мусобақа коменданти	1	1	1	1
13	Радистлар (видео тасмага олувчилар)	1	1	1	1

9- илова

**Дзюдо бўйича мусобақалар ўтиш жойини қабул қилиш бўйича
АКТ**

ш. _____

« _____ » _____ 20 ____ й.

Объектнинг номланиши (спорт иншооти) ва унинг манзили

Ушбу акт мусобақанинг бош ҳаками, спорт иншооти вакили ва шифокор томонидан тузилиб, мусобақа ўтиш жойи, жиҳозлари Дзюдо бўйича Мусобақа қоидалари талабларига ва мусобақа ўтказиш хавфсизлиги талабларига жавоб беради.

Бош ҳакам. _____

Спорт иншооти вакили. _____

Шифокор. _____

10- илова

ТАТАМИДА АРБИТР ИШОРАЛАРИ.

1. “ИППОН” – тўғирланган қўл, кафт олдинга қараган ҳолда бошдан юқорига кўтарилади.
2. “ВАЗА-АРИ” – тўғирланган қўл, ён томонга, елка сатҳида, кафт пастга қараган ҳолда кўтарилади.
3. “ВАЗА-АРИ АВАСЕТ ИППОН” – ишоралар орқали аввал “ВАЗА-АРИ”, кейин эса “ИППОН” кўрсатилади.
4. “ЮКО” – тўғирланган қўл, ён томонга гавдага нисбатан 45 даража бурчак остида, кафт пастга қаратилган ҳолда кўтариш.
5. “ОСАЕКОМИ” – қўлни олдинга (кафт пастга қараган) – пастга спортчилар томон, юз уларга қаратилган ва тана сал олдинга эгилган ҳолда бажарилади.
6. “ТОКЕТА” – Қўлни олдинга чўзиб (кафт – катта бармоқ юқорига) ва икки-уч марта, гавда сал олдинга эгилган ҳолда, тез-тез силкитиш.
7. “ХИКИ-ВАКЕ” – Қўлни юқорига баланд кўтариш ва олдинга тушириб, ўз олдида бир қанча вақт ушлаб туриш (катта бармоқ юқорида).

8. “МАТЭ” – қўлни олдинга, татамига параллел бўлган ҳолда, елка сатҳига, кафтлар олдинга қаратилган, бармоқлар юқорига ва хронометрчи ҳакамлар томон қаратилган бўлиши лозим.

9. “СОНО-МАМА” – икки иштирокчига тегиб туриб, кафтлар билан сал итарилади.

10. “ЁШИ” – кафтлар билан иккала иштирокчи ҳам енгилгина итарилади.

11. ХАТО БАҲОНИ БЕКОР ҚИЛИШ – бир қўл билан хато ишора кўрсатилиб, иккинчи қўл эса (кафтлар ичкарига қаратилган) бошдан юқорига кўтарилиб, икки-уч маротаба чапга-ўнгга силкитилади.

12. УЧРАШУВ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – қўлни елкадан юқорига кўтариб, ғолиб томон қаратилади.

13. Иштирокчи (иштирокчиларга) ўз дзюдогисини тартибга келтиришни кўрсатиш – қўлларни бел сатҳида қовуштириш, кафтлар ўзига қаратилган.

14. Докторни чақириш: тиббиёт ходимлари столи томон бурилиш ва тиббиёт ходимлари столдан жароҳатланган иштирокчи томон таклиф этиш ишорасини кўрсатиш.

15. ЖАЗОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ (“ШИДО”, “ХАНСОКУ-МАКЭ”) – кўрсатгич бармоқ билан, жазоланиши лозим бўлган иштирокчини кўрсатиш.

16. “СУСТ КУРАШ ОЛИБ БОРИШ” – тирсакларда букилган қўлларни, кўкраги сатҳига кўтариш ва уларни олдинга айлантириб, жазоланаётган иштирокчига кўрсатгич бармоғини кўрсатиш.

17. “ЁЛҒОН ҲУЖУМ” – иккала муштланган қўлларни олдинга кўтариш ва кейин уларни пастга тушириш.

Қайси иштирокчи баҳолангани ёки жазолангани етарлича аниқ бўлмаган вазиятларда, арбитр, расмий ишорадан сўнг, кўк ёки оқ белгини кўрсатиши мумкин (спортчиларнинг дастлабки ҳолати).

Узоқ вақт давомида вужудга келган тўхташ ҳолатларда, арбитр олдинга чўзилган қўл, кафт юқорига қаратилган ҳолда, иштирокчи (иштирокчиларга) дастлабки ҳолатини кўрсатади.

“ЮКО” ва “ВАЗА-АРИ” ишораларини тўғри кўрсатиш учун, қўл ҳаракатларини кўкрак олдидан бошлаган маъқул.

“ЮКО” ва “ВАЗА-АРИ” ишораларини бажариш вақтида арбитр шундай ҳолатда бўлиши керакки, баҳо икки ёрдамчи ҳакамга аниқ кўриниши керак. Бироқ икки иштирокчи ҳам арбитрнинг кўриш доирасида қолиши лозим.

18. “ХИКИ-ВАКЕ” ишораси - фақатгина жамоавий мусобақаларнинг биринчи учрашуви вақтида қўлланилади.

19. Икки иштирокчи ҳам жазоланган вазиятларда, арбитр навбат билан жазони эълон қилади (чап қўлнинг кўрсатгич бармоғи билан, чапдаги иштирокчини, ўнг қўл кўрсатгич бармоғи билан, ўнг томондаги иштирокчини кўрсатади).

Хато ишора кўрсатилган ҳолатларда, иложи борича тезроқ қарорни бекор қилиш ишораси кўрсатилиши, кейин эса тўғри баҳо кўрсатилиши лозим.

Баҳо бекор қилинганда, бу баҳо эълон қилинмайди.

Барча ишоралар 3 дан 5 сониягача кўрсатилиши лозим.

Ғолибни эълон қилиш учун, арбитр дастлабки ҳолатига қайтиши, ва кейин орқага бир қадам қўйиши лозим. Олдинга бир қадам қўйиб, ғолибни кўрсатади, кейин яна орқага қадам қўяди.

11 - илова

ЭЛЕКТРОН ТАБЛО



ҚЎЛ ТАБЛОСИ

				Жазол ар
Қўк	0	1	0	
	I	W	Y	
Оқ	0	0	1	
-100 кг				Жазол ар

12 - илова

Вазн тоифалари

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларига бўлинади.

1	Болалар ва қизлар 12 ёшгача		Ўрта ёшдаги болалар ва қизлар 14 ёшгача		Катта ёшдаги болалар ва қизлар 17 ёшгача		Юниор йигитлар ва қизлар 20 ёшгача		Юниор йигитлар ва қизлар 23 ёшгача		Катталар, 17 ёш ва ундан катта	
2	Ўғил бола-лар	Қизлар	Ўғил бола-лар	Қизлар	Ўғил бола-лар	Қизлар	Ўғил бола-лар	Қиз-лар	Ўғил бола-лар	Қиз-лар	Эркак-лар	Аёл-лар
3	26	24	38	32	46	40	55	44	60	48	60	48
4	30	28	42	36	50	44	60	48	66	52	66	52
5	34	32	46	40	55	48	66	52	73	57	73	57
6	38	36	50	44	60	52	73	57	81	63	81	63
7	42	40	55	48	66	57	81	63	90	70	90	70
8	46	44	60	52	73	63	90	70	100	78	100	78
9	50	48	66	57	81	70	100	78	+100	+78	+100	+78
10	55	52	73	63	90	+70	+100	+78	Абс. вазн	Абс. вазн	Абс. вазн	Абс. вазн
11	+55	+52	+73	+63	+90		Абс. вазн	Абс. вазн				

Юниор (ёшлар) ва катталар гуруҳларида (йигитлар ва аёллар) мутлоқ чемпион номига иштирокчиларни вазн тоифаларига бўлмасдан мусобақа ўтказишлари мумкин.

Бу мусобақаларда рухсат этилган энг кичик вазн мусобақа низомида кўрсатилади

Изоҳ: Жадвалнинг биринчи қаторида мусобақа иштирокчиларининг ёши гуруҳларга бўлиниши келтирилган.

ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Иштирокчи мажбуриятлари:

- а) мусобақа дастурига, қоидаларига ва низомига қаттиқ риоя қилиш;
- б) ҳакамлар талабини бажариш;
- в) ҳакамлар ҳайъатининг чақириғи билан дарҳол татамига чиқиш;
- г) барча иштирокчиларга ва томошабинларга нисбатан илтифотли бўлиш.

2. Иштирокчи ҳуқуқлари:

- а) мусобақа дастури, мусобақа дастуридаги ўзгаришлар ва мусобақалар жараёни ҳақида ўз вақтида маълумотлар олиш;
- б) жамоа вакили орқали ҳакамлар ҳайъатига мурожат қилиш.

14 - илова

ЖАМОА ВАКИЛИ, МУРАББИЙ, САРДОР

- 1) Ҳакамлар ҳайъати ва жамоа спортчилари (мураббийлари) орасида жамоа раҳбари (вакили) воситачи ҳисобланади;
- 2) Агар жамоа вакили бўлмаса, унинг мажбуриятларини жамоа сардори ёки мураббийи бажаради;
- 3) Жамоа вакиллари, улар учун махсус ажратилган жойда бўлишлари лозим;
- 4) Жамоа вакили мусобақалар вақтида мусобақа ҳаками бўла олмайди;
- 5) Жамоа вакиллари қуйидаги вазифаларни бажаради:
 - а) куръа ташлаш жараёнида қатнашади;
 - б) ҳар кунлик натижаларни тасдиқлаш, мусобақа низоми қоидалари асосида ҳакамлик ишига норозилик билдириш, ҳакамлар билан қўшма йиғилиш ишларида қатнашиш вазифаларини бажаради;
 - в) иштирокчиларни мусобақага ўз вақтида келишларини таъминлайди ва жамоа иштирокчиларининг интизомига масъул ҳисобланади;
- 6. Жамоа вакилига мусобақа ташкилотчилари, ҳакамларнинг қарор чиқариш жараёнига таъсир кўрсатиши, ҳамда ҳакамларни ҳақорат қилувчи ҳаракатларни бажариши ман этилади;
- 7) Ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ёки бажармаслиги туфайли жамоа вакили ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилиши мумкин;
- 8) Спортчининг беллашув вақтида, унинг мураббийи секундантлик қилиш ҳуқуқига эга, татами ёнида махсус ажратилган жойда бўлиши ва ҳакамлар

ишига аралашмаслиги лозим. Фақат биргина мураббий спортчисига секундантлик қилиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
Ҳакамлик санъати.....	
Ҳакамлик ҳайъати.....	
Иштирокчиларнинг вазнини ўлчаш	
Иштирокчилар кийими	
Мусобақа ўтказиш жойи (беллашув ҳудуди).....	
Беллашувнинг давомийлиги.....	
Беллашув бошланиши.....	
Ётиб курашиш.....	
“матэ” буйруғи.....	
“соно-мама” буйруғи.....	
“соре-матэ” беллашув тугаши.....	
“голден скор” беллашуви.....	
“хики-ваке” дуранг.....	
“иппон” соф ғалаба.....	
“ваза-ари” баҳоси.....	
“юко” баҳоси.....	
Ман этилган ҳаракатлар ва жазо.....	
Оғритиш усуллари.....	
Бўғиш усуллари.....	
“Осаекоми” босиб туриш.....	
Жароҳатлар, касалликлар, бахтсиз ҳодиса, тиббий ёрдам кўрсатиш.....	
Мусобақада ўз вақтида бўлмаслик ёки иштирок этишдан воз кечиш (“фусен-гачи” ва “кикен-гачи”).....	
Таъзимларни бажариш бўйича йўриқнома.....	
Беллашув вақтида реферининг ҳаракатлар тартиби.....	
Рефери фазилатлари.....	
Ҳакамларнинг сўзлашуви.....	
Халқаро тоифасидаги ҳакамлар.....	
Дзюдо ибораларининг қисқача луғати.....	
Иловалар.....	
Адабиётлар.....	

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент 2000
2. Ғ. Хатамов, З Мирзакулов “XXI аср: Истикболимиз тимсоллари” Тошкент 2001
3. Ю.С Ким, Л.П. Югай “Основы дзюдо” 2005
4. А.А Истомин., А.А Абсаттаров “Дзюдо кураши” Тошкент 1993
5. Элов. А.Н, Ш Арслонов “Дзюдо”, Тошкент . 2005
6. Керимов Ф.А «Спорт кураши» Тошкент 2005
7. “Правила судейства в Дзюдо”. [www. Judo ansu.ru](http://www.Judo-ansu.ru) 2010.
8. Федерация дзюдо Узбекистана “Развитие дзюдо в Узбекистане”. [www. Judo.uz](http://www.Judo.uz) 2013
9. Федерация дзюдо России “Правила соревнований в дзюдо”. www.Judo.ru 2014
10. IJF “Expirementation of Refereeing Rules 2013-2016”.